



2 · 2020

март-апрель



ФУРҚАТ

ФАСЛИ НАВБАҲОР ЎЛДИ...

*Фасли навбаҳор ўлди, кетибон зимистонлар,
Дўстлар, ғаниматдур, сайр этинг гулистонлар.*

*Субҳидам тушуб шабнам, бўлди сабзалар хуррам,
Гул уза томиб кам-кам ёғди абри найсонлар.*

*Настаран ювиб юзни, ёсуман тузиб ўзни,
Наргис очибон кўзни интизори ёронлар.*

*Бир саҳар эдим уйғоқ, ўт тудошди оламға,
Тоғлар чекиб ларза, титради биёбонлар.*

*Қумрилар қилиб ку-ку, булбул айлабон чаҳ-чаҳ,
Сарву гул уза доим тортар оху афғонлар.*

*Булбул ўқуғоч йиғлаб субҳидам хазон фаслин,
Гунча қон ютуб, юз чок этти гул гирибонлар.*

*Кечтилар вафо аҳли қолмайин тутуб, савсан,
Кийди кўк қилиб сунбул зулфини паришонлар.*

*Куймасун бу савдода не учун димоғимким,
Ранжу ғуссада доно, кечса шод нодонлар.*



2 • 2020

Журнал 1925 йилдан чиқа бошлаган

*Ижтимоий-сиёсий, илмий-бадиий,
маданий-маърифий, безакли журнал*

УШБУ СОНДА:

*Халқимиз чинакам сабр-тоқат ва масъулият,
меҳр-оқибат фазилатларини намоён этди.*

*Ўзбекистон Республикаси маҳалла ва оилани
қўллаб-қувватлаш вазирининг биринчи ўринбосари
Элмира Боситхонова мамлакатимизда
хотин-қизларга қаратилаётган юксак эътибор,
янги ташкил этилган вазирликнинг мақсад
ва вазифалари хусусида фикр юритади.*

*Сирдарё вилояти ҳокими Ғофуржон Мирзаев билан
суҳбат.*

*Ўзбекистон Республикаси инновацион ривожланиш
вазири Иброҳим Абдураҳмонов Илм, маърифат
ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йилида
вазирлик томонидан амалга оширилаётган ишлар
хусусида ҳикоя қилади.*

*Ўзбекистон халқ ёзувчиси Муҳаммад Алининг
Амир Темурга бағишланган шеърлари.*

*Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раисининг
биринчи ўринбосари Нодир Жонузоқ Озарбайжон
сафари таассуротларини баён қилади.*

*Озарбайжон халқ ёзувчиси Анорнинг «Оқ кўчқор,
қора кўчқор» қиссасидан боб.*

Шоира Хосият Рустамованинг насрий назмлари.

*Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган
артист Зарифа Исмоилова таҳририятимиз
меҳмони.*

*Урушнинг сўнгги қурбони ким эди? Ўзбекистон халқ
ёзувчиси Ўткир Ҳошимов ҳикоясини ўқинг.*

МУҚОВАЛАРДА:

*3-бет: Мусаввир Дилором Мамедованинг
«Баҳор» асари.*

*4-бет: Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист
Зарифа Исмоилова.*

Муассис:

**Ўзбекистон Республикаси
Маданият вазирлиги**

Бош муҳаррир:

Маматқул ҲАЗРАТҚУЛОВ

Жамоатчилик кенгаши:

Рустам АБДУЛЛАЕВ

Мирза АЗИЗОВ

Ҳамидулла БОЛТАБОЕВ

Фатхулла МАЪСУДОВ

Минҳожиддин МИРЗО

Муслиҳиддин МУҲИДДИНОВ

Озодбек НАЗАРБЕКОВ

Акмал НУР

Сирожиддин САЙИД

Бахтиёр САЙФУЛЛАЕВ

Шуҳрат СИРОЖИДДИНОВ

Саъдулла ҲАКИМ

Таҳририят:

Бош муҳаррир ўринбосари:

Ғайрат ДОНИЁРОВ

Масъул котиб:

Комил ЖОНТОЕВ

Бўлим муҳаррирлари:

Манзура ШАМСИЕВА

Холида ФАЙЗИЕВА

Саҳифаловчи:

Нигина ИСМОИЛОВА

Навбатчи муҳаррир:

Манзура ШАМСИЕВА

Мусаҳҳиҳ:

Анора ҲОЖИМАТОВА

Журнал Ўзбекистон Республикаси Президенти
Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий
коммуникациялар агентлиги томонидан 2019 йил
20 августда рўйхатга олинган, гувоҳнома рақами 0517.
Журнал икки ойда бир марта нашр этилади.
Таҳририят ва муаллифлар фикри фарқланиши мумкин.
«Guliston» журналидан материаллар олинганда
манба кўрсатилиши шарт.
Хатларга ёзма жавоб қайтарилмайди. Таҳририят барча
ижодий ишларни таҳрир этишга ҳақли.
Обуна ва журналнинг ётказилиши билан боғлиқ масалалар
бўйича 71-233-28-13 рақамига кўнғироқ қилишингиз мумкин.

Бичими 70x100. 1/8. Ҳажми 6 босма табоқ.
Буюртма №19. Адади 1000 нусха.
Босмахонага 2020 йил 7 майда топширилди.
Босишга 2020 йил 8 майда рухсат этилди.
Таҳририят манзили: Тошкент — 100000,
Буюк Турон кўчаси, 42-уй. Тел.: 71-233-25-66,
факс: 71-233-28-13.

Журнал «SILVER STAR PRINT» МЧЖ
босмахонасида чоп этилди.
Манзил: Тошкент шаҳри, Учтепа тумани,
22-мавзе, 17-уй.

Web-site: Gulistonjurnali.uz
gulistonjurnali@mail.ru

ҲАМЖИҲАТЛИКДА ҲИКМАТ КЎП

Карантин деган нарсани олдин ҳам эшитганмиз, қайсидир даражада кўрганмиз. Қиш кунлари грип кучайганда шифохоналарга «карантин» деб ёзиб қўйишарди, беморларнинг ёнига киритишмасди. Тушунча ва тасаввуримиз шу эди карантин ҳақида. Бутун юрт, мамлакатлар, айтиш мумкинки, бутун дунё карантинда ўтириши кимнинг хаёлига келибди, дейсизки?!

2020 йил шундай бошланди. Хитойнинг Ухан шаҳрида бошланди, кейин ҳудудлар бўйлаб тарқалган коронавирус инфекцияси аста-секин бошқа давлатларга ўта бошлади ва бора-бора бутун ер юзини қоплаб олди. Она сайёрамиз яхлит бир мамлакат каби таассурот қолдирди. Бу инфекция олдида барча – ҳар жиҳатдан қудратли давлатлар ҳам, ривожланаётгану ривожланмаган давлатлар ҳам бир қўйга тушди. У на боёғу камбағалга, на давлат арбобию оддий фуқарога, на олиму санъаткорга – ҳеч кимга қарамади, ҳеч кимни аямади.

Афсуски, коронавирус офати мамлакатимизни ҳам четлаб ўтмади. Бинобарин, бугунги глобаллашув, интеграция авж олган замонда бу офатдан холи қолишни уйлаш ҳам ортиқча эди. Шу боис коронавирус инфекцияси Хитойдан чиқиб, бошқа мамлакатларга тарқала бошлаганда, ҳали Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти уни пандемия деб эълон қилишидан олдин мамлакатимизда соҳа мутахассислари одамларни бу дарддан қандай сақлашни бўйича оғохлантира бошлади. Бу Президентимиз раҳбарлигида ҳамма соҳада ҳамма соҳа ва ҳушёр бўлиш тамойилига амал қилиб келинаётганининг яна бир исботидир. Зеро, бугунги замонда қайси бало-офат қачон, қаердан келишини ҳеч ким билмайди, олдиндан башорат қила олмайди. Оғохлик ва сергажликни бир зум ҳам сусайтирмастик энг тўғри йўлдир. Офат остонанга келгандан кейин ҳаракатга тушиб қутулган натижани бермайди. Шу боис мамлакатимизда коронавирус инфекциясининг олдини олиш бўйича махсус комиссия тузилди, барча чора-тадбирлар кўрилди. Давлатимиз раҳбари бу жараёни шахсан назоратга олди, бир неча марта йиғилиш ўтказди, халқимизга мурожаатлар қилди. Юртимизда коронавирусни юқтирган илк бемор аниқлангандан бошлаб (2020 йил, 15 март) унга қарши курашиш янада кучайди, қўшимча эҳтиёт чоралари кўрилди. Касалликни юқтирганидан даволаш учун шифохоналар, гумон қилинганларни сақлаш мақсадида карантин ҳудудлари тайёрланди, ушбу манзилларда барча зарур шароитлар яратилди. Керакли дори-дармон, тиббиёт ускуналари ишлаб чиқарила бошланди, ўзимизда йўқлари хориждан келтирилди.

Мана шу саъй-ҳаракатлар натижасида халқимиз бу офатдан нисбатан енгилроқ ўтди. Энг асосийси, талафот кам бўлди. Шифокорларимиз бутун куч-салоҳиятини, тажрибасини ишга солди, хорижлик ҳамкасблари билан мунтазам алоқа ўрнатиб, ўзаро тажриба алмашди. Бу ишда ички ишлар органлари, миллий гвардия ва бошқа мутасадди идоралар ходимлари жонбозлик кўрсатишди. Давлатимиз раҳбарининг мурожаатларига амалий жавоб тариқасида барча соҳа ходимлари, бутун халқимиз бир жону бир тан бўлиб бу офатни бартараф этишга ҳисса қўшди.

Карантинда, яъни, уйда ўтириш осон эмас. У бир кун эмас, бир ҳафта эмас, ойлаб бўлса, нақадар оғир эканини халқимиз бошидан ўтказди. Уйда ўтириш шундай ҳолат эканини, овоздан овоз эмасан, эркинсану эркин эмассан. Одамни умумий кайфият эзади, қачон касал юртимиздан арийдди, қачон карантин тугайди, деган саволлар хаёлга бот-бот келаверади. Телевизор кўрса ҳам, интернетга қараса ҳам дастлаб коронавирус бўйича аҳолини қузатади. Одатдаги ҳаётда уйда бўлса, неча кун ўтирганини уйламайди киши, эсига ҳам келмайди. Аммо карантин даврида инсон кун эмас, соат санар экан. Яхшиям, телевизор бор, интернет, китоб бор, телефон бор. Қариндош-уруғ, таниш-билиш билан гапланиб туриш мумкин. Боз устига бугунги ахборот технологиялари ривожланган даврда онлайн режимда ишлаш, ўқиш имкони мавжуд.

Ҳар ишда бир ҳикмат бор, дейишади. Худди шундай, карантиннинг ҳам муайян афзал жиҳатлари кўринди. Аввало, ота-оналарда фарзандлари билан кўпроқ мулоқотда бўлиш, улар билан дилдан сўхбатлашиш, уларнинг кўнглига кириш шароити туғилди. Китобхонлик кенгайди, оила аъзолари жам бўлиб китоб ўқиши ва шу китоблар юзасидан фикр алмашишлар бўлди. Бу, табиийки, ёш авлод тарбиясида, уларнинг маънавий олами, умумий дунёқарashi кенгайишида муҳим аҳамият касб этади.

Бу офат Оллоҳнинг бандаларига бир синови бўлгандир балки. Ана шу оғир синов чоғида кимнинг кимлиги яққол кўринди. Ҳатто давлатлар,

уларнинг раҳбарлари салоҳияти, халқининг соғлиғи, унинг келажағи учун нечоғли жон куйдириши жаҳон узра намоён бўлди. Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг жонкуярлиғи, туну кун халқимиз дарди, келажакини уйлагани, ана шу эзгу ниятлар ижобати йўлида зарур фармон ва қарорлар қабул қилгани, уларнинг ижросини шахсан назоратга олгани натижасида мамлакатимиз аҳолиси оғир кунларда қийинчилик сезмади. Ҳар бир оила, ҳар бир инсонга эътибор қаратилди. Барча зарур нарсалар етказиб турилди, кўча ярамқалар бевосита маҳаллаларга бориб, аҳолига хизмат кўрсатди. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан Инқирозга қарши курашиш жағфармаси ташкил этилди, унга ўн триллион сўм ажратилди. «Меҳр-шафқат ва саломатлик» жағфармасида алоҳида ҳисоб рақамлари очилди. Унга юридик ва жисмоний шахслар ўз улушларини қўшди. «Саховат ва кўмак» умумхалқ ҳаракати йўлга қўйилди. Бу ҳаракат аъзолари мамлакатимизнинг барча ҳудудларидаги ёрдамга муҳтожларга кўмак берди. Қўсқаси, карантин кунлари одамлар моддий ва маънавий жиҳатдан қийналмаслиғи учун барча чора-тадбирлар кўрилди.

Коронавирус қандай пайдо бўлгани ҳақида турли фикрлар, қарашлар баён қилинмоқда. Аниқ исбот, далил йўқ ҳали. Афсуски, унга қарши вакцина ҳам топилгани йўқ ҳозиргача. Аммо бир нарсани аниқ: бу вирусдан ҳимояланишнинг бирдан-бир чораси озодалик, шахсий гигиенага қатъий риоя қилиш. Энди уйланг: бу одатлар халқимизда азал-азалдан мавжуд эмасми? Қайси ўзбек қўл ювмай овқатга ўтирган ёки овқатланиб бўлгандан кейин қўлини ювмаган? Меҳмон келса салом-алиқдан кейин қўлга сув қуйиб, тоза сочиқ туттирган. Бугун одамларимиз турмуш шароити мутлақо ўзгариб кетди, жуда катта ва кенг шароитлар яратилди. Лекин, минг афсуски, шунга қарамай озодаликка, гигиена талабларига амал қилмайдиганлар ҳам бор. Озодалик дегани фақат ўзини, уйини озода тутуш дегани эмас, бу амалга кўча-қўйда, ишхонада, жамоат транспортида – хуллас, ҳамма жойда бирдеқария қилмоқ зарур.

Карантин ана шу эзгу қадриятларимизни яна бир қарра эсга солди, азалий урф-одатларимизга қатъий амал қилиш қанчалар муҳим эканлигини миямизга қуйди.

Ҳа, коронавирус карантини туфайли кўп нарсаларни ўргандик, кўп нарсалардан қайтдик, ҳар биримиз ўзимизга тегишли сабоқ чиқардик. Президентимиз таъкидлаганидек, юртдошларимиз чинакам сабр-тоқат ва масъулият, меҳр-оқибат фазилатларини намоён этди. Бу синовдан кучли, қудратли бўлиб, бир-биримизга меҳр-оқибатимиз янада ошиб, ҳар биримизнинг қадримизга тերанроқ етadиган, бир-биримизнинг меҳнатимизни қадрайдиган бўлиб чиқдик. Илоҳо, бундай дардлар – синовлар юртимизга бошқа доримасин. Бунинг учун ҳаммамиз доимо ҳушёр, оғоҳ ва сергаж бўлмоғимиз зарур.

Ҳаёт фақат қувончлардан иборат эмас. Унинг ўзига яраша ташвишлари ҳам бор. Мамлакатимизда коронавирус пандемияси пайсаб бораётган бир пайтда (27 апрелда) айрим вилоятларимизда, хусусан, Бухоро, Навоий, Қашқадарё вилоятларида кучли шамол туариб, ёмғир, жала ёғиб, ижтимоий оқибатларга, аҳоли уй-жойларига зарар етди. Давлатимиз раҳбари ўша кунлик Бухоро вилоятига борди. Табиий офатдан энг кўп зарар кўрган Олот, Қорақўл туманлари аҳолиси билан учрашди. Уларнинг кўнглини кўтариб, саросимага тушмаслиқни, ҳамма нарса жой-жойига қўйилишини таъкидлади.

Бундан барчанинг кўнгли таскин толиб турганда 1 май кuni Сирдарё вилоятидаги Сардоба сув омбори дамбасида ўпирилиш бўлди. Экин майдонлари, аҳоли уй-жойи жиддий зарар кўрди. Президентимиз воқеа жойига бориб, фалокат жараёнини бевосита кўздан кечирди. Зудлик билан тошқиндан азият чеккан оилалар қўшни туманларга, Жиззах вилоятига кўчирилди. Дамбадан сув ўттиши тўхтатилди. Фалокат оқибатларини бартараф этиш ишлари бошлаб юборилди. Давлатимиз раҳбари иш жараёнини шахсан назоратга олди, бир неча кун ўша ерда бўлди. Зарар кўрган сардобалиқларга мамлакатимизнинг барча ҳудудларидан инсонпарварлик ёрдамлари келди. Бузилган қишлоқлар ўрнида замонавий аҳоли пунктлари қурила бошланди.

Ушбу синовли кунларда халқимизнинг азалий қадриятлари – меҳр-оқибат, оғир кунларда бир-бирига елкадош, мададкор бўлиш каби фазилатлари яна бир бора буй кўрсатди. Аҳил-иноқлик ва ҳамжиҳатликда ҳикмат кўплиги, бирлашиб, бир мушт бўлиб ҳаракат қилинса, ҳар қандай мусибатдан осон ўтиш мумкинлиги ўз исботини топди.



АЁЛЛАР ФАОЛЛИГИ – ЖАМИЯТ МАДАНИЯТИНИНГ КЎЗГУСИДИР

Ўзбекистон Республикаси маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлигининг биринчи ўринбосари Элмира БОСИТХОНОВА билан суҳбат

– Элмира Эркиновна, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 18 февралдаги «Жамиятда ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш, маҳалла институтини янада қўллаб-қувватлаш ҳамда оила ва хотин-қизлар билан ишлаш тизимини янги даражага олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонида мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги ташкил этилди. Энди бир вазирилкка бирлаштирилган Хотин-қизлар кўмитаси, «Нуроний» жамғармаси, Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятида қандай ўзгаришлар бўлади?

– Президентимиз Шавкат Мирзиёев раислигида ўтказилган маҳалла ва оила муаммоларини ўз вақтида аниқлаш ҳамда ҳал этиш масалалари бўйича видеоселекторда берилган топшириқлар юзасидан бир қатор ишлар амалга оширилди. Алоҳида ва айни пайтда мақсад ва вазифалари бири-бири билан боғлиқ ташкилотларнинг ягона вазирликка бирлаштирилгани бир масала билан ишлаш, ортқича қоғозбозликдан қутилиш ва бошқа бир қатор қулайликлар яратди.

Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги маҳалла ва оила билан ишлаш тизимини мустақамлаш, ҳар бир оила билан манзилли ишлайдиган, уларни қўллаб-қувватлайдиган янги тажриба яратиш, жинойatchиликнинг олдини олиш, ишсизлик ва камбағалликни қисқартириш масалаларига алоҳида ёндашмоқда. Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш тизими нафақар, айниқса, бола нафақалари тизимини ислоҳ қилиш ва уни тубдан қайайтириш бўйича ҳам янгича ёндашувларни ишлаб чиқмоқда. Бу борада болалар учун тўланадиган нафақалар турлари энг кўп муҳокамаларга сабаб бўлаётганини барчамиз яхши биламиз. Мутахассисларнинг фикрича, ҳозирги кунда болалар нафақаларининг 3 тури мавжуд ва ушбу нафақаларга ажратилаётган маблағлар ялли ички маҳсулотнинг 0,6 фоизини ташкил этади. Афсуски, бу миқдор етарли эмаслиги боис, кўплаб моддий ёрдамга муҳтож оилалар болалар учун нафақа билан қамраб олинмаган. Вазирлик ЮНИСЕФ ташкилоти билан бирга қанда бола нафақалари билан қамров даражасини 75 фоизга, муҳтож оилаларда маҳсулотлар истеъмоли, яъни яшаш даражасини 40 фоизга етказиш ва шу орқали Ўзбекистонда камбағаллик даражасининг камайишига ҳисса қўшиш борасида ташкиллар ишлаб чиқди.

Ёшларимизнинг оилавий ҳаётга тайёр бўлмасдан турмуш қуриши жамиятдаги жуда кўп муаммоларни келтириб чиқармоқда. Ийгитнинг ишсизлиги бир муаммо бўлса, қизнинг қайнона ёки оила аъзолари билан муомала қила билмаслиги яна бир муаммо. Глобализация, миграция бир сабаб бўлса, мол-дунёга рўжу қўйиш яна бир сабаб бўлмоқда. Ичкиликбозлик, тарбиянинг етарли эмаслиги, оилада ўзаро келишмовчиликлар эса муаммолар занжирининг давомидир. Муаммо ва сабаблар талай. Масалалар ечимини топиш учун илмий таҳлиллар, оқилона чоралар зарур. Шу боис Президентимиз маҳаллалар қошида бўлғуси келин-куёвларни оилага тайёрлаш бўйича қисқа муддатли ўқув курслари ташкил этиб, курсларга психологлар, обрўли отахон ва онахонларни бириктиришни топишди ҳамда «Ибратли оила» танловини ўтказиш бўйича тавсиялар берди.

Ҳозир ёш никоҳланувчиларни оилавий ҳаётга тайёрлашнинг самарадор, илмий асосланган тизимини янада қайайтирилиб, тўлдирилмоқда.

Шу билан бир қаторда, касб-ҳунари бор ишсиз хотин-қизларга кўмаклашиш бўйича Тошкент шаҳри Чилонзор туманида бошланган тажрибани бошқа ҳудудларда ҳам кенг жорий этиш, хотин-қизлар ўртасида бизнес лойиҳа бўйича танлов ўтказиб, ғолибларга грантлар, кредит ва жой ажратиш, мақсадли жамғармалар ҳисобидан кўма савадо пунктларини ташкил этиб, ижарага бериш, йирик савадо марказлари ва корхоналарда эҳтиёжманд аёллар тайёрлаган маҳсулотларни сотиш тизимини жорий қилиш каби йўналишларда ҳамкорлик олиб борилмоқда.

Янги тузилаётган ҳар қандай тузилма, хусусан, Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги мустақам тизимга айланиши учун, аввало, миллий аъёнларимиздан озиқланиши, бебаҳо ва инсонпарвар, бағри кенг халқимиздан куч, маҳалла деган қадимий қадриятдан андоза олмоғи зарур.

– Президентимиз Шавкат Мирзиёев Олий Мажлиси Мурожаатномасида хотин-қизлар масаласига алоҳида эътибор қаратди. Сўнги уч йилда соҳада туб ислохотлар амалга оширилди. Бугун янги Ўзбекистонда хотин-қизларга оид янги давлат сиёсати юритилмоқда. Бу сиёсат замирида – аёлнинг қадр-қимматини кўтариш, уни асраб-авайлаш, эъзозлаш, оила ва жамиятдаги ўрнини, мавқеини мустақамлаш мақсади муҳжасам. Ушбу тарихий ҳужжатнинг мамлакатимиз тараққиёти, хусусан, янги вазирлик ривожидидаги ўрни, аҳамияти қай даражада?

– Мурожаатнома халқимизни бир мақсад йўлида бирлаштирадиган, янги марралар сари ундайдиган, руҳлантирадиган ҳужжатдир. Президентимиз «Жамият – ислохотлар ташаббускори» деган янги ғоянинг кундалик фаолиятимизга тобора чуқур кириб бораётганини таъкидлади. Бу халқимиз ўз келажагини яратишда ўзи етакчи ва ташаббускор бўлади, деганидир.

Мен кўп йиллик фаолиятимдан, кузатишларимдан келиб чиқиб айта оламани, аллақачон илмга, маърифатга эҳтиёж кучайган. Президентимиз айтганидек, бизга илм-маърифатсиз кучайган иқтисодиёт эмас, илм-маърифат билан уйғун ривожланган иқтисодиёт керак. Шу боис 2020 йил «Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили» деб эълон қилинган халқимизни ғоят қувонтирди.

Яна бир қувонарли ҳолат: давлатимиз раҳбари Мурожаатномада грант асосида олий таълим олишда қизлар учун алоҳида қўшимча имтиёзлар яратилишини айтди.

– Қизларимиз учун муайян имкониятлар мавжуд-ку. Масалан, **Зулфия номидаги давлат муқофоти...**

– Тўғри, бироқ олий таълим олиш имтиёзига эга йигитлар билан солиштирилганда бу нисбат жуда фарқли. Шуниси эътибор соҳасида, 2019 йилги статистик маълумотларга кўра, олий таълим соҳасида хотин-қизлар сони ошган ва талабаларнинг 40 фоизини хотин-қизлар ташкил этган. Бу 2011 йилдаги кўрсаткичдан 36 фоиз кўп демакдир. Мамлакатимизда хотин-қизларнинг саводхонлик даражаси 99,98 фоизни, яъни дунёдаги энг юқори кўрсаткичлардан бирини ташкил этади. Шунга қарамай, айни вақтда ўрта таълим олган хотин-қизларнинг фақат 35 фоизи, олий маълумотли хотин-қизларнинг 68 фоизи иш билан таъминланган.

Олий таълим олиш имкониятлари кенгайтирилиши аёллар орасида иш билан таъминланганлик даражасини оширишда муҳим омилдир. Мамлакатимизда сиёсат соҳасида ва ҳукумат тарихида аёллар сонини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Зеро, аёл қизгин жараёнларда фаол бўлса, қизларимизнинг таълим олишга интилиши кучаяверади.

Қизлар таълимини қўллаб-қувватлаш орқали хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий жараёнларда фаол иштирок этишига монелик қиладиган сабаблардан бири «аёл уйда ўтирсин, хотин киши рўзгорига қарасин» қабилидаги қотиб қолган қарашни синдиришга эришиш мумкин.

Президентимизнинг «Ижро органида, вазирлик ва идораларда гендер тенглигини таъминлаш, муҳтарам опа-сингилларимизга масъул лавозимларни ишониб топириш бўйича кўп иш қилишимиз керак. Нега деганда, аёлларимиз ҳаётий муаммоларни бошқалардан кўра чуқурроқ билиши, фидойилиги, кучли масъулият туйғуси, меҳнатсеварлиги билан барчага ўрнатқ бўлади» ёки «Хотин-қизларга эътибор кучаяди. Энди ёрдам манзилли кўрсатилади!» деган фикрлари барча хотин-қизларни мамнун этди. Бу йил хотин-қизлар ва ёшларни қўллаб-қувватлаш борасидаги ишлар янги поғонага кўтарилиши қайд этилди. 2020 йилда 5,5 минг

хотин-қизнинг кичик бизнес лойиҳаларига 100 миллиард сўм миқдорда имтиёзли кредит берилди, бунинг учун банкларга давлат бюджетидан ресурс ажратилади. Янги уй-жойга эга бўлиш учун 1 минг 576 нафар хотин-қизга бюджет ҳисобидан бошланғич бадал тўлаб берилди. Ижтимоий ҳимояга муҳтож опа-сингилларимиздан Хотин-қизлар тадбиркорлик марказларида 5 муҳим ташаббус доирасида қисқа ўқув курсларида ўқитиш ташкил этилади.

Яна бир фикр. Кўпинча эътибор берилмай ўтиладиган ҳолатлар бор. Аёллар оилавий иттифоқда – шерик, рўзғорда – ҳақ тўланмайдиган бека. Бола парвариши, ўзаро муносабатларни соғлом ушлаб туриш, болаларнинг соғлиги, маълумоти, моддий фаровонлигини маълум маънода аёл меҳнати белгилайди. Шу боис аёлга нисбатан жамиятдаги эҳтиромни оилага ҳам кўчирмоғимиз керак.

Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги Президентимиз Мурожаатномасидан келиб чиққан ҳолда, аёллар аҳоли бўйича ижтимоий суровлар ўтказиш, хотин-қизлар бандлигини таъминлаш, аёллар тадбиркорлигини ривожлантириш, уларнинг сиёсий ва ижтимоий ҳаётдаги иштирокини янада фаоллаштириш, айниса, ёрдамга муҳтож аёлларни қўллаб-қувватловчи нодавлат нотижорат ташкилотларига ва фуқаролик жамиятининг бошқа иншутутиларига грантлар ажратишдек масалалар юзасидан парламент иншутутиларини ташкил этишга доир таклифларни Олий Мажлис Қонунчилик палатасига ва Сенатига киритиш каби йўналишларда фаолиятни янада кучайтиради.

– Элмира Эркинова, Президентимизнинг «Жамиятда ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш, маҳалла институтини янада қўллаб-қувватлаш ҳамда оила ва хотин-қизлар билан ишлаш тизимини янги даражага олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони жамиятда хотин-қизлар ўрни ва маъқени ошириш, оилаларни мустаҳкамлаш борасидаги ислохотларнинг янги даврини бошлаб берди. Шундай эмасми?

– Шубҳасиз, шундай. Аёлларнинг мамлакатимизда кечаётган ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маънавий-маърифий ислохотлар жараёнида фаол иштирокчига айланди. Улар мамлакат тақдирига ўзларини дахлдор билмоқда. Бугун давлат ва жамоат ташкилотлари тизимида 1 минг 388 аёл турли раҳбарлик лавозимларида меҳнат қилаётгани, улар орасида Олий Мажлис Сенати раиси, вазир, вазир ўринбосари, олий ўқув юрталари ректорлари, илмий муассасалар раҳбарлари борлиги фикримиз далилидир. Шунинг қувонч билан таъкидлаш лозимки, бу йил республикамизнинг бир неча шаҳар ва туманига хотин-қизлардан ҳокимлар тасдиқланди.

2019 йилги сайловларда сиёсий партиядан кўрсатилган депутатликка номзодлар умумий сонининг ўттиз фоиздан ортигини аёллар ташкил этди. Олий Мажлис Қонунчилик палатасига сайланган 150 депутатнинг 48 нафари, Олий Мажлис Сенати аъзоларининг 25 фоизи хотин-қизлардир.

Зулфия номидаги Давлат мукофоти тизимининг тақомиллаштирилиши натижасида истеъдодли қизларни танлаш ва уларнинг иқтидорини турли йўналишларда намоён қилиш борасида ҳам улкан ижобий ўзгаришлар амалга оширилди.

Хотин-қизларнинг бандлигини таъминлаш, меҳнат шaroитларини яхшилаш, айниса, қишлоқ жойлардаги ёш қизларни оилавий ва хусусий тадбиркорликка, хунармандликка жалб этиш борасидаги имкониятлар тақбирилди. Президентимиз Шавкат Мирзиёев Халқаро хотин-қизлар кунига бағишланган тантанали маросимдаги нутқда таъкидлаб ўтганидек, «Ҳозирги вақтда давлат ва жамоат ташкилотлари тизимида 1 минг 380 нафардан зиёд хотин-қиз раҳбарлик лавозимларида меҳнат қилмоқда.

Муҳтарам аёлларимиздан 16 нафари Ватанимизнинг энг олий мукофоти – Ўзбекистон Қарамони унвонига сазовор бўлгани барчамизни қувонтиради. Хотин-қизларимиз ўртасида фан докторлари, профессор ва академиклар, Халқ ўқитувчиси, Халқ шоири, Халқ артисти унвонларига сазовор бўлган юзлаб опа-сингилларимиз борлиги – фахримиз.

Биз ҳозирги кунда ишлаб чиқариш, таълим-тарбия, тиббиёт, илм-фан, маданият ва спорт соҳалари ривожига ҳам аёлларимизнинг муносиб ҳиссаси борлигини юксак баҳолаймиз».

– Президентимиз Сирдарё тумани мисолида гапириб, «Шундай оилалар борки, уйдаги гилами йўқ, дорин-дармон олишга пули йўқ, йиғлашга кўзида ёш йўқ, Бундай шароитда яшаётган аёлларнинг аҳолини ким тасаввур этади?» деди. Тан олишимиз керак, оғир ижтимоий аҳволда, шароитда яшаётган опа-сингилларимиз бошқа худудларда ҳам йўқ эмас...

– Давлатимиз раҳбари топшириғига кўра, Сирдарё мисолида мамлакат бўйича оғир турмуш шароитида яшаётган хотин-қизлар ҳолатини худудлар кесимида таҳлил қилишни бошладик. Айниса, қишлоқ аёллари аҳолининг мунтазам мониторингини олиб бориш, шу асосда уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш механизмларини тақомиллаштириш чораларини кўралик.

Мамлакатимизда 22 мингга яқин хотин-қиз оғир турмуш шароитида

яшамоқда. Улар кам таъминланган, ишсиз, уй-жойга муҳтож ва ногиронлиги бор аёллар бўлиб, ҳар бирининг муаммосига индивидуал ёндашув талаб этилади. Биз ишлаб чиққан фуқаролар йиғини раисининг оила ва хотин-қизлар билан ишлаш масалалари бўйича ўринбосари ва мутахассислар учун ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалар билан ишлаш бўйича услубий қўлланма айнан мана шу қатламдаги аёллар манфаатларини ҳимоялайди.

Бизнинг асосий мақсадларимиздан бири ана шундай оғир ижтимоий аҳволда яшаётган хотин-қизларни қўллаб-қувватлашдир. Мамлакатимизнинг 197 туманида зўрлик ишлатишдан жабр кўрган шахсларни реабилитация қилиш ва мослаштириш, ўз жонига қасд қилишнинг олдини олиш марказлари фаолияти йўлга қўйилган. Бу борадаги ишларни тизимли равишда давом эттирамиз.

– Элмира Эркинова, Президентимиз Олий Мажлис Сенатининг биринчи мажлисида Сенат қўмиталари томонидан муҳим ташаббуслар илгари сурилгани ва улар қўллаб-қувватлаш масалалар ечимига хизмат қилганини қайд этган экан, Ёшлар, маданият ва спорт масалалари қўмитаси кенг жамоатчилик томонидан билдирилган таклифларни инобатга олиб, муҳим ташаббусни илгари сурганини, ҳозирги вақтда шу асосда тўй ва маросимлар ўтказишни тартибга солиш бўйича амалий чора-тадбирлар ҳаётга жорий этилаётганини таъкидлади. Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатнинг тўй ва маросимлар ўтказишни тартибга солиш тўғрисидаги қўшма қарорининг асосий ижрочиларидан бири ва сенатор сифатида қарорнинг айна пайта қадар ижроси ҳақида қандай фикр билдира olasiz?

– Афсуски, тўй ва маросимлардаги дабдабозлик, исрофгарчилик муаммоси бугун пайдо бўлгани йўқ. Бу бир сурункали хасталик каби миллатимиз вужудида яшаб келмоқда. Утган аср бошларида ҳам маърифатпарвар боболаримиз бу ҳақда кўниб ёзган. Бу йил таваллудининг 145 йиллиги нишонланадиган улғуф маърифатпарвар бобомиз Маҳмудхўжа Бехбудий «Бизни кемирғувчи иллатлар» мақоласида бу хасталикни «Тўй, азо исминдаги икки қаттол душман», деб атади. Турри, йиллар давомида турли усуллар билан дабдабозликка қарши курашиб келдик. Яхши биласиз, 1998 йил 28 октябрда Ўзбекистон Республикаси Президентининг бу ҳақдаги махсус фармони қабул қилинган эди. Фармон ижроси бўйича қилинган муайян ишлар, таассуфки, изчиллик касб этмади ва ўз холига ташлаб қўйилди. Оқибатда умумий аҳвол ўзгармади.

Тан олиш керак, тўй ва маросимлар ҳаётимиздаги муҳим воқеалик. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатнинг қўшма қарори, давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, кенг жамоатчиликнинг, халқнинг фикри ўнроқ қабул қилинди. Тўйларимиздаги дабдабозлик, исрофгарчилик, айрим курабда турмайдиган удулмарга ҳаммамиз қаршимиз, бироқ қарши турулмаймиз. Қабул қилинаётган қонунлар, қарорлар ижроси билан муҳим. Агар ижроси таъминламаса, ҳар қандай ҳужжат қоғозда қолиб кетаверади. Ушбу қарор ижросини таъминлаш юзасидан бизнинг вазирлигимиз зиммасига ҳам аниқ вазифалар юкнган ва биз бу борадаги чора-тадбирларни белгилаб олганмиз. Бинобарин, Президентимиз қайта-қайта эътироз билдираётган бир жиҳат борки, бу – жамоат ташкилотлари ўртасида ҳамкорлик йўқлиги. Биз тўйлардаги дабдабозликка қаршимиз, эрта турмушга қаршимиз, оилалардаги ажралишларга қаршимиз, дейиш билан иш битмайди. Масала умумий, бироқ ҳар бир жамоат ташкилоти муаммога қарши ўзича курашади. Натижа ҳам шунга яраша. Аслини олганда, ушбу салбий ҳолатларнинг илдизи битта. Бу – тарбия, эътиқод, ишонч, қадрият билан боғлиқ масала. Мен иш юзасидан қўллаб-қувватлаш халқаро экспертлар билан суҳбатда бўлман. Европа экспертлари биз муттасил тараққиёт орқасидан қувиб жуда муҳим нарсани, яъни, оилани, қадриятларимизни бой бердик, дейишади. Бизда ҳали имкон бор. Биз миллий қадриятларимизни асраб-авайлаш ва сақлаб қолишнинг барча чораларини кўришимиз керак. Тўй-маросимларимиз, анъана ва удулмаримиз – бизнинг гўзал қадриятларимиз. Аслида биз тўйга қарши эмасмиз. Биз миллий қадриятларимизни оёғоти қилаётган турли одатларга қаршимиз. Дабдабозлик ортида ажралиш, эрта турмуш куриш, оилавий низола, болага, аёлга нисбатан зулм борлигини барчамиз яхши биламиз. Дабдаба – барча иллатлар сабабчиси эканини тушунамиз. Фақат аниқ ҳаракатга келганда кўпинча ўзимизни четга оламиз. Ҳолбуки, ҳаракатни ҳар ким ўзидан бошламоғи зарур.

Оила мустаҳкамлигини таъминлаш, ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш йўналишида олиб борилган профилактика ва тушунтириш ишлари натижасида утган йили 7 миң 374 оилада нотинчлик баргараф этилди. Ажралишлар сони ўтган йилга нисбатан бироз камайган. Бироқ битта оила бузилса ҳам – кўп. Бундан нафақат эр ва хотин, бола-лар, балки жамият ҳам зарар кўради. Буни ҳеч қачон ёдимиздан чиқармаслигимиз зарур.

**«Гулистон» муҳбири
Воҳид ЛУҚМОНОВ суҳбатлашди.**



СИРДАРЁ - МАТОНАТЛИ,

Сирдарё вилояти ҳоқими Гофуржон МИРЗАЕВ билан суҳбат

– Гофуржон Ганиевич, Сирдарё вилоятида кейинги йилларда улкан ўзгаришлар рўй берди. Аввал шулар ҳусусида мухтасар сўзлаб берсангиз.

– Ҳақиқатан ҳам, кейинги уч йилда мамлакатимиз, жумладан, вилоятимизнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётида улкан ўзгаришлар юз берди. Узоқ йиллардан буён давлат томонидан берилган субсидиялар ҳисобига кун кечирган Сирдарёда бугун барча соҳада ижобий натижаларга эришилмоқда.

Шу ўринда бир-икки рақамларни келтириб ўтсам. Сўнги 3 йилда вилоятнинг ялли ҳудудий маҳсулотига санаот улуши 21 фоиздан 26 фоизга, кичик бизнес улуши 76,4 фоиздан 79,6 фоизга, аҳоли жон бошига кўрсатилган хизматлар 96,2 фоиздан 101,7 фоизга ошди. Кам таъминланган, йиллар мобайнида ўз уйига эга бўлиш орзусида юрган 397 нафар фуқаро ўз кичик ватанига эга бўлди.

Бугунги кунда вилоят тадбиркорлари жаҳоннинг 35 дан ортқ мамлакатига ўз маҳсулотларини экспорт қиляпти. Мисол учун, Хитой, Россия Федерацияси, Голландия, Молдова, Польша, Латвия, Туркия, БАА, Покистон, Эрон шулар жумласидан.

2018-2019 йилларда экспорт ҳажми 119,1 миллион доллардан 131,8 миллион долларга ошди, вилоят бюджети бўйича ҳисоб-китобларда «триллион» бирлигига муржабат қила бошладик.

– Президентимиз Шавкат Мирзиёев 2019 йил 19 февраль кuni жойларда ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг бориши, амалга оширилаётган бунёдкорлик ва обodonлаштириш ишлари, йирик лойиҳалар билан танишиш, халқ билан мулоқот қилиш мақсадида Сирдарёга таширф буюриб, вилоятни тубдан ривожлантириш бўйича бир қатор топширқлар берган эди. Орадан бир йил ўтди. Шу давр мобайнида бажарилган ишлар билан таништирсангиз.

– Давлатимиз раҳбарининг вилоятимизга таширфидан кейин ўтган вақт ичида бир қатор ижобий ишлар амалга оширилди. Хусусан, «Гулистон шаҳрида Ҳалима Худойбердиева номидаги она тили ва адабиёт фанларини чуқур ўқишга ихтисослаштирилган мактаб-интернатни ташкил этиш тўғрисида»ги қарорга асосан, 33,6 миллиард сўм маблағ ҳисобига 150 ўринли мактаб-интернат биноси ва 100 ўринли ётоқхона қуриб, фойдаланишга топширилди.

Бosh режага асосан, Ховос шаҳарчасида 20 та 5 қаватли 2-3 хонали 30 хонадондан иборат жами 600 хонадонли, тижорат банклари маблағи ҳисобидан 10 та 160 хонадонли ва 150 та 2 соғитхил арзонлаштирилган уй-жойлар, 1 та 215 ўринли мактаб ва бандлик бўлими биноси қуриб битказилиб, фойдаланишга топширилди.

Жорий йил шаҳарчада туман ҳокимлиги, прокуратура, электр тармоқлари, газ таъминоти, ер тузиш ва кадастр, ички ишлар бўлимлари ва соғитхил инспекцияси учун хизмат бинолари босқичма-босқич қуриб битказилмоқда.

Янгиер шаҳрида 230 ўринли «Янгиер» санаторийи ишга тушди. Жаҳон стандартларига тўла жавоб берадиган мазкур 5 қаватли шифо маскани инновацион технологиялар асосида барпо этилди. Таъмирталаб ахволга келиб қолган 3 қаватли эски санаторий биноси ва 4 та коттеж тубдан қайта реконструкция қилинди.

Шифо маскани энг замонавий тиббий асбобу-усуналар билан жиҳозланиб, 30 га яқин муолажа, 5 та маъмурий, 70 дан ортқ даволанувчилар хонаси, ҳар бири 200 ўринли маданият саройи ва ошхона, 2 минг 500 китоб фондига эга кутубхона ва 10 ўринли ўқув зали бу ерда даволанувчилар хизматида бўлади. Муассасада асаб, кардиология, неврология, гинекология, аёллар белуштлиги, урология ва бошқа касалликлар бўйича муолажалар олиб борилмоқда.

Ешларимиз бўш вақтини мазмунли ўтказиш, уларнинг гоё ва ташаббусларини қўллаб-қувватлаш мақсадида Ўзбекистон ешлар иттифоқи ҳамда вилоят ҳокимлигининг 15 миллиард сўм маблағлари ҳисобига Гулистон шаҳрининг «Буюк келажак» массивида барча шароитларга эга замонавий «Ешлар маркази» қурилмоқда.

Вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастури доирасида ҳозирги кунга қадар умумий қиймати 1,4 триллион сўмлик 252 та лойиҳа ишга туширилиши ҳисобига 5 мингга яқин янги иш ўрни яратилди.

Бунга мисол тариқасида Ховос туманидаги «Фарм агроимпекс» масъулияти чекланган жамияти ҳудудида 72,8 миллиард сўмлик замонавий иссиқхона, Мирзаобод туманидаги «Греат валл стар» масъулияти чекланган жамиятининг 81,7 миллиард сўмлик МДФ панеллари ва бўёқ маҳсулотларини ишлаб чиқариш, Сирдарё туманидаги «Интер Милк» масъулияти чекланган жамиятининг 30,3 миллиард сўмлик сатчилик йўналишидаги қорвачилик қархонаси, Гулистон шаҳридаги «Дантес конструкция» масъулияти чекланган жамиятининг 25 миллиард сўмлик 2 қаватли гипермаркет ва савдо дўконларини ташкил этиш лойиҳаларини келтиришимиз мумкин.

Бундан ташқари, Гулистон туманида жойлашган «Милитекс» масъулияти чекланган жамиятининг 29 миллион долларлик ип-калага ишлаб чиқариш, Сирдарё туманида жойлашган «Ванг Да Групп» масъулияти чекланган жамиятининг 33 миллион долларлик ҳамда Ширин шаҳрида жойлашган «Ванг Да Роллинг» стелл» қўшма қархонасининг 18 миллион доллар қийматга эга тўғридан-тўғри хоржий инвестицияларни ўзлаштириш ҳисобига саморез ва турли хил металл конструкциялар ишлаб чиқариш лойиҳалари амалга оширилмоқда. Лойиҳалар ишга туширилиши натижасида мингга яқин янги иш ўрни яратилиши кўзда тутилган.

– Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан 2020 йил «Илм, маърифат ва рақамли иқтисодий ривожлантириш йили» деб номланди. Шу маънода одамларимиз, айниқса, ешлар ва хотин-қизлар маънавиятини ошириш учун қандай ишлар қилинмоқда? Умуман, вилоят маданий-маънавий муҳити ҳоким ва оддий фуқаро сифатида сизни қониқтирадими?

– Ўзбекистон тараққиётининг янги – миллий тикланишдан миллий юксалиш сари босқичига қадам қўйди. Халқимиз бугун Президентимиз бошчилигида юксак мақсадлар билан яшамоқда. Юртимизда маънавий-маърифий ишларни тизимли ташкил этиш, аҳоли, айниқса, ешларнинг интеллектуал салоҳияти, онгу тафаккури ва дунёқарашини юксалтириш, мафқуравий имунитетини мустаҳкамлаш, ватанпарварлик, халққа мухаббат ва сadoқат тўғриси билан яшайдиган баркамол авлодини тарбиялашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Навқирон авлод вакиллари билан ишлашни самарали ташкил этишда «Ешлар – келажакимиз» давлат дастурида белгиланган вазифалар, маданият, санъат, спорт, ахборот технологиялари ва китобхонлик бўйича илгари сурилган 5 муҳим ташаббус, «Ўзлуксиз маънавий тарбия концепцияси» асосий ҳаракатлантирувчи кучга айланган. Вилоятимиз ахли Президентимиз томонидан илгари сурилган беш ташаббус айнан Сирдарёда қанот ёзганидан фахрланимиз.

Маълумки, ҳар қандай ривожланиш, тараққиёт, аввало, таълим самарадорлигига боғлиқ. Вилоятда ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда «Энг ёш китобхон», вилоят ҳокими соврини учун фанлар олимпиадаси, «Энг ёш дастурчи» каби ешлар учун бир қатор танловлар ўтказиб келинмоқда. Унда минглаб ёш йигит-қизларимиз қатнашиб, ўз иқтидорларини намойиш этмоқдалар. Утган йили ҳар бир ҳудудга ўн минг нусхагача бадиий китоб тарқатилди. Кутубхоналар фаолияти йўлга қўйилди. Шу билан бирга, маҳаллалар ҳудудида ҳусурий китоб дўконлари ва кутубхоналар фаолият юрета бошладилар. Халқаро хотин-қизлар байрами арафасида «Шухрат» медалига сазовор бўлган сайхунободлик педагог аёл Гавҳар Хусанова шахсий кутубхонасини очди.

Хотин-қизлар маънавиятини ошириш бора-сида ҳам Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бошқармаси, вилоят Маънавият ва маърифат маркази, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси вилоят бўлими билан ҳамкорликда қатор ишлар амалга оширилмоқда. «Ибратли оилар», «Намунали хонадон», «Намунали қайнона ва келин», «Йил аёли» каби танловлар ташкил этиляпти. Бундай тадбирлар маҳаллаларда ўтказилаётгани хотин-қизлар маънавиятини оширишга хизмат қилади, албатта. Шу йўналишда тўзилган вилоят ишчи гуруҳи таркибига сенатор Хаётхон Ортиқбоева, шоирлар Баҳор Ҳолбекова ва Норинис Қосимова, Зулфия номидagi Давлат мукофоти соҳибалари, вилоятнинг кўзга қўринган аёллари бор.

– Вилоятда аҳолининг камбағаллик даражасини псайтириш учун қандай қоралар қўрилмоқда?

– Вилоятда кам таъминланган аҳоли вакиллари турмуш шароитини яхшилаш, тадбиркорликни ривожлантириш орқали камбағалликни камайитиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ўрганишлар натижасида вилоят аҳолисининг 7 фоизи ёки 59 минг нафари камбағаллик даражасида кун кечираётгани аниқланди.

Ушбу кам таъминланган оилаларни пандемия даврида қўллаб-қувватлаш мақсадида муҳтарам Президентимиз томонидан илгари сурилган «Саховат ва кўмак» умумхалқ ҳаракати бўйича саховатпеша 1 570 нафар тадбиркор, фермер ва бошқа ташаббускорларимиз уларни ўз ҳимоясига олди.

Вилоятда камбағаллик даражасини таҳлил қилганимизда ушбу кўрсаткич 2008 йилда 28 фоизни ташкил этган бўлса, ҳозирги кунга келиб, 21 фоизга камайганини кўриш мумкин. Зеро, мамлакатимизда охириги 3 йил давомида тадбиркорликни ривожлантириш, томорқлаш самарали фойдаланиш бўйича олиб борилаётган ислохотлар сезиларли ижобий натижа бермоқда. Биргина мисол – вилоятда 2019 йил 3 минг 538 та янги тадбиркорлик субъекти ташкил этилиб, 2018 йилга нисбатан солиштирилганда тўлиқ кўрсаткич

САДОҚАТЛИ ИНСОНЛАР ЮРТИ

2,6 баробар ошган.

2019 йили 1 минг 301 кам таъминланган оилага бюджет маблағлари ҳисобидан жами 5 миллиард сўм миқдорда моддий ёрдам ажратилди.

Бу масаланинг ечими эмас, албатта. Ишга яроқли аҳолини иш билан таъминласак, одамларнинг тadbиркорлик қилишига ҳар томонлама имконият яратиб берсак, ўз-ўзидан камбағаллар камайд. Вилоятимизда 2020-2021 йилларда камбағаллик даражасини қисқартириш учун тadbиркорлиқни ривожлантириш орқали янги иш ўринлари яратиш бўйича ҳар бир туман, шаҳар, маҳаллалар кесимида аниқ тизим яратилган.

Туманларнинг ўзига хос хусусиятлари ҳисобга олиниб, «Бир маҳалла – бир маҳсулот» тамойили асосида ҳар бир маҳаллани мева-сабзавот етиштириш, қўчқич иссиқхоналар ташкил этиш, чорвачилик, паррандачилик, асаларчилик, қўвчилик, куркачилик каби йўналишларга ихтисослаштириш бўйича амалий чоралар қўйилган.

Масалан, Мирзаобод тумани «Деҳқонobod» маҳалласида анорчилик ривожланган бўлиб, ҳудудда анорни қайта ишлаш корхонаси ишляпти.

Ушбу дастур асосида вилоятдаги 4 мева-сабзавотчиликка ихтисослашган агрокластер томонидан 115 гектар боғ, 160 гектар тоқор, 150 гектар замонавий интенсив боғ ҳамда «Бек» кластери томонидан 200 гектар майдонда кулуплар ва лимончиликка ихтисослашган иссиқхоналар барпо этилиб, ер майдонлари аҳолининг кам таъминланган қатламига ўртача 5-6 сотихдан берилди.

Вилоят бўйича фойдаланишдан чиққан 5,5 минг гектар ер майдони ўзлаштирилиши ҳисобига қарийб 2 минг нафар фуқаронинг бандлигини таъминлаш чораси қўйилган. Ўз навбатида, «Хар бир ёшга бир гектар» лойиҳаси доирасида ишчи ёшларга жами 115 гектар ер майдони ажратиб берилди. Натигада 300 нафардан зиёд ёшнинг бандлигини таъминлашга эришилди.

Вилоятнинг 8 туманида 10 та қишлоқ ҳўжалиги кооперативлари ташкил этилиб, 440 нафар ишчи ёш кооператив аъзоллигига бириктирилди. Уларга бандликка қўмақлаштириш давлат жамғармасидан 829 миллион сўм субсидия ажратилди.

Жорий йил «Хар бир оила – тadbиркор» давлат дастури доирасида «Агробанк», «Халк банки» ва «Микрокредитбанк» орқали 90 миллиард сўм кредит ажратилиши режалаштирилган. Ушбу кредит маблағларидан самарали фойдаланиш мақсадида ресурс маблағларининг 70 фоизини иш ўрни яратадиган кичик ва ўрта бизнес лойиҳаларига, 30 фоизини уй шароитида ўзини-ўзи банд қиладиган лойиҳаларни молиялаштиришга йўналтириш назарда тутилган.

Бундан ташқари, вилоятдаги 3 та кичик саноат зонасида умумий қиймати 131,6 миллиард сўмлик 11 та лойиҳа амалга оширилмоқда. Бу йўналишда йил бошидан буён 1,2 миллиард сўмлик 8 турдаги маҳсулот ишлаб чиқарилиши йўлга қўйилиб, қарийб 200 га яқин иш ўрни яратилган бўлса, 17,6 миллиард сўмлик 5 та лойиҳа қисқа вақт ичида ишга туширилиши ҳисобига яна 100 дан ошқ янги иш ўрни пайдо бўлади.

– Вилоятнинг кластерга ихтисослашган

соҳалари ва мавжуд истиқбол ҳақидаги фикрларини ҳам билмоқчи эдик.

– Вилоятда 2019 йили 4 пахта тўқимачилик кластери фаолият юритган бўлса, ҳозир улар сони 6 тага етди. Кластерларга 2020 йил ҳосили учун ажратилган 72 минг 557 гектар ер майдонида ва фермер ҳўжаликлари билан тузилган фьючерс шартномалари асосида пахта хомашеси етиштирилади.

Пахта ва бошоқли дон экинларидан юқори ҳосил олиш, паррандачилик, чорвачилик ва балиқчилик тармоқларининг озўқага бўлган талабини қондириш, ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтириш, қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари етиштирувчиларнинг иқтисодий манфаатдорлигини ошириш, пахта хом ашёсидан даслабки экспортбоғ маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва 700 нафар маҳаллий аҳолини иш билан таъминлаш мақсадида замонавий инновацион технологиялар олиб келиниши режалаштирилган.

Жумладан, Сайхунobod туманида «Поли тех Сирдарё» масъулияти чекланган жамияти томонидан Германия давлатининг Мёнхенгладбах шаҳридаги «Tuetzschger GmbH & Co.KG» компанияси билан 18 миллион 472 минг евро қийматида шартнома имзоланиб, Сайхунobod тумани Бахмалло маҳалласида тўқимачилик фабрикаси қурилиши жадал олиб борилмоқда. Фабрика ишга тушиши ҳисобига 700 янги иш ўрни яратилади.

Ўз навбатида бошоқли дон етиштиришда кластер тизимини босқичма-босқич жорий этиш орқали юқори ҳосилдорликни таъминлаш мақсадида вилоятда 10 та галлачилик кластери ташкил қилинди. Бугунги кунда уларга жами 21 минг 741 гектар шундан, 431 фермер ҳўжалигининг 16 минг 180 гектар галла майдони ва кластерларнинг ўзларига 5 минг 561 гектар ер ажратиб берилди.

Бундан ташқари, вилоятда 4 та мева-сабзавотчиликка ихтисослашган агрокластер фаолияти йўлга қўйилди. Мазкур агрокластерларга жами 1 минг 915 гектар ер ажратиб берилди, шундан кластер корхоналарининг ўзларига тегишли ер майдони 1 минг 459 гектар ва 79 фермер ҳўжалигининг жами 456 гектар майдони, жумладан 234 гектар боғ ва 222 гектар экин ер майдони қўшимча равишда бириктириб берилди.

Энг асосийси пахта, галлачиликда юқори ҳосилдорликка эришилиб, етиштирилаётган маҳсулотлар тўлиқ қайта ишланишига ҳисобига қўшилган қиймат солиғи занжир яратилишига алоҳида эътибор қаратиляпти.

– Вилоятда тарихий ёдгорликлар – Сардоба обидаси, Эски Ховостепа ва бошқа бир неча археологик ҳақимиятга эга манзиллар бор. Сирдарёда экотуризмни ривожлантириш учун ҳам кенг имконият мавжуд. Умуман, вилоятда туризмни ривожлантириш бўйича қандай ишлар амалга оширилмоқда?

– Бугунги кунда вилоятимизда 79 моддий-маданий мерос объекти бор. Уларнинг 18 таси археологик, 15 таси архитектура объекти, 41 таси монументал санъат ёдгорлиги ҳисобланади. Шунингдек, битта музей, театр ҳамда бир неча диққатга сазовор жойлар мавжуд.

Қорақалпоғистон Республикаси, барча вилоят-

лар, Тошкент шаҳри бу талафот асоратларини бар-тароф этишга ўз ҳиссасини қўшмоқда. Олижаноб ва меҳр-оқибатли халқимиз ҳамжиҳат бўлиб, сардоба-ликларга озиқ-овқат, иссиқ кийим-боши ва бошқа зарур маҳсулотлар юкланган қаровонларни юборди. Асосийси, бир неча соат ичида тўндан сув чиқизиши тўхтатишга эришилди. Аҳоли уйларига қайта бошлади. Янги ойлarda бу ерда янги уйлар, замонавий қишлоқлар барпо этилади.

Сардоба туманидаги «Ёғочли Сардоба» тарихий обидаси ҳақидаги илк маълумот Ҳофиз Таниш ал-Бухорийнинг «Абдуллонома» асариде келтирилган. Бухоро хони Абдуллоҳ II Тошкентга юриши чоғида шу ҳудудда хордиқ чиқариш учун тўхтаб, сувсизликдан қийналган аскарлари учун сардоба ва қаровонсарой қуришни буюради. Сардобанинг ички қисмида ердан 2 метр баландликда ёниқ, ясимон туйнуклар жойлашган. Унга фақатгина шимол тарафдан қирилган. Қолган уч тарафиде арк қурилишидаги туйнуклар бўлган. Кириш арқисмон бўлиб, ундан гиштил зинаюлар орқали сардоба ичкарисига ўтилган.

Вилоят ҳудудидаги энг қадимий шаҳарлардан бири Ховос ҳисобланади. Бу шаҳар даврлар силсиласида бузилиб, вайронга айлиниб, қўмилиб кетган. Эндилқда унинг ўрнида Ховос тумани маркази яқинида жойлашган маҳобатли «Ховостепа» ёдгорлиги қад рослаб турибди. Шаҳар қадимда катта ҳудудни эгаллаган. Ҳозирги кунда унинг бир гектардан зиёд арқ қисми, Шахристоннинг 11 гектарлик қисми тепалик остида вайрон ҳолда сақланиб қолган. 2018 йилда «Ховостепа» ЮНЕСКО маданий ёдгорликлари рўйхатида киритилди.

Вилоят экотуризм учун ҳам қулай жой ҳисобланади. Сирдарё бўйида жойлашган ҳудуди 5,2 гектарни ташкил этадиган экотуризмга мўлжалланган «Али» экотуризм зонаси ва «Бархан» экотуризм маскани қўнғилочар табиати, намунали сeрвис хизматлари билан ажралиб туради. Дарё қирғоғидаги яна бир экосан «Калгансир» ўрмон ов ҳўжалигида хоржиий ҳамда маҳаллий сайёҳлар учун ўтов ва вагон уйчалар барпо этилган.

Мазкур ҳўжаликда дам олиш, балиқ овлаш ва ов мавсумида ёввойи чўча, шунингдек, қирғовул, ёввойи ўрдак, гоз ва бошқа паррандаларни ов қилиш учун барча шароитлар яратилган. Ҳозирги кунда вилоятда 7 та туроператор томонидан маҳаллий ва хоржиий фуқароларга сайёҳлик хизматлари қўрсатиб келинмоқда. 2019 йил вилоятимизга 15,9 минг нафар чет эллик, 120,6 минг маҳаллий сайёҳ таширф буюрди.

Бундан ташқари, 2019 йил давомида хоржиий ва маҳаллий сайёҳлар учун 7 та туризм ахборот маркази ташкил этилди, 32 та санитария-гигиена шохобчаси қурилди, 14 та туристик йўл қўрсаткич белгиси ва 19 та Wi-Fi ҳудуди ташкил этилди.

Вилоятда туризм соҳасини янада ривожлантириш мақсадида 2019 йил давомида маҳаллий ва хоржиий ташаббускорлар томонидан умумий қиймати 127,9 миллиард сўмлик 18 та лойиҳа амалга оширилиб, 300 та янги иш ўрни яратилди.

Вилоятимиз пойтахт Тошкент шаҳрига яқин, Қозғонистон ва Тожикистон давлатлари билан чегарадош, қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари етиштириш ҳамда қайта ишлаш учун етарли хом ашё базасига эга, меҳнат ресурслари билан таъминланган, инфратузилма объеклари мавжуд. Энг муҳими, халқимиз меҳнатқан, фидойи.

**«Гулистон» мухбири
М. ТИНИБЕКОВА суҳбатлашди.**

Тахририятдан: Ушбу материал тайёрланиб, нашрга топширилиши арафасида Сирдарё вилоятидан ноҳуш хабар тарқалди. Сардоба сув омбори тўғонида Упириллаш рўй бериб, бир неча минг гектар экин майдони, бир қанча аҳоли пунктларига зарар етди. Минглаб аҳоли зудлик билан қўшни туманларга, Жиззах вилоятига эвакуация қилинди. Президентимиз Шавкат Мирзиёев уша захотиёқ ҳалокат жойига етиб борди. Жараёни бевосита кўздан кечирди, аҳоли билан

суҳбатлашди. Зарар қўлган ҳар бир оила, ҳар бир инсон эътиборда бўлиши, уларга барча зарур шароитлар яратиб берилиши алоҳида таъкидлади, мутасадди раҳбарларга тегишли топшириқлар берди. Аҳоли саломатлигини сақлаш, талафот қўрилларга моддий ва маънавий ёрдам қўрсатиш, ижтимоий объектилар ва қишлоқ ҳўжалиги майдонларини тезроқ тиклаш бўйича зарур чора-тadbирлар белгиланди. Қорақалпоғистон Республикаси, барча вилоят-

лар, Тошкент шаҳри бу талафот асоратларини бар-тароф этишга ўз ҳиссасини қўшмоқда. Олижаноб ва меҳр-оқибатли халқимиз ҳамжиҳат бўлиб, сардоба-ликларга озиқ-овқат, иссиқ кийим-боши ва бошқа зарур маҳсулотлар юкланган қаровонларни юборди. Асосийси, бир неча соат ичиде тўндан сув чиқизиши тўхтатишга эришилди. Аҳоли уйларига қайта бошлади. Янги ойлarda бу ерда янги уйлар, замонавий қишлоқлар барпо этилади.

МУСТАҚИЛЛИК ВА МИЛЛИЙ ҚАДРИЯТ

Мамлакатимиз бугун миллий тикланишдан миллий юксалиш йўлига ўтди. Ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маънавий-маърифий соҳаларда рўй бераётган ўзгаришлар, ислохотлар эртанги кунга ишончимизни тобора оширмоқда. Юртимизда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар самарасини эътироф этаятганлар сафи тобора кенгаймоқда. Буларнинг бари мустақиллик туйғайлидир.

Мана, 29 йилдири, халқимиз ва давлатимиз жаҳон ҳамжамиятида ўз сўзига эга, халқро минбарларда қўллаб умумбашарий муаммоларни ҳал этишда давлатимиз билан маслаҳатлашилмоқда, Ўзбекистон фикри эътиборга олинмоқда.

Мустақиллик халқимизнинг миллий қадриятлари, урф-одатлари, анъаналари тикланиши, янада ривож топишига кенг имкониятлар яратди. Миллий қадриятларимизнинг тикланиши учун қилинаётган саъй-ҳаракатлар биз учун жуда қадрли. Собиқ совет тузуми даврида ўша давлат мафқураси миллий қадриятларимизни қадрсизлантиришга, улар ўрнига миллий манфаатларимизга мутлақо тўғри келмайдиган ғайримиллий қадриятларни «тўқиб» чиқаришга ҳаракат қилди.

Бугун ўша даврда топталган миллий қадриятларимизни тиклаш, уларнинг миллий тараққиётимиздаги ўрнини оширишга алоҳида эътибор берилган қувончли. Миллатнинг маънавий қадриятларини қайта тиклаш, ахлоқий идеалларни шакллантириш ва интеллектуал салоҳиятни ошириш 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган асосий вазифалардан биридир.

Давлатимиз раҳбари томонидан давлат ва жамиятни модернизациялаш бўйича қўйилган вазифалар аҳоли ўртасида миллий қадриятлар ҳақидаги тасавурулар, қарашлар тизимини реал англашни ва ҳар томонлама ўрганишни, фуқароларнинг, айниқса ёшлар қадриятлари тамойилларини жиддий тадқиқ қилишни таъза этмоқда. Бу йўлдаги изланишлар мамлакатда нафақат жамият тараққиётининг маънавий манбаларини аниқлашга, шу билан бирга, айни тадиқотлар Ўзбекистон учун анъанавий бўлган қадриятларнинг ижтимоий-маданий модернизацияси ёки

трансформациясига қай даражада мос эканлигини аниқлашга ҳам ёрдам беради.

Шу ўринда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 28 ноябрдаги «Ўзбекистон Республикасида миллий маданиятини янада ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорини алоҳида таъкидлаш жоиз. Қарорда миллий ва умуминсоний қадриятларни ёшларимиз онгига синдириш, этник маданий анъаналарни афқар-авайлаш ва шу асосда халқ ижодиётини қўллаб-қувватлаш, фуқароларни, айниқса, ёшларимизни миллий қадриятлар руҳида тарбиялашга алоҳида эътибор қартилган.

Хўш, қадриятнинг ўзи нима, унга қандай таъриф бериш мумкин? Айтиш лозимки, маънавий масалада ягона, умумэътироф этилган таъриф йўқ. Қўлчилик арабчада қиймат, қимматбаҳо буюмлар, халқ бойлиги маъносини берадиган қадрият деган сўзни воқеликдаги муайян ҳодисаларнинг умуминсоний, ижтимоий-ахлоқий, маданий-маънавий аҳамиятини кўрсатиш учун қўлланиладиган тушунча сифатида қайд этиди.

Инсоният учун аҳамиятли барча нарсалар, масалан, эркинлик, тинчлик, тенглик, маърифат, ҳақиқат, яхшилик, гўзаллик, моддий ва маънавий бойлик, анъана ва урф-одатлар қадрият ҳисобланади. Қадриятлар тоифаси фақат буюм ва нарсаларнинг иқтисодий қимматини эмас, жамият ва инсон учун бирор аҳамиятга эга бўлган воқеликнинг шакли, ҳолати, нарса, воқеа, ҳодиса, талаб ва тартиб ҳамда бошқаларнинг қадрини ифодалаш учун ҳам ишлатилади.

Ижтимоий жараён таъсирида кишиларнинг қадриятлар тўғрисидаги қарашини, тасавури мунтазам равишда ўзгариб туради. Тарихий заруратга қараб гоҳ у, гоҳ бу қадрият ижтимоий тараққиётнинг олдинги сафига чиқади. Масалан, юртни ёв босганда – озодлиқ, империя ҳукмронлиги даврида истиқлол, уруш даврида тинчлик, тутқунликда эркинлик, беморликда саломатликнинг қадри ошади.

Қадриятлар умумбашарий, миллий, шахсий бўлиши мумкин. Олам, табиат ва жамиятнинг энг муҳим томонларини, қонун-қоидаларини ифодалайдиган қадриятлар умумбашарий хусусиятга эга бўлади. Бундай

Китобхонга мукофот — маърифатга рағбат

«Китоб дунёси» ва «Китоб маркази» республика савдо тармоқ марказлари томонидан «Энг китобхон мактаб» лойиҳаси доирасида ташкил этилган кўрик-танловнинг Жиззах вилояти босқичида биринчи ўринни Арнасой тумани халқ таълими бўлими эгаллади. Вилоят мактаблари ўртасида ўтказилган китоб ярмаркаси, китобхонлик акциялари якунига кўра, энг кўп китоб ўқийдиган болалар шу туманда эканлиги маълум бўлди.

Аҳоли турмуш маданияти даражасини баҳолашда қўллаб меzonлар қатори китобхонлик ҳам муҳим кўрсаткич сифатида эътиборга олинади. Шу нуқтага назардан Арнасой тумани ушбу танловда голиб чиққани худудда маънавий-маърифий ишлар сваяси юқори эканини кўрсатиб турибди.

Танловда тасодиф юз бергани йўқ. Арнасой икки-уч йил аввал иқтисодиёт, ижтимоий инфратизим заифлиги билан бошқа туманлардан фарқ қилар эди. Кейинги йилларда туманга алоҳида эътибор қаратилиши, худудда ижтимоий-иқтисодий ислохотларни жадаллаштиришга кўмаклашувчи ҳукумат

ишчи гуруҳи иш олиб боргани натижасида худуддаги вазият тубдан ўзгарди.

Аҳолининг кундалик эҳтиёжини таъминлаш мақсадида савдо ва хизмат кўрсатиш иншоотларини қайта қуриш, янгиларни барпо этишга алоҳида эътибор қаратилди. Ўтган қисқа муддатда тумандаги мавжуд маҳалла ва қишлоқ фуқаролар йиғинлари худудларида амалга оширилган бунёдкорлик, ободонлаштириш ишлари туйғайли аҳоли турмуш маданиятини ошириш бўйича салмоқли ишлар қилинди. Савдо шохобчалари қаторида китоб дўконлари ҳам пайдо бўлди. Туман марказидаги, мактаблардаги кутубхоналар

фонди бойитилиб, фаолияти яхшиланди.

Туман халқ таълими бўлими томонидан Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 13 сентябрдаги «Китоб маҳсулотларини нашр этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутлоаси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури тўғрисида»ги қарори



ижросини таъминлаш, беш муҳим ташаббуснинг тўртинчиси – ёшлар ўртасида китобхонликни кенг тарғиб қилиш борасида самарали иш олиб борилди. Таълим муассасаларида адабиёт фани ўқитилиши самарадорлигини, кутубхоналар фаолиятини яхшилаш билан бирга ўқувчилар ўртасида китобхонлик

қадриятлар ўз аҳамиятини ҳеч қачон йўқотмайди, уларнинг қадри доимо ошиб бораверади. Муайян бир миллат, халқнинг ҳаёти, турмуш тарзи, тили, маданияти, маънавияти, урф-одати, анъаналари, ўтмиши ва келажги билан боғлиқ қадриятлар миллий қадриятлар ҳисобланади. Инсон, унинг фароияти, турмуш тарзи, эътиқоди, умр маъноси, одоби билан боғлиқ қадриятлар эса шахсий қадриятлар, деб аталади.

Умуминсоний қадриятлар тизимиға тинчлик, ўзаро ҳамкорлик, ўзга миллатлар қадриятларига ҳурмат, бағрикенглик, атроф-муҳитни эъзозлаш ва демократик қадриятлар кирди. Миллий қадриятлар тизимиға ватанпарварлик, миллий гуруҳ туйғуси, ўз она тилиға ва тарихий меросиға ҳурмат, тинчликсеварлик, миллий анъаналарға содиқлик, сабр-тоқатлик, ишонувчанлик, оилавий қадриятларға эҳтиёткорона муносабатда бўлиш, катталарға ҳурмат, кичикларға иззат кўрсатиш, меҳмондўстлик, саҳийлик кабилар алоҳида ўринға эға. Мамлакатимизнинг том маънода очик жамиятға айланаетгани, юртимизда амалға оширилаётган бозор муносабатлари, глобаллашув жарёнлари туфайли жамиятимизға кириб келаетган турли ижобий ва салбий ҳодисалар – буларнинг бари миллий қадриятлар тизимиға муайян ўзгаришларни юзига келтирмоқда.

Миллий қадриятлар инсонда олижаноб хулқини, фазилатларни тарбияловчи, шакллантирувчи муҳим омил ҳисобланади. Шу маънода бугун барчамиз миллий қадриятни ўзимизда яхши ва савобий сифатлар пайдо қилувчи ҳодиса сифатида тан олсак тўғри бўлади. Миллий қадрият ҳар биримизни қомилиққа қорловчи, турли иллатлардан, ёмон одатлардан сақловчи ҳимоя воситасидир.

Бугун жамиятимизда иқтимоий ёрдамға муҳтожларға алоҳида эътибор қаратилаётир. Бу Президентимиз томонидан олиб борилаётган инсонпарварлик сиебати, етим-есирларнинг бошини силаш, уларни уй-жой билан таъминлаш каби саховатли ишлар билан боғлиқ. Энг муҳими, бугунги кунда давлат ҳам, одамлар ҳам саховат ва эҳсон кўрсатишға муҳим қадрият сифатида қарамоқда.

Шарқнинг машҳур алломаларидан Ҳусайн Воиз Кошифий саховатни халойиққа манфаат етказиш, эҳсонни эса яхшилик қилиш, деб ўқтиради. Саховат яхши от чиқаришнинг сабабидир. Ва эҳсон кўнгли яхши кўришининг боисидир. Ҳеч қайси сифат ва хислат одамларға, хусусан, улуг ва давлатмандларға саховатдан яхшироқ эмас. Яхши билиш керакки, киши ўз мол-мулкини инсонлар учун сарфламаса, улуглик ва сарафрозлик отини кўлга кирита олмайди. Дунё саодатиға эришиш учун халойиқ кўнгли қушини эҳсон тўри билан овласа бўлади. Кўнгли инсон баданининг султони, у бировнинг тўриға тушса, кўнглининг тобеси бўлади бақдан ҳам унга бўйсунмай иложи бўлмас. Бу мазмунға кўра, киши халойиққа эҳсон қилиб, унинг кўнглини олса, саодат эшиклари унинг юзига очилади ва муроди ҳосил бўлади.

Ўзбек халқи миллий қадриятлар тизимида турли маросимлар ўтказиш,

тарғиботиға бағишланган турли тадбирларни мунтазам ўтказиш йўлға қўйилди.

«Энг китобхон мактаб» кўрик-танлов доирасида туман мактабларида ўтказилган китоб ярмаркаларида 7 мингға яқин ўқувчи ва уларнинг ота-оналари 20 мингдан зиёд китоб харид қилди. Арнасойликлар ҳар бир ўқувчи ҳисобига харид қилинган китоб сони бўйича бошқа туманлардан анча ўзиб кетди.



Аرنасойдаги бу ўсиш Жиззах шаҳридаги Ёшлар инновация марказида «Энг китобхон мактаб» лойиҳаси ташкилотчилари ва ҳамкорлари – «Китоб дунёси» ва «Китоб маркази» савдо тармоқ марказлари, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар, Халқ таълими вазириликлари, Ахборот ва оммавий комму-

никациялар агентлиги, Республика маънавият ва маърифат маркази, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи, Жиззах вилояти хокимлиги, халқ таълими бўлими, барча мактаб раҳбарлари, республикамиз пойтахтидан келган таниқли шоир ва ёзувчилар иштирокида ўтказилган тантанали маросимда алоҳида эътироф этилди.

– «Китоб дунёси» ва «Китоб маркази»



савдо тармоқ марказлари томонидан амалға оширилган «Энг китобхон мактаб» лойиҳаси ўқувчилар ўртасида китоб тарғиботини кучайтиришдаги хайрли ишлардан бири бўлди, – дейди Арнасой тумани халқ таълими бўлими мудири Мирмуҳсин Низомов. – Лойиҳа доирасида туманимиз мактабларида ўтқа-

туй ва маъракаларни кўпчилик билан бирға нишонлаш, айниқса, тўйларни бутун маҳалла қариндос-у таниш-билиш билан ўтказиш азалдан одат тусиға кирган. Бунинг ижобий томонлари кўп. Афсуски, бугунги кунда тўй қилиш баҳонасида ўзини кўз-кўз қилиш, ким ўзарликка интилиш кучайиб бораётгани ҳам сир эмас. Шу ўринда Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуфнинг куйидаги фикрларини келтиришни лозим топдик: «Мусулмон киши мол – пул сарфлашда доимо мўътадил бўлиши керак. Ҳеч қачон молу дунёни исроф ҳам қилмаслиги керак ва ҳаддан ташқари хасис бўлиб, зарур жойға ва керакли миқдорда сарфлашдан бош тортмаслик ҳам керак».

Мустақиллик йилларида, айниқса, сўнгги йилларда инсоннинг том маънодаги моҳияти очилиб бормоқда. «Инсон манфаатлари ҳамма нарсадан улуг», «Халқ давлат органларига эмас, давлат органлари халққа хизмат қилиши керак», «Халқ бой бўлса, давлат ҳам бой ва қудратли бўлади», «Адолат – қонун устуворлигида», «Маънавият бўлмаган жойда ҳеч қачон адолат бўлмайди!» каби тамойиллар инсон бу ёруғ дунёдаги энг буюк қадрият эканлигидан дарақдир.

Бугун дунё шиддат билан ривожланмоқда, барча соҳаларда кучли интеграция жараёнлари содир бўлмоқда, глобаллашув ўзининг ҳам ижобий, ҳам салбий таъсирини кўрсатмоқда. Ана шундай шароитда қадриятлар алмашинуви ҳам рўй бермоқда. Аввал биз эътибор бермаган айрим ҳодисалар бугунги кунға келиб миллий қадриятларимизға айланмоқда. Масалан, уддабурон, ишбилармон, давлатманд инсон бўлиш, аниқ мақсадни танлаш ва унга интилиш, билим олишни ўз ҳаётининг маъно-маъмуни деб билиш бугун аксарият ёшларимиз учун қадриятға айланиб бормоқда. Шу билан бирға, молпарастликка муккасидан кетиш кучайиб бораётганидан ҳам кўз юмолмаймиз.

Файласуф олим А.Эрқаевнинг қайд этишича, молпараст, бойликка интилувчи учун мол-мулк барча қадриятларнинг боши, қадриятлар иерархиясида энг юқори ўринни эгаллайди. Яна кимдир мансабпараст. У юқори лавозимға эришиш учун лаганбардорлик қилади. Унинг учун юқори лавозимға эришиш қадриятлар иерархиясидир. Молпарастлик ва мансабпарастлик орқали бирлашганлар жамият учун хавфли кишиларға айланади, оқибатда порахўрлик, коррупция авж олади. Албатта, аксарият кишиларнинг қадриятлар мулжали ижобий. Мақсадимиз ана шу ижобий қадриятларни бугунги кун талабларига жавоб берувчи сифатлар билан бойитишдир.

Миллий қадриятларимиз бугун қомил инсонни тарбиялашда муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда, улар миллий тикланишдан миллий юксалишимизда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Муниса МАВРУЛОВА, Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти ўқитувчиси

зилган ярмаркаларда ўқувчилар, ота-оналар фаол иштирок этди. Ёшларимизнинг китобға қизиқиши кескин ошгани яққол кўринди. Бу жуда қувончли, албатта.

Кўрик-танловда биринчи ўринни кўлга киритган Арнасой тумани халқ таълими бўлими 10 миллион сўмлик китоблар ва «NEXIA-3» автомашинаси билан тақдирланди. Иккинчи ва учинчи ўринларни олган Янгиобод ва Дустлик тумани халқ таълими бўлиmlарига компьютер жамланмаси, телевизор, уяли телефон ва китоблар тўплами совға қилинди.

– Ушбу лойиҳанинг ҳудудий босқичлари Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм, Андижон ва Қашқадарё вилоятларида муваффақиятли ўтказилди, – дейди «Китоб дунёси» ва «Китоб маркази» савдо тармоқ марказлари муассиси Шухратжон Охунжонов. – Лойиҳанинг Жиззах вилояти босқичи жорий йилнинг 20 январида бошланиб 45 кун давом этди. Лойиҳа доирасида ҳудуддаги 548 мактабда китоб ярмаркалари ташкил этилиб, 200 мингдан зиёд ўқувчи, ўқитувчи, ота-оналарға арзон нархларда болалар адабиёти, бадиий адабиётлар, шу жумладан, жаҳон адабиёти намуналаридан иборат китоблар тақдим этилди.

Тошқул БЕКНАЗАРОВ



БУГУН ТАРАҚҚИЁТНИ ИННОВАЦИЯСИЗ ТАСАВВУР ҚИЛИШ ҚИЙИН

**Ўзбекистон Республикаси инновацион
ривожланиш вазир Иброҳим АБДУРАҲМОНОВ билан суҳбат**

– Иброҳим Йўлчиевич, жорий йилнинг Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили, деб номланиши вазирликка ҳам алоҳида масъулият юклайди, шундай эмасми? Рақамли иқтисодиёт истилоҳи тилимизга, ҳаётимизга яқин йиллар ичида кириб келди. Аввало, рақамли иқтисодиётнинг мамлакатимиз, жамиятимиз учун аҳамияти ҳақида гапириб берсангиз.

– Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 2020 йилга бундай ном берилиши республикамызда рақамли иқтисодиётга ўтиш ва инновацион технологияларни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилаётганидан далolat. Бу ҳалқимиз манфаати йўлидаги инқилобий ижобий бурилиш. Масалан, иқтисодиёт тармоқларига жорий этиладиган технологиялар таснифда сунъий интеллект деструктив турига мансуб бўлиб, у ҳақон бозорига аввал мавжуд бўлмаган тубдан янгиланган ва янги қийматга эга бўлган маҳсулотларни олиб киради. Ҳозирги кунда сунъий интеллект дунё мамлакатларида давлат бошқаруви, саноят тармоқлари, таълим, тиббиёт, қишлоқ ҳўжалиги, мудофаа ва миллий ҳавфсизлик, туризм ва бизнес соҳаларида кен оммалашмоқда. Мамлакатимизда сунъий интеллектнинг ривожлантирилиши инновацион технологиялар, нейрхирургия, генетика, биомухандислик, кибернетика, нанотехнология, биоиммука ва бошқа фундаментал, амалий илмий-тадқиқот фаолият жадал суратда ривожланишига хизмат қилади.

Ўтган йили мамлакатимиз «Халқаро ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш индекси» бўйича 8 ғоғона кўтарилди, аммо бу ҳали етарли эмас. Ақсарият вазирлик ва идоралар, корхоналар рақамли технологиялардан мутлақо йироқ. Рақамли иқтисодиётнинг шакллантириш зарур инфратузилма, кўп маблағ ва меҳнат талаб этади. Давлатимиз раҳбари ушбу мақсадни келгуси беш йилдаги энг устувор вазифалардан бири сифатида таъкидлади. Рақамли иқтисодиётнинг афзаллиги шундаки, ушбу тизим нафақат маҳсулот ва хизматлар сифатини оширади, балки ортиқча харажатларни ҳам камайтиради. Энг муҳими, коррупцияга чек қўяди, ушбу иллатни йўқотишга хизмат қилади.

– Вазирлик ташкил этилганига уч йил бўлди. Ҳар бир ишнинг бошланиши силлиқ, осон келмаслиги аниқ. Ўтган йиллар давомида вазирлик қандай муаммоларга дуч келди, соҳада нима ишлар қилинди?

– Тўғри, осон бўлгани йўқ, чунки соҳада муаммо кўп эди. Бу қисқа вақтда ҳал бўладиган иш эмас, албатта. Юртимизда иқтисодий ўсиш етарли эмаслиги, инновацион иқтисодиётни давлатимизга олиб кириш эҳтиёжи юқорилиги маъзур вазирликни ташкил қилишни тақозо этди. Инновацион ривожланиш вазирлиги МДХ давлатларида ҳам, Урта Осиё ҳудудида ҳам шу пайтгача бўлмаган. Фақат Бирлашган Араб Амириқлиқлари, Канада, Янги Зеландия каби санокли ривожланган мамлакатлардагина бор. Вазирликнинг асосий мақсади – иқтисодиётни ривожлантириш, юксалтириш. Мамлакатимиздаги энг катта муаммолардан бири ишлаб чиқариш билан илмнинг мувофиқ келмаслиги, бу борада узвийлик йўқлигида эди. Айни муаммо фақат бизда эмас, ривожланган давлатларда ҳам кузатилади. Шу пайтга қадар илмий ишланмалар, ихтиролар кўп бўлган, аммо амалиётга татбиқ қилинмаган. Илмий ишни тўғридан-тўғри иқтисодиётга йўналтириб бўлмайди, албатта. Маълумки, янги лойиҳани стандарт ҳолга келтиришда катта маблағ зарур. Шунинг учун тадбиркорлар илмий ишларни сотиб олишга ёки амалиётга қўллашга жазм қилолмасди. Негаки, ҳали синовдан ўтмаган маҳсулотнинг сотилиши қолиши эҳтимоли юқори. Ҳар битта янги ишланманга амалиётга қўллаш ва шунга монанд технология яратиш доим қийин кечган.

Биз ишни инновацион ривожланиш стратегиясини белгилаб олишдан бошладик. 2018 йил сентябрь ойда уч йиллик стратегияни тузиб, тасдиқладик. Бунда асосий урсун капиталга қаратилди. Стратегиядаги

яна бир муҳим вазифа 2030 йилгача Глобал инновацион индекс рейтингини бўйича ҳақоннинг 50 илғор давлати таркибига киришдан иборат. Мамлакатимиз аҳолисининг 60 ғоғоздан кўпрогини ёшлар ташкил этади. Асосий маблағни айнан ёшлар иштирокидаги инновацион ишларга йўналтиришни маъқул кўрдик. Ёшларнинг инновацион ғоғаларини қўллаб-қувватласак, ривожлантирсак, уларга шaroит яратсак, эртага улар давлатга биз сарф қилгандан ҳам кўпроқ ғойда олиб келади. Шунинг учун асосий эътиборни таълим тизимига қаратдик. Олдимизга қўйилган асосий вазифалардан яна бири илмий ташкилотларимизни ривожлантириш. Стратегияда олимларга кўпроқ грант маблағлари ажратиш ва керакли натижага эришиш кўзда тутилган. Зеро, инновация айнан шу жраёнда вуҷудга келади.

– Дарвоқе, аҳоли ҳаёт даражаси ва сифати яхшиланиши, мамлакат ижтимоий-иқтисодий салоҳияти барқарор ўсиши учун зарур шарт-шaroит ярата оладиган қандай янги ғоя ва инновациялар ишлаб чиқилди ва ҳаётга нечоғли жорий этилди? Стартap лойиҳаларни ва умуман инновацион ишланмаларни молиялаштиришнинг аҳволига ҳам тўхталсангиз.

– Биринчи навбатда фани молиялаштириш тизимини ўзгартирдик. Таълим соҳаси учун ажратиладиган ва уч-тўрт йилда бир марта ўтказиладиган грантлар учун танлов тизимини бутунлай бошқача йўналишда туздик. Ҳар ойда иқтидорли ёшлар учун танловлар уюштириб, ғоғиларни рағбатлантириб боряпмиз. Авваллари илмий ишлар, ихтиролар учун ажратилган маблағлар ҳаммаси қоғоз билан бошланиб, қоғоз билан тугарди. Ҳеч ким олимларга илми маҳсулот кўринишигача олиб кел, деган талабни қўймасди. Илмий ишларнинг барчаси олтиммалаштириш, муқобиллаштириш, таҳлил билан тугарди. Эндилқда олимларга булган рағбат ҳам, эътибор ҳам ўзгарди. Масалан, синмайдиган колба яратиш ғояси тақлиф этилса, махсус талаб билан танлов уюштирамиз ва ғоғалардан бирини танлаб оламиз ҳамда молиялаштирамиз. Ҳар бир лойиҳа учун 500 миллион сўм ажратилиб, шундан 40 ғоғиз моддий-техник базани ривожлантиришга сарфланмоқда. Олдинги тизимда олим бир миллиард сўм даромад олиб келадиган лойиҳани тақдим этган бўлса, 20 миллион сўм атрофидаги пул билан тақдирланар эди. Кейинчилик ўша ишланмасидан келадиган даромадга шерик бўлмасди. Эндилқда юқорида қайд этилган фармон асосида шундай имконият беряпмизки, олим ўз лойиҳаси асосида бемалол корхона ташкил этиб, унга раҳбар ҳам бўла олин. Ёки бирор корхона билан келишиб, ўз ғоясини ишлаб чиқаришга татбиқ этсин, хоҳласа, ишланмасини сотсин. Жараён олим учун рағбат механизми бўлиб, бу ерда манфаатни авлоддан авлодга ўтказиш ҳуқуқи мавжуд. Муҳими, қайсидир соҳага янги ғоя кириб келиши керак. Ўтган йил 116 миллиард сўм маблағ эвазига юздан ортиқ лойиҳа амалиётга татбиқ этилди. «Стартap» лойиҳаларидан бошлаб, илмий ишлар тўғридан-тўғри бизнесга йўналтирилади. Кичик-кичик корхоналар янги лойиҳалар асосида ишлаб чиқаришни бошлади. Натижада стартap экотизимини яратилди. Ушбу лойиҳа учун 30 миллиарддан зиёд пул сарфлаб, ўттиздан зиёд корхонани янги туширдик. Буғунги кунда маблағ сарфлаган корхоналар ғойда кўра бошлади. Шу тарзда илмнинг натижаси кўринаётир. Мисол учун биргина биоўғит ишлаб чиқаришни олайлик. Бутун дунёда ўрнини босувчи маҳсулот йўқлиги боис, биоўғитдан 17 миллиард сўм ғойда кўрдик. Айни вақтда биосалвент ишлаб чиқариш ҳам йўлга қўйилди. Бу шундай маҳсулотки, биргина томчиси 1 метр квадрат ердаги тузни ювиш қудратига эга. Ёки бошқа бир мисол: нефт парланиб, асосий қисми ҳавога учиб кетади. Мана шу парланишнинг олдини олиш учун пантон ишлаб чиқарила бошлади. Пантоннинг яна бир вазифаси ёнғиннинг олдини олиди. Қўтилмаганда нефть туғайли ёнғин чиқса, пантон кўпикка айланиб, оловни ўчиради.

Шу каби кўплаб инновацион ғоғаларни амалга ошириш учун Жақон банкидан имтиёзли, узoқ муддатга мўлжалланган 50 миллион долларлик

кредит ажратилди. Ушбу маблағни тўғри тақсимлаб, соҳани янада ривожлантиришни мақсад қилганмиз.

– Вазирлик ҳудудлар билан қандай ишляпти, қайси соҳалар бугун кўпроқ инновацияга муҳтож?

– Айни пайтда ҳудудлар ривожланишига тўққинлик қилаётган муаммолардан бири олимларнинг камлиги, етишмаслиги. Шунинг учун ҳудудий дастурлар ишлаб чиқиди. Наманган, Сурхондарё, Хоразм ва Наманган вилоятларида хусусий капитал асосида инновацион марказлар ташкил этила бошланди. Эндиликда ҳар бир ҳудуд ўз иқтидорли ёшлари билан ўзи шуғулланади. Молиялаштириш тизимини маҳаллий ташкилот ва ҳокимликлар амалга оширади. Энди ҳар бир вилоятнинг ўз инновацион ҳудуди, иқтидорли ёшлари, олимлари ва энг асосийси, сифатли таълим тизимига эга мактаби бўлади...

Бугун инновация ҳамма соҳага бирдек зарур, чунки бир соҳа иккинчиси билан узвий боғлиқ. Янги гоя ҳеч қачон ортиқчалик қилмайди. Масалан, қишлоқ ҳўжалиги тизимига кластерлар олиб қирлиди. Эндиликда пахта, гуруч ва бугдойдан мўл ҳосил олинмоқда. Маҳсулотларимизни бемалол хорижга сотаямиз. Сирдарё вилоятида хорижий инвесторни жалб этган ҳолда «Пен-шент кластери», «Бек-кластер» ҳузурида уруғчиликка ихтисослашган кластерлар ташкил этилди. Наманган вилоятида эса «Момик сочиқлар уруғчилик кластери» фаолиятини йўлга қўйиш асосида қишлоқ ҳўжалигига хусусий инвестициялар жалб қилинди. Бошқа соҳалар учун ҳам ана шундай янгиликларга эҳтиёж бор.

– Иқтисодий соҳа, хусусан, соғлиқни сақлаш тизимига инновацияларни жорий этиш борасида қандай янгиликлар бор?

– Соғлиқни сақлаш борасида ҳам бир қанча инновацион лойиҳалар қўллана бошланди. «Ақлли тиббиёт» концепцияси ишлаб чиқилди. Телетиббиёт дастури ҳам бор, бунинг учун илм манзил сифатида Мўйноқ танланди. У ерда инновацион поликлиника қурилди. Аҳолиси 35 миңдан зиёд бўлган ушбу ҳудудда тиббиёт соҳасида кадрлар етишмайди. Инновацион поликлиниканинг аҳамияти шундаки, масофадан туриб, пойтахтдаги энг малакали шифокорлар беморга ташхис қўя олади. Кейинчалик бу тизимни кенг йўлга қўймоқчимиз.

Бизда аллергик касалликлар кўп. Ушбу хасталикни нотўғри даволаш оқибатида астма касаллигини келтириб чиқариш мумкин. Аллергология маркази ишини тўлдорган ҳолда, яна бир марказ ташкил қилдик. Чет элдан турт дон «Гул чанги қорқонлари» номли қурилма олиб келиб, Тошкент шаҳрининг Олмазор ва Мирзо Улугбек туманларига жойлаштирдик. Бу ускуна 80 км радиусдаги гуллаган дарахтлар ҳақида маълумот йиғади ва махсус базага киритади. Мазкур базадаги маълумот орқали биз ўша ҳудуддаги аҳолига «смс» тарзида хабар берамиз. Лойиҳанинг аҳамияти шундаки, биринчидан, дори-дармонга кетадиган маблағ тежаллади, иқтисодиёт фойда қўради. Иккинчидан, асосийси, бемор қайси ўсимлик манбаси туфайли касаллангангани аниқланади.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида COVID-19 вирусининг мамлакатимизда тарқалишининг олдини олиш учун кенг миқёсдаги чора-тадбирлар қўрилди. Биолог олим сифатида таъжибланоқчиманки, руҳий хотиржамлик инсон иммунитетини мустаҳкамлайди ва ҳар қандай касалликка қарши энг катта тўсиқ бўла олади. Тубдан янгилашиллар юз бераётган ушбу тарихий даврда коронавируси таҳдиди туфайли мамлакатимиздаги эзгу жараёнлар кўлами сусайгани йўқ. Вазият тақозо қилгани ва инсонлар саломатлиги муҳим бўлгани учун янги, ўзгача иш тартибига ўтилди. Хусусан, вазирлик томонидан ўткир респиратор вирусли инфекцияларга қарши мавжуд, рўйхатдан ўтган дори препаратларини COVID-19 коронавирусини даволашда фойдаланиш учун танлаб олиш мақсадида тезкор лаборатория синовларини ўтказиш бўйича инновацион лойиҳалар танлови эълон қилинди. Мақсад – мазкур хасталикни даволаш амалиётида тўғридан тўғри фойдаланиш учун энг самарали маҳаллий препаратларни танлаб олишдан иборат. Янги дорини яратиш ва клиник синовдан ўтказиш анча мушкул вазифа ва кўп вақт талаб қилади. Дунё амалиёти шуни кўрсатмоқдаки, ҳозирги кунда ОИТС, ревматизм ёки безгак касалликларига қарши дори воситалари коронавирусини даволашда яхши самара бермоқда. Бундан ташқари, республикаимизда COVID-19 га қарши самарали қирашми мақсадида амалий лойиҳалар танлови эълон қилинди. Бундан коронавирусли инфекциялар патогенезини чуқур таҳлил қилиш асосида касалликларни даволаш технологияси ҳамда COVID-19 штаммларини аниқлаш учун молекуляр-генетик ташхислаш усулларини яратиш мақсади қўзланган. Яна самарали диагностика усулларини яратиш ва вирус патогенлариди маҳаллий популяцияга хос генетик ўзгаришларни аниқлаб бориш кўзда тутилган. Шу мақсадда олимлар инновацион ривожланиш вазирлиги тошйирига биканор жорий йил февраль ойидан бошлаб вируснинг бутун дунё бўйлаб тарқалаётгани, Ўзбекистонга кириб келиш хавфи ҳам мавжудлигини инобатга олган ҳолда тест тизимини ишлаб чиқиш устида иш бошлаган эди. Март ойининг учинчи ўн кунлиги бошида илк натижаларга эришилди – вазирлик ҳузуридаги Илгор технологиялар марказининг биотехнолог мутахассислари COVID-19 коронавирусини аниқлаш бўйича тест тизимини ишлаб чиқди. Мазкур система

COVID-19 вирусни геноми уч бўлагининг ПЦР (Полимераз занжир реакцияси) усулидаги таҳлилига асосланган. Инсон танаси ва қонда ДНК ва РНК вирус фрагментлари пайдо бўлишига имкон беришни ўта таъсирчан таҳлил олимларимиз ишлаб чиққан тест тизимининг алоҳида хусусиятидир. Юртимиздаги илмий ва тиббий лабораторияларда мавжуд бўлган хорижий мамлакатлардан келтирилган тест тизимлари вирус геномининг фақат бир бўлаги таҳлилига асосланган.

Яна бир янгилик – Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Биоорганик кимё институтида яратилган гриппга қарши оригинал «Рутан» дори воситаси вазирлик ёрдамида Хитой олимлари томонидан текширилди. Хитойликлар ўтказган синовлар натижаси мазкур дори воситаси коронавируси инфекциясига қарши самарали қираш воситаси бўлиши мумкинлигини кўрсатди. Шунга мувофиқ, «Рутан» дори воситасини GMP стандартига тўлиқ жавоб берадиган «China – Uzbekistan Medicine Technical Park» хорижий корхонасида ишлаб чиқариш йўлга қўйилмоқда.

Яна COVID-19 вирусига чалинган беморларни даволашда қўлланадиган, ҳозир бутун дунёда тақчиллиги сезилаётган ўпканинг сунъий вентилияцияси аппаратлари (ИВЛ) ишлаб чиқариш бўйича технологиялар трансфери амалга оширилмоқда. Шу соҳадаги етакчилардан бири Словакиянинг «Chigana» компанияси ва россиялик ҳамкорлар билан биргаликда ИВЛ қурилмаларини ишлаб чиқариш жорий йилнинг май ойидан бошлади. Тошкент шаҳри Бектемир туманида ишлаб чиқариш участкаси қурилишини янқулаш жорий йилнинг сентябрга мўлжалланган.

– Етук биолог олим сифатида ушбу соҳадаги изланишларни қандай баҳолайсиз? Ўз илмий изланишларингиз-чи, давом этяптими?

– Республикаимизда сўнгги йилларда илм-фанни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Илм-фанни молиялаштириш ҳажми ошмоқда, илмий-тадқиқот муассасалари сони ортиб, қатор инновация марказлари, илмий кластерлар, технология парклари ташкил этилмоқда. 2019 йилнинг 29 октябрида Ўзбекистон Республикасининг «Илм-фан ва илмий фаолият тўғрисида»ги қонуни қабул қилинди. Мазкур қонун билан илмий соҳанинг долзарб масалаларини ҳал этиш, илмий-тадқиқот фаолиятини қўллаб-қувватлашни кенгайтириш кўзда тутилган.

Замонавий биологиянинг жадал ривожланаётган соҳаларидан бири – биотехнология фан ютуқларини ва ишлаб чиқариш жараёнини бир-бирига боғлайди. Биотехнология микроорганизмлар, ўсимлик ва ҳайвон тўқималари, органеллалар, рекомбинат ДНК ҳамда тўлиқ генетик модификацияланган организмлар каби турли биологик тизимлардан амалда фойдаланиш замин яратди. Айнан биотехнология туфайли экинларни химоя қилишининг замонавий биологик усуллари, биодеградацион полимерлар ва табиатни муҳофаза қилиш технологиялари ишлаб чиқилган. Масалан, биополимерлар ҳозир кенг қўлланаётган пластмассаларга нисбатан катта афзалликларга эга. Негаки, улар ўздан заҳарли моддалар чиқармайди, атроф-муҳитни ифослантормайди, фойдаланиб бўлингандан кейин парчаланиш хусусиятига эга. Генларни конструкциялаш нафақат ўсимликлар, балки ҳайвонот дунёсини ҳам назорат қилиш, турли хусусиятларга эга янги организмлар яратиш имконини беради. Замонавий биотехнологиялар анчайин ранг-баранг, шу боис мутахассислар асримизни биотехнологиялар асри деб аташмоқда.

– Инновацион гоялар, ишланмалар ва технологияларни жорий этиш бўйича халқаро ҳамкорлик йўлга қўйилганидан хабаримиз бор. Бу борадаги натижалар қандай?

– АҚШ, Германия, Жанубий Корея, Қозғистон, Австрия билан ҳамкорлик шартномалари тузилган. Олимларни молиялаштиш ҳар бир давлатнинг ўз зиммасида, аммо яратилган инновациялардан тенг фойдаланамиз. Бир ярим йил ичида вазирлик ҳузуридаги фонд маблағлари ҳисобидан 300 га яқин олим хорижда малака ошириб келди. Улар билим олиш билан бирга ўша давлатнинг энг кўп фойда берадиган инновацион лойиҳаларини ўрганди. Бир гуруҳ ёшларимиз Беларусга бориб келди. Шу масалада ҳудудий дастурлар бор – энг чекка туманлардаги олимлар ҳам бундай янгиликдан баҳраманд. Рағбат фақат ёш олимлар учун эмас, катта ёшли мутахассислар ҳам чет элларга бориб тажриба алмашиб келяпти. Умуман, янгилик яратиш иштиёқида кўзи ёниб турган одам борки, инновацион лойиҳа билан қайтиб келишига ёки бошқа ихтиро қилишига кўзимиз етса, ҳамкор давлатларга жўнатаймиз.

Ўтган йили инновацион ярмарка уюштириб, чет эллик ҳамкорларимиз билан 109 миллион долларлик шартномалар имзоладик. Ёшларимиз робототехника лойиҳаларини билан қатнашди. Иқтидорли ёшларимиз кўп. Турин Политехника университети қошида катта бир гуруҳ йўлайди. Ҳамкор давлатларда консултантларимиз бор. Улар доимий тарзда ўша мамлакатлардаги энг илгор инновацион техника ва ускуналар ҳақидаги маълумотни бизга етказиб туради. Қисқаси, халқаро йўналишдаги лойиҳалар доирасидаги ҳамкорлик самарали давом этмоқда.

— Мазмуни суҳбатингиз учун раҳмат.

«Гулистон» мухбири Холида ФАЙЗИЕВА суҳбатлашди.



Муҳаммад АЛИ, Ўзбекистон халқ ёзувчиси

ВАЛИАҲДНИНГ УЙЛАНИШИ

Ўн еттига кирди Муҳаммад Султон,
Уйлолмай қийналар Сароймулкхоним.
Назардан ўтади не-не моҳтобон...
Маъқул эта олмай ҳалақда жони.

Сўнг Амир Темурга ёлборар, сўрар:
«Ҳазратим, насиҳат айлангиз бир оз.
Ҳеч кимни ёқтирмас валиаҳд, қайсар,
Қудратингиз бисёр, ҳайқомғи рост!»

Амир Темур дейди: «Қудратим буюк,
Юртларни қўшамен юрган йўлимда.
Лек, икки кўнгилни қўшмоқ... о, йўқ, йўқ!
Бунга ожиздурмен, келмас қўлимдан!

Кўнгил – осмондаги эркин қушдир, бас,
Кўнгилга султон ҳам ҳоким бўлолмас!..»

БИР ҚУЛТУМ СУВ

(Турк ва Мўғул қиссаси)

Фурот соҳилида машварат кечди,
Соҳибқирон қаҳрин айлади зоҳир:
«Яна жуфтак ростлаб, қўрқанча, қочди
Ироқ ҳукмдори Аҳмад-жалойир!
Дарёга от солинг! Қувингиз шаҳдам,
Карбало даштига бош урди ғаддор!
Тутингу тегманг бир мучасига ҳам,

Соҳибқирон

Икки оғиз унга айтар гапим бор!..»
Бир турк Баҳодири, мўғул Амири
Қирқ жасур жангчини айладилар жам.
Олғир арслонлардай бари ҳайқириб
Карбало даштига қўйдилар қадам.

Кун иссиқ... Ёнади тилсиз биёбон,
Навкарлар ҳол-беҳол, ташна ҳаммаси.
Қуёш ҳам оташ, ўт ичида гирён
Зўрга нафас олар эди, чамаси.

Жимир-жимир қилар уфқнинг этаги,
Жаҳаннам сингари қовриллар саҳро.
Қўриниб ҳам қолар сувдоннинг таги,
Ёприлар ташналик, деган бир бало.

«Қайтак...» – дер тинкаси қуриган Мўғул...
Судралар тиллари осилган сағлар,
Атрофда кўринар ҳар ерда, нуқул,
Жизғанаги чиққан калтакесақлар.

«Йўқ! – дейди Баҳодир. – Йўқ бундоғ фармон!..»
Амир дер: «Азобда ўлсам, ажабмас...»
«Шундай иссиқ кунда, ноумид шайтон,
Нафасни бунчалар совуқ қилманг, бас!»

«Ёняпман... жигарим қондир бу маҳал,
Бир томчи ҳам сув йўқ, ахир, сувдонда.
Бошда қуёш ёнар, олдинда – ажал,
Омон қолмоқлигим менинг гумон-да...»

Эшитгандим, – Мўғул этади давом, –
Муҳтожга берса ким нонин ярмини,
Унга насиб бўлур «сахий» деган ном;
«Ахий», деб атарлар, берса барини.

Сиз ахийсиз, ахий, жавонмард ўғлон,
Турклар олийҳиммат, саховатли халқ,

«ТЕМУР ТУЗУКЛАРИ» ДАН

Пирим Зайнуддин Абувакр Тойибодий менга ёзмишларким: «Абулман-сур Темур салтанат юмушларидан тўрт ишни қўлласин, яъни: 1) кенгаш; 2) машварату маслаҳат; 3) хушёрлигу мулоҳазақорлик; 4) эҳтиёткорлик. Чунки кенгаш ва машваратсиз салтанатни барча қилган ишлари ва айтган гаплари хато бўлган жоҳил одамга қиёслаш мумкин: унинг сўзлари ва қилмишлари бошга пушаймонлик ва надомат келтиргай. Шундай экан, салтанатни бошқаришда машварату маслаҳат ва тadbир билан иш юритгин, токи оқибатда надомат чекиб, пушаймон бўлмагайсан. Яна шуни ҳам билгилким, салтанат ишларининг бир қисми сабру тоқат билан бўлгай, яна бир қисми эса билиб-билмасликка, кўриб-кўрмасликка солиш билан битур. (Хуллас) тadbирлардан огоҳ қилингандан кейин шуни айтиш жо-йиздиким, қатъийлик, сабр, чидамлилик, хушёрлик, эҳтиёткорлик ва ши-жоат билан барча ишларда амалга оширилгай. Вассалом».

Бу мактуб менга йўл бошловчи янглиғ раҳнамолик қилди. У менга салтанат ишларининг тўққиз улуши машварат, тadbир ва кенгаш, қолган бир улуши эса қилич билан бажо келтирилишини аңглатди. [До-нишмандлар] демишларким, ўз ўрнида қўлланган тadbир билан қўллаб лашкарнинг қиличи ожизлик қилган ҳар қандай мамлакат дарвозасини очиб, фавж-фавж аскарларни енгиб бўлур. Тажрибамда кўрилганким, азми қатъий, тadbиркор, хушёр, жанг кўрган, мард, шижоатли бир киши мингта тadbирсиз, лоқайд кишидан яхшироқдир. Чунки тажрибали бир киши минглаб одамга иш буюради.

Маслаҳатчилар ва кенгаш аҳли йиғилганда олдимиздаги ишларнинг яхши-ёмон, фойдаю зиён томонлари, уларни қилиш-қилмаслик ҳақида сўз очиб, [улардан] фикр сўрар эдим. Уларнинг сўзларини эшитгач, иш-

кетиб борар...

Буни тан олади жумлаи жаҳон,
Буни яхши билар кўҳна замин – Шарқ...»

«Қуллуқ... – дер Баҳодир беҳол, бемажол, –
Менда ҳам бир қултум сув қолди холос...»
«Саховат кўргизинг, келмаса малол,
Ўша сувни менга беринг, илтимос...»

Йўқ эса ўларман, жоним халқумда,
Дариф тутманг мендан илтифотингиз...»
Баҳодир хаёлга чўмади шунда...
Ва деди: «Ноумид бўлманг, асло сиз!

Туркнинг шаън-шукуҳи азиздан азиз,
Ўчмас бўлиб қолган диллар нақшида.
Соя, доғ тушмасин номига ҳаргиз!
Олинг! Бир қултум сув сизга бахшида!

Боқий қолсин туркнинг номи жаҳонда!
Шарафли дostonда, қонда, имонда!..»
Бор бўлсин, ушмундоқ қодир ўғлонлар!
Юрт, дея жон тиккан ботир ўғлонлар!

АМИР ТЕМУР ВА ЧОЛ

Соҳибқирон борар эди қишлоқ оралаб,
Кеш ёқдаги «Давлатобод» боғин қоралаб...

Томорқада, шундоққина йўлнинг сўлида,
Бир чол кўчат ўтқазарди, кетмон кўлида.

Саксонларга бориб қолган, мункиллаган чол,
Ҳафсала-ю меҳр билан ишларди алҳол.

«Бобо! Ҳайҳот!... – дер Темурбек. – Умр ҳам тигиз...
Кўчат қачон мева берар, тегарми оғиз...»

Худо умр ато этсун дунё тургунча,
Лек уч-тўрт йил керак бўлар мева бергунча...»

«Мева бергай, умидим бор, ноумид – шайтон!
Насиб этгай, деб турибди кўнглимда раҳмон!..»

Амир Темур нари кетар мутаассир, лол,
Чол ишида давом этар, кетмон урар чол...

Темурбек дер: «Қолдими, йўқ, бир кунлик умр,
Ёраб, чолнинг кўзларида порлаб турар нур.

Нихол экар, эрта кунга ишончи улғ,
Кўнглида ҳеч ғубор йўқдир, зарра гумон йўқ.

Ёш йигитман, ўша чолга келди ҳавасим!
Шижоати, ҳимматиға этурман таъзим!

Халқим шундоқ, ҳеч бир замон қадди буқилмас!
Кўнгли чўқмас, йўлдан қайтмас, ноумид бўлмас!

Мен шу халқнинг ўғлониман, бахтимдир бекам,
Толемини ёруғ қилган ўзи Ҳақ-эгам!

Турон элин, ҳа, дунёдан умиди бордир!..» –
Сўнг чолга зар тўла ҳамён бериб юборди...

Темурбекни орта чорлар табассум-ла Чол,
Зар ҳамённи кўрсатиб дер: «Экибоқ ниҳол,

Мевасидан, мана, тотиб турибман дарҳол!..»
Амир Темур боқар эди ҳайрат ичра лол...

Соҳибқирон кетиб борар қишлоқ оралаб,
Кеш ёқдаги «Давлатобод» боғин қоралаб....»

КЛАВИХО ВА МУЛОЗИМ

(Мирзо Улугбек тўйида)

Клавихо:

– Гўё, ҳайрат-ҳайрат ичра кўрарман тушлар,
Ҳар тарафда кўшиқ янграр, янграйди наво.
Ер куйлайди, осмон куйлар, булутлар, қушлар,
Куй, ашула, наво билан тўлмишди ҳаво!..

Мулозим:

– Жаноб элчи, ўзим ҳам лол, ҳайрон гоҳида...
Бизнинг элни яратган-да шундоқ худойим:
Чақалоқнинг илк бор айтган «инга»- «оҳ»ида,
«Дугоҳ», «Сегоҳ» оҳанглари янграйди доим!

нинг ҳар икки томонини мушоҳада қилиб, фойда-зиёнларини кўнглимдан кечирардим; унинг хатарли томонларига кўпроқ эътибор назари билан қарардим; қайси бир ишда икки хатар мавжуд бўлса, уни [бажаршдан] воз кечардим ва бир хатарлик ишни ихтиёр этардим.

Яна тажрибамдан ўтказдимки, сўзларида иттифоқлик бўлган, қилмоқчи бўлган ишларини бирор важҳ кўрсатиб бажармасдан қолдирмайдиган; агар бирор ишни қилмасликка сўз берар эканлар, қайтиб унинг яқинига ҳам йўламайдиган кишиларгина кенгаш аҳли бўла оладилар.

Тажрибамдан маълум бўлдики, кенгаш икки турли бўлур. Бири – тил учида айтилганини [шунчаки] эшитардим. Дилдан айтилган маслаҳатни эса қалбим қулогига қуярдим ва дилимга жойлардим.

Кенгаш ахлидан кимки куйиниб маслаҳат берса, қулоқ солардим, лекин кимки оқилона гапларни эрларча кескинлик билан сўзласа, уни диққат билан тинлардим.

Ҳар кимдан сўз олиб, кенгаш сўрар эдим. Лекин айтилган ҳар бир

маслаҳатнинг яхши ва ёмон тарафлари ҳақида ўйлаб кўргач, тўғри ва савоблироғини танлаб олардим.

Қайси вазир ғийбат гапларни айтса, уйдирма гапларга қулоқ солса, жабр-зулм қилса, ўзига ёқмаган кишиларни йўқотиш пайига тушса, уни вазирликдан тушириш лозим. Наслию зоти паст, ҳасадчи, кина-кек бўлса, дўсти учун жонини ҳам аямайди. Шундайки, амирларимдан қай бирлари менга жон-дили билан ҳамроҳлик қилган бўлсалар, мен ҳам улардан ҳеч нарсани аямадим.

Яна тажрибамдан билдимки, содиқ ва вафодор дўст улким, ўз дўстидан ранжимайди, дўстининг душманини ўз ёни деб билади. Агар керак бўлса, дўсти учун жонини ҳам аямайди. Шундайки, амирларимдан қай бирлари менга жон-дили билан ҳамроҳлик қилган бўлсалар, мен ҳам улардан ҳеч нарсани аямадим.

Яна ўз тажрибамда кўрдимки, ақлли душман жоҳилу нодон дўстандан яхшироқ экан.



ТҮЙ ТҮЙДАЙ ТҮЛКИН, ПЕКИН МАҲАЛЛАДА ДУВ-ДУВ ГАП БҮЛИШИ ШАРТ ЭМАС ...

Мамлакатимизда яшайдиган бир юз ўттиздан зиёд миллат ва элатнинг ўз урф-одати, анъана ва қадриятлари бор. Бинобарин, улар ҳам, юртимизга меҳмон бўлиб келадиган бошқа халқлар вакиллари ҳам тўкин-сочин тўй-маъракаларимизга ҳайрат билан қарайди. Серҳашам тадбирларимизнинг айримлариға ҳавас қилишса, баъзиларидан ажабланишади. Қадимий урф-одатларимизнинг бошқа элларда қизиқиш, покиза бир ҳайрат уйғотиши чинданам завқли. Афсуски, кейинчалик битмас-туганмас орзу-ҳаваслар туфайли турли ортиқча одатлар қўшиб-чатиб юборилгач, тўйларимизнинг суврати-ю сийрати ўз мафтункорлигини йўқота борди. Буни юз йиллар буруноқ халқимизнинг зиёли вакиллари идрок этиб, одамларни оғоҳликка чорлаганлар. Бильякс, асрлар давомида, ҳамон топган маблағимизни тўйга сарфлашдан чарчамадик. Маърифатпарвар бобомиз Маҳмудхўжа Бехбудий «Бизни кемирғувчи иллатлар» мақоласида «...Биз бўлса, бадбахтона ва Худонинг амриға бўюн қўймасдан кофирона бир суратда тўй ва азо деган, йўқ бўлушимизга сабаб бўлган одатларға бору йўқимизни сарф ва исроф этармиз», дея бонг урган бўлса, улуг адбимиз Абдулла Қодирий «Тўй» номли шеърда шундай ёзади:

*Қилди бу вақт бизда жавлон тўй,
Оқчаси йўқни этди ҳайрон тўй.
Бир-биридин ошурдилар тўйни,
Топди равнақ, ғайратила боён тўй.*

Бу фикрларнинг аҳамияти бугун ўн чандон ортса ортиди, асло камайгани йўқ. Бугун ҳам «Боён»ларнинг «ғайратила» тўйларимиз «равнақ» топмоқда. «Оқчаси йўқ»ни эса «ҳайрон» этиб, кўп ташвишлар туғдираёттир. «Худонинг амриға бўюн қўймасдан» ўзимизни ўзимиз қийин аҳволға солиб, гумроҳлик қилаётганимизни англамаямиз. Зеро, муқаддас динимизда никоҳ муносабатлариға маданият, насллар софлиги, хотиржамлик, саодат ва тараққиёт белгиси деб қаралади. Икки ўртада ўзаро ишонч ва ҳурмат, маҳрдан бошқа бирор харажат ҳақида гапирилмайди (Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуфнинг «Мукамал содат йўли» китобидаги фикрларға таянилди). Минг, икки минг долларлаб бериладиган қалин пули, тўйга сарфланадиган неча юз миллионлаб маблағ

ҳақиқатан «кофирона бир суратда» беҳуда суворилиб келмоқда. Мустақилликдан кейин буларнинг бариға чек қўйишға неча бор уриниш бўлди. 1998 йилда тўй-маросимларни тартибға солиш тўғрисида Президент қарори қабул қилинди. Қарор ижроси таъминландими, йўқми, буни кейинроқ авж олган янгича одат, ортиқча дабдабалар шундоқ намоён этди.

2019 йил 14 сентябрда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенати кенгашларининг қўшма қарори ва ушбу ҳужжатға асосан «Тўйлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимлар ўтказилишини тартибға солиш тўғрисида»ги низом эълон қилинди. Мазкур ҳужжат қабул қилинишидан аввал анча муддат халқ муҳокамасиға қўйилди.

Қўшма қарор билан тасдиқланган Низом жорий йилнинг 1 январидан қучға кирди. Унга кўра, тўй тантаналарида 200 нафар, ошда 250 (қўшалок тўйда 300-350) киши иштирок этиши белгиланган. Ушбу талаблар бузилган тақдирда тўйбоши ва тўйхона эгалари Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексға киритилган ўзгаришға мувофиқ жаримаға тортилади.

Хўш, бугун ушбу қарор ва Низом талаблари бажарилаяптими? Бу ўзгаришлар ўзини қанчалик оқламоқда? Саволларимизға жавоб излаб, жойларға мурожаат қилдик.

Андихон вилояти Балиқчи тумани «Ўртақўрғон» МФЙ раиси Хурсандбек Исмонов:

– Авваламбор, ФХДЁ органлари берган тақдимномаға кўра, икки томон билан суҳбат ўтказамиз. Ёшлар ва бўлажак қудалар бир-бирларини қанчалик билади, тўй ташвиши мобайнида ёки кейинчалик ортиқча гап-сўз чиқмайдими, шуни аниқлаб, сўнг маълумотнама ёзиб берамиз. Шундан кейин тўйни ўтказиш бўйича маслаҳат бўлади. Қишлоқ одамлари содда, ишонувчан, бир қадар бўйсинувчан. Қарорни, қонунни, мақсадини оддий қилиб тушунтирсангиз, кўнади. «Тўйға кетадиган харажатнинг ярмини ўғил-қиз, неваралар келажакки учун ғамланг. Эртаға зарур бўлганда ўқиш шартномаси маблағини қаердан, қимдан оласиз? Шу ҳақда ҳозирдан бош қотириш керак!» Шу сингари гаплар етарли бўляпти. Келин оғир оёқ бўлганда, чақалоқ олиб келганда, аввалгидек ота-онасиға оғирлиги тушмасин. Бу ўғилнинг бурчи, бу ҳақда амри маърифда неча бор эшитгансиз, десангиз бир оз бўлса-да, ори уйғонади. Куёв бўлмиш йигитларға ҳам фурсатини топиб, бурчларини англаятяммиз. Ҳар бир ҳудудда йигитларнинг бошини қовуштириб турадиган сардорлар бор, улар орқали ҳам таъсир ўтказиш мумкин. Қишлоқнинг шаҳардан фарқи – ҳамма бир-бирини танийди, бир-бирининг тўй-маъракасида бирга. Шунинг учун тадбирларда одам сонини бирданиға камайтириш осон кечмаяпти. Маҳалламизда йил бошидан бери ўндан зиёд тўй ўтди. Тарғибот ишларимиздан кейин бу тўйларда одам сони анча камайди. Бошқа харажатларни ҳам қисқартиришға эришяммиз. Айниқса, хотин-халажнинг олди-бердисиға бирмунча чек қўйилди. Келин томонға тушадиган оғирлик – уй жиҳозлари, мебеллар, тўйдан кейинги тоғора, йўқлов жўнатишлардан воз кечилаяпти. Маҳалламизда яна бир яхши анъанани йўлга қўйдик: бўлажак келин-куёв ўз дастхатини ёзиб, кутубхонамизға биттадан китоб топширади.

Кейинчалик уларнинг фарзандлари ушбу фонддан фойдаланади, албатта. Ҳозирча ўқувчи ёшлар, баъзан катталар олиб ўқишяпти. Фондимизда мингга яқин китоб тўпланди. Китобхонларимиз сафи ҳам кенгаймоқда...

Ҳа, балли, оммалаштиришга арзигулик анъана экан. Бу-ку яхши, тўйу тантаналардаги харажатларни камайтириш учун яна нима қилиш керак ва қачон бунга тўла эриша оламиз?

Жараёнда тўйхоналардаги аҳвол билан танишиб, қуйидаги маълумотларни олдик.

– Янги йилдан буёғига бизда 200-220 кишилик тўйлар бўлиб ўтяди. Афсуски, тўй қилаётганларнинг кўпчилиги бундан қониқаётгани йўқ, – дейди **Тошкент шаҳри Юнусобод туманидаги «Шоҳсарой» тўйхонаси директори Азиз Жалилов.** – Тантаналарни ихчам, камҳарajat қилишга уринишлар бўляпти, аммо бу қанчалик амалга ошаётганини айтиш қийин. Аввал 400-500 кишилик тантанада одам сонига юз минг сўмдан тўланган бўлса, бугун 200 кишилик тўйда 120 минг сўмдан тўлашяпти. Ахир, тўйхона харажатлари (газ, сув, электр) шуни талаб қилади. Нархни бироз оширишимизга қарамай, даромадимиз тушиб кетяпти. Ёмон томони, ходимларимизнинг ярми ишсиз қолимоқда. Биргина «Шоҳсарой»нинг ўзида 80 ходимдан 35-40 кишини ишдан бўшатишга тўғри келди. Бошқа тўйхоналарда ҳам худди шу аҳвол. Зўр ошпазларимиздан уч нафари Дубай, Қозғистон, Россияга жўнаб кетди. Бу нафақат бизга, давлатга ҳам фойда келтирмаяпти, чунки солиқ икки баравар тушиб кетди. Тўйхонамиз очилганига беш йил бўлди. Ўтган вақт мобайнида ўртача 300 кишилик тўй ҳеч кимга зарар етказмаслигини билдик...

«Яккасарой», «Регистон» тўйхоналари вакиллари ҳам шунга ўхшаш фикр билдиришди.

Вилоятларда-чи, худудларимизда ушбу қарор ижроси қай даражада бажарилмоқда?

Навоий шаҳридаги «Дийдор» тўйхонаси матмури Музаффар Очиллов йил бошидан буён 250 кишилик бор-йўғи битта тўй ўтказгани, 700 ўринга мўлжалланган ушбу қосонага мурожаат жуда камлигини билдирса, **«Фирдавс» тўйхонаси иш бошқарувчиси Улугбек Холлов** ташвиши янада каттароқлигини маълум қилди.

– Шу пайтага қадар ҳам Бухоро ва Навоийда тўйлар ўртача ўтган. Одам сони кўп бўлса-да, пул сочши, келин-куёв навкарлари ва бошқа шунга ўхшаш ортиқча ҳолатларни кўрмадик, эшитмадик. Йил бошидан буён бизга битта ҳам мурожаат бўлмади. Яхши ошпазларимиз Россияга кетиб қолди. Шунинг учун тўйхонани бузиб, бошқа бирор хизмат кўрсатиш масканига айлантириш учун таъмирни бошладик. Одам сонини қисқартириш билан бирга урф-одатларимизга тўғри келмайдиган дабдабозлик, ўзини кўз-кўз қилиш, дастурхондаги ортиқча чикимларга йўл қўймаслик учун назоратни кучайтириш зарур, деб ўйлаймиз...

Халқимизда дуо ўрнида айтиладиган «Топганинг тўйга буюрсин», деган гап бор. Бугун кўпроқ шунга амал қилаётимиз. Дуо замирида тўйдан бошқа ҳам кўпгина яхши ният борлигини биламизми? Билсак нега ўғил-қизларимизга «Ўз кучингга ишонмасанг, ўқишга ҳужжат топишириб ўтирма, контракт тўлагандан кўра, жойинг чиқса узатиб (ёки ўйлантриб) қўя қоламан», деймиз? Юртимиз, халқимиз олдидаги бурчимиз, қолаверса, бугунги даврнинг талаби шунинг ўзимиз? Ота-онанинг этагидан тугиб ўтирадиган ёшларни ҳозирги замон қабул қила оладими?

– Давлатимиз раҳбари деярли ҳар бир маърузасида ёшларга алоҳида эътибор қаратади, – дейди **Олий Мажлис Сенатининг Ёшлар, фан, таълим масалалари қўмитаси раиси ўринбосари Дилором Тошмуҳамедова.** – Мамлакатимиз аҳолисининг ярмидан кўпини ёшлар ташкил этади. Бугун уларнинг илм олиши, касб маҳоратини ошириш учун сарфланган инвестиция эртага бутун республикамиз, жамиятимиз равнақи учун фойда келтиришини англашимиз керак. Ёшлар қаерда тарбияланиб, шаклланиди – асосан оилада. Шунинг учун ҳам давлатимиз раҳбари оилалар билан тизимли ишлаш тамойилларини кўрсатиб берди. Бугун юртимизда инновацияга, илм-маърифатга интилаётган ва юқори чўққиларни забт этаётган оилалар кўпайгани қувонарли. Шу билан бирга, борини тўйга сарф қилиб, орзу-ҳавасни устун қўювчилар ҳам бор. Тўғри, тўй – оилавий, миллий қадриятларимиздан бири. Ҳар биримиз фарзандларимиз тўйларини кўришни истаймиз. Айни шу борада кенг муҳокамалар ўтказилди. Олиб борилган тадқиқотларимиздан маълум бўлдики, ҳали ҳам орзу-ҳавасга таяниб иш қўриш, у ёки бу жараёни кўз-кўз қилиш, шу билан ўз оиласининг ижтимоий мақомини кўтаришга уринишлар бор. Бу кўпроқ катталар, аниқроғи, аёллар ҳиссасига тўғри келяпти. Сўровлар мобайнида олди-бёрдилар вақтида бажарилмаса, у ёки бу томон камситилиб қолиши мумкинлиги, шу боис булар мажбурий даражасига чиққани маълум бўлди. Хўш, нима қилиш керак, шу аҳволда давом этаверамизми, деган саволимизга ёшлардан ижобий фикрлар олдик. Тўйга сарфланадиган маблағни уларнинг келажагига, илм олишига йўналтириш ва камчилик билан бир кунлик тўйлар қилиш кераклиги ҳақида мулоҳазалар билдиришган. Бундан кўринадики, серхаражат тўйлар ўтказилаётганига фақат биз катталар сабаб бўляпмиз. Бир пайтлар ота-боболар, зукко аёлларимиз ўз фарзандларига оила илми, катта кичикка муносабат тўғрисида ўғитлар беришган. Бугунги келин ёки кувининг ушбу илми эгалламагани оқибатида ортиқча харажатлар билан ўтган тўйдан кейин бир ой ўтмай, келишмовчиликлар келиб чиқиши шундан эмасми? Келинг, яхшиши, фарзандларимизга илму одобда намуна бўлайлик...

Чиндан ҳам ҳар бир ишда меъёр бўлиши керак. Тўйхона эгалари ўз фойдасини, тўйбоши хад билмас орзу-ҳавасини ўйлаб, шу залда давом этаверса, мувозанат бузилмайдими? Олам мувозанат устига қурилганидек, тўй-тантанада ҳам посанги бир томонга оғдими, натижа кутилганидек бўлмадлиги аён. Меъёр талабларини бузиб, ҳаддимиздан ошдикми, ўша давранда файз, маза қоцади, безътиборлик, беқўнимлик пайдо бўлади. Оқибатда кўпнинг кўнгли тўлмайди, келган-кетганинг хурматини қозониб бўлмайди. Мухими, йиллаб тўллаган маблағимиз бир кунлик ҳою ҳавасга исроф бўлади. Наҳотки, бор-йўқ истагимиз шу бўлса... Аввало, тўғри ният қилишни ўрганишимиз керак. Фарзандларимизга катта тўйлар қилайин, дейиш ҳам яхши ният, албатта. Аммо бугунги давр учун бундай ўта жўн истакнинг ўзи етарли эмас. Ўғил-қизларимиз инсониятнинг қай бир муаммосига ечим топадиган олим, халқларни, миллатларни бирдамликка қақирадиган дуо сўсатчи бўлсин, дея ният қилганимиз тузуқ эмасми?! Биз йўл қўйган хатоларни фарзандларимиз такрорламасин, бизга армон бўлган илм чўққиларини улар эгалласин, десак, мақсадга мувофиқ бўлмайди? Зеро, улўғ муҳаддис Имом Бухорийи бобимиз айтганларидек, нажот фақат илмдадур...

Холида АҲМАДЖОНОВА



Сеникиман, сенга мухтожман

Насрий назмлар



ҚУШЛАРДАН ҲАМ РАШК ҚИЛАДИНГ

Кеча бошқа эди дунё! Биз ҳам бошқа-ча эдик... Сен ерни кўтариб югуришга тайёр эдинг... Бемалол кўтара олардинг. Мени менга қулиб қараган қушлардан ҳам рашк қилардинг. Эсингдами, бир кун нима дегандинг? «Айтмасам бўлмайди, ҳаётимда сенга бир мартаба ёлгон гапирганман!» Сенга сездирмасам ҳам, тўғриси, қўрқиб кетдим. «Қандай ёлгон эди у?» – зўрға овозим чиқди.

«Мен сени рашк қилмайман, деганимда ёлгон гапиргандим...» Сенинг қаҳва рангига ўхшаб кетадиган киприкларинг пирпираб турганида, менинг юрагим қандай аҳволга тушганини тасаввур қиладиган ҳолатда эмасдинг. Мен эса осмонни бағримга босгим келарди. Қўчоғимга ботиб кетган юлдузларни қўлларим билан ушлаб қўрарканман, ойни елкамда бир кафтгина бўлиб турганини ҳис қилардим. Ва лабимни унинг юзларига яқинлаштирарканман, сенинг кўз узмай турганингни кўриб, қулиб юборардим. Ой ҳам тушунарди... Юмшоқ қўллари билан менинг бўйнимга осилган кўйи сенга қараб тураверарди... Ойнинг бу эриқдан жазавога тушган юлдузлар қизариб кетган кўйи бирин-кетин ўзларини ерга отганда бағрим бўша қолган бўлса ҳам юрагим тўла сен эди. Мен атрофга мағрур нигоҳ ташлардим. Сени билан ёнаётган юрагимга киприкларимни ўтин каби қалаётган шамол гирдиқалалак бўлиб атрофимизда айланарди... Биз бошқача эдик... Бунга ҳатто дарахтлар ҳам сезарди! Бизнинг бошқачалигимиз нимада эди, айта оласанми? Биргина сабаби бор эди бу бошқачалиқнинг... Сенда мен бор эдим! Менда сен бор эдинг! Бўлди... бошқа ҳеч нарса эмас! Бугун эса... ҳамма нарса ўз жойида турибди. Осмон осмонга айланган. Юлдузларнинг нигоҳлари бошқа тарафда! Ой ўзини осмонда тутаётгандек... Биз ҳам оддий одамлар қаторидамиз! Кейин... кейин билиб қолдим, менда сен йўқ эдинг! Сенда мен йўқ эдим. Худдики ҳеч қачон бўлмагандек!

МЕН СЕНИ ХУДОДАН СЎРАБ ОЛГАНМАН

Мен сени Худодан сўраб олганман! Кечаю кундуз сўраганман... Сен келгунча умрим етмай қолишидан қўрқиб, бетоқат бўлиб сўраганман! Ўлим келиб қолишидан қўрқиб-қўрқиб сўраганман. Ҳа, айтгандай, ўлим келса ҳам сендай келсин! Қаердан келга-

нини билмай қолайин... Ва уни ҳам севиб қолсайдим, зора. Худди сени севаган каби... Мен сени Худодан сўраб олганман!

Сен шундай келдинг...

Сен шундай келдинг...

Мен сенинг йўлинига югуриб чиқдим... Булар унчалик ҳам қизиқ эмас... Қизиги, мен сени умримнинг қаерида қутиб тургандим? Сен қаерда пойлаб тургандинг? Икони бўлиши билан кириб келишни кўнглинга туққанмидинг? Мен эса сенга югуриб пешвоз чиқишни ўйлаганимдими? Қандай содир бўлди бу ҳолат? Еки биз актёрларимизи сахнада роль ижро этаётган? Бизлар киммиз? Юрагимиз – дунёнинг қайси-дир бурчагига жойлашган севиғи мамлакатими? Асло Худони айбаламайман! Худо айбдор эмас! Лекин унинг хоҳиши ҳеч нарса бўлмайди-ку... Бу ерда бир сир бор! Нимадир мақсад бор! Мени уйқусиз қилиб яратган Оллоҳ сени менга бекорга дуч қилмади... Сен қўрқма... Оллоҳнинг ишлари қўрқинчли эмас... Оллоҳ ҳаммасини билади... Изтироб, йиғи, соғинч билан ўтаётган бу кунларнинг ҳам ажри бордир! Шунчаки берилмагандир бу кунлар... Шунчаки келмагандирмиз дунёга! Зеро, менинг ҳаётим туғул уйимга ҳам ўйлаб қадам босадилар... Қулоғинга пичирлаб айтаман, яқин келолмай-дилар! Сен шундай келдинг! Қўрқмай келавердинг! Хуш келибсан севиғи мамлакатига!

Сен бирор шаҳарнинг эмас, менга бирор дарахтнинг номини айтгин эди, мен учиб борардим!

Сен менинг ҳаётимга шунчалар катта куч билан кириб келдингки, мен сени ундан ҳам катта тўлқин билан сева бошладим. Бир кунда ҳамма нарса ўзгариб кетди... Бутун дунёни яхши кўриб қолдим. Дарахту қушларгача меҳр кўйдим, атрофимдаги жамики жонли-жонсиз нарсаларни сенинг муҳаббатинг билан кўра бошладим! Шундай тоза эди ҳамма ёқ. Шундай озода эди ҳамма томон. Бутун борлиқни севиб қолишим учун биргина сенинг кифоялигинг жуда қизиқ туоларди менга. Дунёмиз ўхшашми, осмонимиз бирми? Бундай кайфиятда ер қаҳида ўйлаш ёқмайди... Қаерда эдинг шунча йил, қандай пайдо бўлдинг тўсатдан!? Ақлимга сигдирилмайман! Тўғриси, ақлдан озганман...

Яшаганимдими ўзи? Бу дунёда борлигим ростмиди? Неча йиллик ёзмаган кунларим эвазига Худо сени қалам каби туққаздим менинг қўлимга? Сен муқофотмисан ёки жазоми?

ОСМОНЧА ЯХШИ КЎРАМАН

Бугун яна амин бўлдим! Бугун яна иймон келтирдим, сени ўзимдан кўпроқ яхши кўраман. Соҳимдан тирноғимга ҳамимирлаб турган жоним қаҳи, сени бу дунёдан ортиқроқ

яхши кўраман! Болалигимда дадам кўчадан келган заҳотлари мени ачмлаб, мени қанча яхши кўрасан, деб сўрадилар. Мен осмонни кўрсатардим! Бу осмонча яхши кўраман, деганим эди. Қанча кўп яхши кўришимни кўрсатишинг бу турини ўзим ўйлаб толгандим. Дадам хурсанд бўлиб кетарди. Мени кўтариб, осмонга яқинлаштирмоқчидек қўлларини юқорига чўзарди! Менга бу ҳолат жуда ёқарди. Мен ўзимни осмонда ҳис қилардим... Бугун эса ердан пастдаман! Қўлларимни сенга чўзаяман! Бармоқларим ҳавода рақс тушаётган қушларга ўхшайди. Фақат йиғлаб рақс тушаётган қушлар... Кўз ёшлари тушган жойини куйдирадиган қушлар. Қуёш ивиб кетди, ер илма-тешик! Ўзим адоий тамомман! Соғинчдан ўлай деб юрган кунларимдаги бу шафқатсизликдан ўзимга келолмайман. Улиб қоламан бу аҳволда, ачинамайсанми, раҳминг келмайдимми? Кўчадаги мушукчаларга раҳминг келарди-ку, наҳотки, бир мушукча йўқман!

ЯШАБ ТУРИШ УЧУН ИМКОН БЕР

Қўлларингни менга чўз, азизим, мен сенинг қўлларингни йўқотиб қўйяпман! Мен уларсиз қандай яшайман. Мумкинми, ахир? Ҳаётинг чиқиб кетаётган кунларим улар мени ушлаб қолмаганимди? Бугунгача, бугунгача яшаб туришим учун менга имкон бермаганимди бу қўлар! Мен яна... кетиш тадоригидаман... мени бошқа кўрмайсан! Еки сени бағрибми, айт, ўзингдан эшитай шу сўзни! Ундан кейин менга ҳам бағриб бўла қолсин! Ҳозирча... ҳозирча мени кўзларинг ва сенинг хотираларинг ушлаб турибди... Қўлинигиз узат... Менинг сенга узатган қўлларим қўруқ қайтмасин, озгина яшаб туриш учун имкон бер! Қара... қўлларим сен томон узаниб турибди, қара...

СЕН ТУФАЙЛИ ҲАЁТ ДУРГА АЙЛАНДИ

Дунёга қачон келгандим, эсимдан чиққандай... Яшаётганим унутилгандай! Сен қаердан келдинг ёмғир ёғаётган пайт? Қайси шамолларнинг этагидан тушиб қолдинг? Менинг ижодим сени мафтун этган кун мен анча узоқда эдим... Сенга яқин эдим ўзимдан.

Ҳаёт қилтанокли балиқ эди, мен уни қанча ушлаб туришим керак эди қўлимда, айт! Унинг ўзини кўтариб уришларига қанча вақт дош беришим ва қанча вақт чидашим керак эди, айтавер! Айтганингни қиламан, дунё! Қўлларимда тилпирчилаётган ҳаётни кузатиб туриш оғир... Унинг қўзинга санчилиб турган юрак товуши, жавдирарган қорачиқларига бир дақиқа бўлсин, бедарқ бўлишини иложи бўлганда эди,

орқа-олдимга қарамай жимгина кетардим... Кетсанг, йўлларингни кесиб чиқаман... нигоҳлар найза отади. Қўлтаноклар камонга айланади... Ва ўша пайт шаффоф ёмғирлар ичидан марварид томчиларни елканга ортиб сен чиқиб келдинг! Мен қўлқў қилдим! Бошимни хиёл олдинга эгиб, салом бермоқчи бўлдим. Овозларим қалтираб кетди... Ўзини кўтариб отаётган ҳаёт қўлларимдан чиқиб, ўзини ерга урди. Ер қон рангидан бироз жижолат эди. Кўзларимни сенга тикдим! Нимадир дейишингни кутдим. Сен эса жуда бепарво эдинг... Елканга ҳалиям кўтариб турган марварид томчиларинг бирдан ёдингга келиб қолгандай, секингина ерга туширдинг... Осмон ярақлаб кетди... Оёғим остида хайрлашаётган, жон таслим қилаётган ҳаёт яшин тезлигида дурга айланади ва ҳавода ҳаёт расмини чиза бошлади... ва шунча одамлар ичида мен сени танидим!

ЎЗИМДАН ҲАМ ЯҚИНДАСАН

Яна сенга келдим, денгиз! Сендан ҳам кўпроқ ҳаяжондаман. Юрагининг тўлкинлари мени бу дунёдан бошқа дунё соҳиллари томон отажак. Атрофимда айланаётган кушларнинг кўзларида ёш кўрдим. Бу қандай оташ эдими, тушган жойини галвир каби тешиб юборадиган? Атрофидан бир ўзим телбаларча тентрайман... дарбадарларча кезинаман! Шамолларга бошимни уриб олганимдагина бир нафас олгудек лаҳза ўзимга келаман ва сенинг нафасингни ҳис қиламан... Сен менга ўзимдан ҳам яқиндасан!

КЎЗ ВА СЎЗ ҚУРБОНЛАРИ!

Дунёда ҳамма нарса унутилади... Ҳамма нарса эсдан чиқади! Унутиш мумкинмасдай туюлган энг яхши хотиралар ҳам йиллар ўтгани сайин ўтмиша айланади. Лекин сенинг кўзларингни унутиб бўлармикан? Мен ўшанда ҳам бу кўзларга қарашга кучим етмаганди... Эрта-лаб сени қандай рад этган бўлсам, ҳеч қанча вақт ўтмасдан, мен сенинг итоаткор қўлингга айланган эдим. Эсингдами? Мени учун, деб ўйласан? Ҳеч ўйлаб кўргангисан? Ушанда сенинг кўзларинг менга кўл нарсалар ҳақида гапирди! Кўзингдан тушган ҳар бир юлдуз сўзга айланди... Мен эса шу сўзларнинг қурбонига айландим... Энди иккимиз ҳам бир умр шундай яшайми! Кўз ва сўз қурбонлари!

СЕН ЭҶТИЁТСИЗСАН

Нега учаётган юлдуз ерга тушмайди? Сен мени фан билан алдамоқчи бўласан. Нима?... Йиғлаяманми? Йиғлаган бўлсам, шунчаки йиғлаяман. Сени деб эмас. Кўзларимга тўлган ёшлар — ўша сен билмай учириб кўйган юлдузлар. Сен эҳтиётсизсан. Қўлингда турган нарсани ҳўхлаган вақтингда ташлаб юбораверасан. Бу ўйин сенга ёқадигандек туюлади менга. Мен ҳам сендан ўргандим, шекилли, қанча ҳаракат қилмай, кўзимдаги ёшларни тўкиб кўявераман оёқларинг остига.

ОДАМ ШАКЛИДАГИ ФАРИШТАМ!

Дўзах азоби балки шудир! Бошимдан оёғимга қадар ёнди. Ҳар замон нарсиллаб овоз чиқарганда ёки руҳим ташқарига учиб чиқаётганда ҳам атрофга боқиб сени қидирдим! Қаердасан? Теваракка боқиб, ҳеч нарсани кўра-

ётганим йўқ! Бу ердаги ҳаёт қаерда? Наҳотки, ҳаммаси сен билан кетган бўлса? Наҳотки, ҳаммаси сен билан тугаса?

Ахир, бундай бўлиши мумкинмас! Одамнинг шу қадар соғиниш мумкинми? Ўлай агар, ўлиб қолишим мумкин! Энг кизиги, айни шу аҳволимда сенга кўрингим ҳам келмайди! Кўрим келади фақат! Ҳозир кўчада кетаётган бўлсам-у, сен билан тўқнашиб кетсам, ўлиб қоладиган аҳволим бор. Руҳим жуда хароб! Уч кундир кўз ёшларим тинмади. Уч кундир кушларнинг овозлари ҳам менга телефон кўнгироқлари каби эшитилади. Кафтларимда эзгилавериб киртайиб кетган киприкларим орасидан оқиб тушаётган нарса қонми, кўз ёшими, билмайман! Қалбим тилка-пора, юрак яраланган куш каби типирчилайди. Бу шунчаки севиги эмас. Сираям шунчаки севиги эмас. Агар бу одамларнинг севиғисга ўхшаган севиги бўлганда бу қадар кўйдириб юбормасди, бу қадар жаҳаннам оловига ташламасди... Бунда нимадир бор! Бу муштоқлик издохимида нимадир яширин! Балки Ўзининг нигоҳидир! Балки Яратганинг бизлар учун навбатдаги иноятидир, билмайман. Фақат бир нарса, ўзини тушунай турган вақтларим сен мени тушунишга ҳаракат қилсан, яхши сўзлар айтиб юпурсанг, баттар жазавага тушаман! Ўзимни ўлдириб кўйгим келади. Ё Худойим, сени ялинган, ёлворган ҳолда кўриш менга осонми? Менга осон деб ўйлайсанми, сенинг кўз ёшларингни кўриш!? Ўша кун эслайсанми, қаергадир кетаётгандинг, мен сени ташқаригача кузатиб чиқдим! Машина сени олиб кетгандан кейин хонамга бир ўзим қайтдим. Бир ўзим! Эсингдами, мен бу дунёда бир ўзим қолгандим! Бир ўзим! Ҳеч ким йўқ эди бошқа. Ҳеч ким! Тасаввур қилясанми? Кўзимдан оқаётган ёшнинг охири йўқ эди... Сал ўзимга келиб қарасам, ёстиқларим ивиб кетибди. Нима қилишни билмасдим.

Мувозанатсиз қолган куш эдим. Ҳавода илиниб турардим. На осмоним бор эди, на ер! Ҳатто кўл-оёқларим ҳам ўзимники эмас эди. Ёнимда шалвираб турган бармоқларим кимнидир сўраётгандек. Кўзларим атрофдан кимнидир қидираётганини яққол сезиб тураман. Индамайман! Ёшлигимда нимагадир дадам мени «Одам шаклидаги фариштам», деб эркатлардирлар. Мен бу сўзинг маъносини катта бўлганимдаям тушунмадим. Шу бугунги кўз ёшларим ҳақи, соғинчнинг чидаб бўлмас азоби дадамнинг ўша сўзларини яна ёдимга солди: Одам шаклидаги фариштам!

РУҲАН СЕНГА КЕТИБ БЎЛГАНМАН

Кимнидир жуда қаттиқ яхши кўраман! Жудаям! Ҳаммадан бир-бир кўз олдимга келтираман... Сенга келганда тўхтаб қоламан, қиёфасиз севигим! Сени қандай тасаввур қилишям билмайман, севигимни қандай билдиришним... фақат кўлимдан келадигани, руҳан сенга кетиб бўлганман! Сеникиман ва сенга мухтожман!

ҚОҒОЗГА ЁЗИЛГАН СЎЗ, ДЕБ ЎЙЛАЙСАН

Сен мактубни оддийгина қоғозга ёзилган сўз, деб ўйлайсан, шекилли, унчалик ҳам аҳамият қилавермайсан! Мен мактуб ёзганимда томиларим узлишини билармикансан? Сочларимнинг оқаришини-чи? Сенинг исмингни ёзганимда овозларим бўғилиб қолишини се-

засанми? Ҳа, айтгандай, ўшандай тунларда овозларим сенга эшитиладими? Сенга мактуб ёзаётганимда, исмингни пичирлаб айтсам ҳам, бутун дунёга акс-садо берадими, бир сени эшитилмай қолиши мумкин эмас... Мен сени ўқийганимда, сенинг овозинг билан ўқийман, ишонсанми? Мақтубингни ўқиб бўлганимдан кейин ҳам кун бўйи овозларинг муаззин каби эшитилиб туради... қўлоқларим остида... Бу нима дегани? Бу қандай саодат?!

ЭРТАГА АЛБАТТА ЁЗАСАН, ДЕБ АЙТ

Сенга суяниб ўзини кўтармоқчи бўляпман, зинҳор ўзингни олиб қочма — таскин бер! Бугун ёзмасанг, эртага, албатта, ёзасан, деб айт. Ёзишмига мени ишонтир. Менинг ҳаётимга сен шахдам қадамлар билан кириб келганинг йўқ, сен мен билан бирга турилгансан. Тўғри, сен урушда бўлдинг, мен эса курашларда омон қолдим. Йўлларим дўстларим ўйлаганчалик равоан эмас. Баъзан йиқилиб ўлишга, баъзан ўлиб йиқилишга тўғри келади. Мен ҳар куну имрининг қайсидир йўллари билан хайрлашгим, қайсидир йўллари томон кетиб қолгим келади. Оғир сукунати билан ўлимни эслатиб турувчи тириштириш хоналарига сенинг ёш томчиларинг киприкларинга осилиб тирилганман. Бирдан тирилиб қолганимни кўрган шифокорлар ёқа ушлагача боришган. Мен бутун борлиқни ўша кундан кейин яхши кўриб қолганман. Дарахларидан тортиб кушларигача юрагимга қамаб қўйганман. Дунё билан келишолмай қолган кунларим мен сенинг юрагинга руҳатсиз қирай, изн бер. Изн бер, мен сени олдингидан ҳам кўпроқ муҳаббат билан севай.

БИР ОСМОН СОҒИНЧ

Сени соғиняпман! Бу соғинчдан ўлиб қоладигандайман гўё! Юрагим янаям оғирлашиб кетган, мени буткул адоий-тамом қилаётгандай... Ҳаётимдан ташқарига чиқиб, қаергадир югуриб кетгим, овозимнинг борича қунонам деб солиб, исмингни айтиб чинқиргим келади! Қаердасан? Менинг овозим етиб бормайдиган жойдамасан, қаердасан? Бир осмон соғинчни кўтариб келаётган юрак ўлиб қўя қолмаганига ёқа ушлайман. Демак, сабрни ҳам Ўзинг берасан! Тоқатни ҳам...

ХУДО ДЕБ ЮРГАН КУНЛАРИМ...

Худо деб юрган кунларимнинг бирида сени учратдим. Бу дунёда кўрган одамларимнинг ҳеч бирига ўхшамаслигинг диққатимни тортиди. Сен мағрур ва жудаям ғамгин эдинг, маънос термуларди кўзларинг! Сен бу дунёда урушлар ичида яшаётганга ўхшардинг. Менинг раҳим келарди сенга! Туну кун сени урушдан тортиб олиш, менинг дунёмга қайтариш ҳақида ўйлардим. Албатта, бунинг ўзи бўлмади! Сенинг дунёнгга неча бор кетиб-келдик... Яхшиям, у кунлар биз яшаб қолдирган кунларда қолди. Сен жудаям беғубор эдинг... Йиғлагим келарди сенга термулиб. Айниқса, киприкларинг менга жуда ёқарди. Кўзларингга айланаб бўлган кунларим мендан бахтли одам бўлмаган! Ва бугун ҳам мендан бахтлироқ одами кўрмадим... Муҳаббат бизга бу дунёни кўрсатмади... Фақат Унинг борлигини ҳар нафасимизда ҳис қилиб яшадик. Худо, деб юрган кунларимнинг бирида сени учратдим... Сен ҳам ўша кунлари Худо деб юрганмидинг?!



қимматли фикр-мулоҳазаларини тинглаш жуда мароқли бўлди.

Эрталаб Алишер Навоий ҳайкали пойида ташкил этилган тантанали маросимга йўл оларканмиз, машина шаҳарнинг юксак қисми сари ўрлаб бораётганини сездик. Шу пайт Нурбой ака эсда қоларли сўз айтди: «Навоийга етиб бориш учун киши ҳам жисман, ҳам маънан юксалиши шарт!»

Манзилга – Озодлик шоҳқучаси ва Нажаф Наримонов кучаси кесишмасида жойлашган, байрамона безатилган мўъжаз хиёбонга кириб борарканмиз, нигоҳимиз жуда таниш ва қадрдон нуруний сиймога тушди – Алишер Навоий бобомиз гўё бизга қараб: «Хуш келдинглар, азиз дилбандларим!» деб тургандек эди.

Гул сочар ел боғ аро, сарви равоним келдимۇ?

Жон иси гулдин келур, ороми жоним келдимۇ?

Ёрқин таассуротлар билан Озарбайжон Миллий илмлар академиясига қарашли Низомий Ганжавий номидаги Адабиёт институтига йўл олдик. Анжуман аввалида бу ерда Алишер Навоий меросини тадқиқ этувчи илмий марказ очилди. Қўтлуг даргоҳга Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси томонидан чоп этилган юздан зиёд ўзбек адабиёти, хусусан, Навоий ижодида оид китобларни тақдим қилдик.

«Алишер Навоий адабий ва илмий меросининг ўрганилиши» мавзусидаги халқаро илмий конференцияга озарбайжонлик дўстларимиз жиддий тайёргарлик

Гул сочар ел боғ аро...

Озарбайжон Республикаси пойтахти Боку – Кавказдаги энг катта шаҳар. Каспий – Ҳазор денгизининг энг йирик порти. Улкан маданият, sanoat, иқтисод ва илмий тадқиқотлар маркази.

Ўзда тарихий ва замонавий руҳни мужассамлаштирган пойтахтлар қатори Бокуда ҳам Алишер Навоийнинг улғувор ҳайкали қад кўтарган. Бу шаҳар нафақат маъмурий, балки адабий-ижодий бошкентлардан бири саналади. Фарбу Шарқнинг машҳур ёзувчи, шоирлари бу афсонавий шаҳарга талпинганлари, бу ерда гўзал бадиий асарлар яратганлари бежиз эмас.

Жорий йил февраль ойининг учинчи ўн кунлигида, бунун дунё бўйлаб навоийхонлик қизғин давом этаётган бир паллада Алишер Навоий мероси тадқиқига бағишланган илмий анжуман доирасидаги тадбирларда иштирок этиш учун ўзбекистонлик бир гуруҳ зиёлилар Озарбайжон пойтахтига йўл олдик.

Сафар қандай кечиши йўлга ким билан чиққишга, ҳамроҳларга ҳам боғлиқ. Шу маънода бу гагли сафаримизни маърифий саёҳат дейиш мумкин. Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети ректори, филология фанлари доктори Шухрат Сирождидинов, филология фанлари докторлари Боқижон Тўхлиев, Нурбой Жабборов ва филология фанлари буйича фалсафа доктори Олимжон Давлатовнинг нафақат анжуман чоғида, балки йўл бўйи турли мавзуларда ўртага ташлаган

Хиёбонда озарбайжонлик адиблар, олимлар, талаба ёшлар, шунингдек, Ўзбекистон ва бошқа қардош мамлакатларнинг Озарбайжондаги элчихонаси вакиллари, бир сўз билан айтганда, Алишер Навоий ижоди ихлосмандлари тўпланган. Кун биров салқин бўлишига қарамасдан, ҳаммамизни қайноқ ҳиссиёт – дунёнинг энг буюк шоирларидан бири сифатида эъзозланувчи муҳатарам зотга нисбатан меҳр ришталари боғлаб тургани юз-кўзлардан аён.

Навоий ҳайкали теграсида ҳилпираб турган Ўзбекистон ва Озарбайжон Республикалари давлат байроқларидаги бир-бирига яқин ранглар кўнглимиздаги уйғун туйғуларнинг инъикосидай эди.

Маросимда Ўзбекистон Республикасининг Озарбайжондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Шерзод Файзиев, Озарбайжон Миллий илмлар академияси биринчи вице-президенти, Низомий Ганжавий номидаги Адабиёт институти директори Иса Ҳабибейли ва камина Навоий ижодий меросининг бугунги кундаги аҳамияти, буюк шоирнинг барча халқларни, жумладан, туркий улусларни дўстлик байроғи остида бирлаштириш йўлидаги муҳим ўрни хусусида сўзладик. Ўзбек ва Озарбайжон ашулалари, жажжи қизалоқлар ижросидаги жозибали рақслар йиғилганларга завқ улашди. Маросим сўнгида Алишер Навоий ҳайкали атрофи ранго-ранг гуллар билан безалганини кўриб, беихтиёр ҳазратнинг куйидаги байти ёдимизга тушди:

кўргани яққол сезилиб турарди. Анжуман қўтилмаган тўхфа билан бошланди: навоийшунос олим, филология фанлари доктори Шухрат Сирождидиновга Низомий Ганжавий номидаги тил ва адабиёт институтининг фахрий доктори унвони гувоҳнома топширилди. Бу эътирофни нафақат Шухрат акага, балки ўзбек адабий-илмий жамоатчилигига кўрсатилган юксак ва самимий хурмат сифатида қабул қилдик.

Ўз навбатига бизнинг ҳам озарбайжонлик дўстларимизга аталган ўзига хос совғаимиз бор эди. Кўп йиллардан буён ўзбек адабиётини, хусусан, Навоий ижодини кенг тарғиб қилиб келаётган фидойи олим адиблар – Акиф Бағиров ва Алмаз Улви Биннатовага Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг фахрий аъзолик гувоҳнома топширилди.

Озарбайжон миллий илмлар академиясининг биринчи вице-президенти, Низомий Ганжавий номидаги Адабиёт институти директори Иса Ҳабибейли, Фузулий номидаги қўлёзмалар институти директори, академик Темур Каримли, Насимий номидаги Тилшунослик институти директори, академик Муҳсин Нағисўйли, филология фанлари докторлари Алмаз Улви Биннатова ва Рамиз Асқар, адабий тадқиқотчилар Илҳома Султонова, Санубир Самадова Навоий ижодининг бемисл қирралари ҳақида тўлиб-тошиб, фахр-ифтихор билан гапираркан, бир ҳақиқат қайта-қайта тилга олинди: «Алишер Навоий – ўзбек халқининг буюк фарзанди,

шунингдек, барча туркий халқларнинг умумий ифтихоридир. Негаким, Навоий туркий тилда ижод қилган шоирлар ичида энг улуғдир. Унинг ижоди бизларни маънан бирлаштириб, ягона маслак атрофида жиқлаштиради».

Озарбайжон Миллий илмлар академиясининг бой кутубхонасида китобхонлар учун яратилган шароит, турли ноёб адабиётлар билан танишиб, кўзимиз қувнади.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг Адабиётшунослик ва адабий танқид кенгаши раиси Нурбой Жабборов ва Алмаз Улви хоним билан биргаликда Озарбайжон Ёзувчилар уюшмасига отландик. Озарбайжон Ёзувчилар бирлиги раиси Анор муаллим билан ўзбек ва Озарбайжон адабий алоқаларининг бугунги ҳолати, келажақда бирга қилинадиган ишлар бўйича фикр алмашдик.

Анор муаллим сўнги йилларда Ўзбекистонга қилган ижодий сафарларидан олган таассуротлари ҳақида гапираркан, «Мен Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевни жуда ҳурмат қиламан. У адабиётни яхши кўрадиган, адабиёт аҳлини

Низомий Ганжавийнинг гиламга солинган маҳобатли сиймоси тикилиб турибди.

Биз лутф қилиб: «Шунча буюклар йирилган жойда ҳазрат Алишер Навоийнинг ҳам тасвири бўлса, мантиқан тўғри бўлади», дедик ва уста хунармандларимиз томонидан маҳорат билан тайёрланган, марказий қисмига Навоий сиймоси туширилган эсдалик совғамизни мезбонга тақдим қилдик. Тўхфамизни алоҳида меҳр билан қабул қилган Анор муаллим ўрнидан кўзғалиб, Навоий тасвирини энг кўринарли жойга қўйди. Устоз Анор билан хайрлашарканмиз, буюклар қаҳшонида муносиб ўрин эгаллаган Навоий ҳазратлари ҳам бизни оқ йўл тилаб, кузатиб қўйгандай бўлди.

Фузулий номидаги қўлэмалар институти директори, академик Темур Каримли бошчилигидаги мутахассислар бизни институт бисотидаги энг нодир қўлэмалар билан таништирди. Бу ерда сақланаётган қўлэмалар, эски асарларни таъмирлаш услублари ва бошқа илмий масалалар бўйича икки халқ олимлари ўзаро фикр, тажриба алмашдилар. Ниҳоят, институт ходимлари олдимизга Алишер Навоий асарларининг ноёб нус-

валиб ўқилиши – бу руҳий яқинликнинг ёрқин мисолидир.

Тадбирлар давомида бизга доимий ҳамроҳлик қилган олимлар, талабалик чоғида Ўзбекистонга келган, она юртимизда умрининг энг ўтли, бетакрор дамлари ни этказган икки олим Акиф Багиров ва Яшар Қосимбеили билан суҳбатлашарканмиз, шоирона тил билан айтганда, уларнинг юраги ҳануз ўзбекча уриб турганини ҳис қилдик. Улар Ўзбекистон ҳақида, ўзбеклар тўғрисида, эски қадрдонлари хусусида меҳр билан сўзлади. Масалан, Яшар оға шундай деди: «Менинг ҳиссиётларимни Озарбайжон тили тўла ифода қила олмайди, чунки озарчада «согинч» тушунчасининг аниқ, тўла маъносини берадиган сўз йўқ. Мен Ўзбекистонни, у ердаги дўстларимни жуда соғинганман. Тошкентнинг лағмони, сомсасини ҳалигача қўмсайман... Бугун Ўзбекистонда юз бераётган ўзгаришларни мамнуният билан кузатиб бораёмиз. Президентингиз томонидан олиб борилаётган оқилона сиёсатни фақат сиз эмас, биз ҳам қўллаб-қувватлаймиз. Дилимга бир ниёт тукканман: насиб қилса, яқин келажақда Шавкат Мирзиёев асарларидан бирини озарбайжон тилига таржима қиламан...»

Яшар оға айтган сўзларни келтиряман-у, ammo бу сўзлар замиридаги эҳтиросу эҳтиромни, соғинч-у ҳайратни, яна аллақандай, юракнинг туб-тубидан чиқиб, теран кузларида балқиб турган ҳиссиётларни тўла етказиб бера олмаяпман, албатта.

«Бале»

Ўзаро суҳбатларимиздан бирида Шухрат Сирожиiddinov: «Эътибор қилдингизми, Озарбайжонлар телефонда гаплашаётганда «алло» сўзининг ўрнига кўпроқ «бале» сўзини ишлатаркан, биз ҳам бу ҳақда ўйлаб курсак бўларкан, деб қолди. Мен ҳам бунга эътибор қилгандим. Яна, Боку кўчаларидаги ёзувларнинг дейрли барчаси лотин ёзувида, Озарбайжон тилида ёзилганини ҳам илганган эдик. Бугунги кунда мамлакатимизда ҳам она тилимиз ривожига катта эътибор қаратилаётган бир пайта зиддиятлар бу борада бошқаларга ўрناк бўлиши лозим, дедик бир овоздан. Сафарнинг сўнги кучи азропортга жўнайдиган вақтимиз бўлганини билдириш учун Шухрат ака турган хона рақамини тердим. «Алло» деган мурожаатимга гўшақдан: «Бале» деган жавоб келди. Иккимиз ҳам кулиб юбордик.

Нодир ЖОНУЗОҚ,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси
раисининг ижодий ишлар бўйича
биринчи ўринбосари



эъозлайдиган шахс» деди. Биз у кишининг фикрини тўлдириш маъносидан бугун Ўзбекистонда адабиёт ривожига берилган кўксак эътиборга оид ҳаётий мисолларни келтирдик. Ҳаётда кўпни кўрган, бугунги кунда нафақат Озарбайжон, балки бутун туркий адабиётнинг кўрки бўлиб турган адиб, барчасидан хабарим бор, дегандай бош ирғаб, жилмайиб қўйди.

Устоз Анорнинг иш хонаси ўзига хос музейни эслатаркан. Бу ерда турли буюк шахсларнинг ҳайкалчалари, тасвирлари, Озарбайжон Ёзувчилар уюшмасини шу пайтга қадар бошқарган ижодкорларнинг фотосуратлари, турли тадбирларда тўхфа қилинган қимматли совғалар бор. Анор муаллимнинг ортида тоғдай бўлиб

халарини қўйиши. Сувга ташна йўловчилардай ҳаммамиз китоблар томон ёпирилдик. Навоийшунослар қўлэмалар қачон, ким томонидан кўчирилгани, уларда Навоийнинг қайси асарлари жам бўлгани, бу нусхаларнинг бошқа қўлэмалардан фарқи хусусида мувоҳаса қила бошладилар. Ҳаммамиз табарруқ китобларни бирма-бир кўлга олиб, асарларни кўчирган, тайёрлаган ва шу кунларгача бешикаст етказган кишилар ҳақида дуо қилдик. Қўлэмалар ичида бир ғаройиб девон ҳам бўлиб, ярми Навоий, ярми Фузулий ғазаларидан иборат эди. Бунда ўзига хос ҳикмат кўрдик: дилию тили бир икки халқнинг улуг шоирлари асарлари бир жилд ичида туриши, ўқувчилар томонидан бирдай се-

ОҚ

ҚҶҚҚОР,

АНОР,
Озарбайжон
халқ ёзувчиси

ҚОРА ҚҶҚҚОР

Қиссадан боб

Ногоҳ у сузиша-сузиша яқинлашиб қолган қора ва оқ қўчқорни кўрди. Мелик Мамад чаққон сакраб оқ қўчқорга миниб олди. Лекин оқ қўчқор бир силтаниб, уни қора қўчқор устига итқитди. Қора қўчқор эса Мелик Мамадни зулмат дунёсига олиб қочиб кетди.

Мелик Мамадли азон овозидан уйғонди. Қўзларини базўр очиб, деразага қаради: ҳали кун ёришмабди. Шу вақт эшик тақиллади.

– Ким у? – деди Мелик.

– Ого, туринг. Бомдод вақти бўлди, – овоз келди эшик ортидан.

Кеча тунда келиб тушгану, шу заҳоти донг қотиб ухлаб қолгани бу меҳмонхона бўлмасини тасаввурда жонлантирди: бир чорпоя, битта стол ва жавон бор, курси йўқ, полга эски бўйра тўшалган ва иккита болиш ташлаб қўйилган.

– Ого, намоз биринчи қаватда – меҳмонхона масжидида ўқилади, – деди эшик ортидаги одам.

Мелик ётган жойидан қўлини чўзиб, тунги хирачироқни ёқди, хона бурчагида Қиблага қаратиб жойнамоз тўшалган экан.

– Мен намозни шу ерда ўқийман, – деди Мелик.

– Ҳўп, яхши, – деди эшик ортидаги.

Мелик ўрнидан туриб, деразадан ташқарига қаради. Ҳали қоронғи. Қилинажак ишлари қайд этилган чўнтак тақвими олиб қаради: 22 март – кеча билан кундуз тенглашадиган кун. Бир вақтлар бу кун Наврўз байрами нишонланарди – шунга эслади. Чўқур хўрсинди. Эшик олдидаги қўл ювгичда юзини ювди, девордаги кафтдек хира кўзуга қаради, кечадан бери соқоли хийла ўсибди. Аммо бетини қирмади. Эрхоннинг гапи эсида: «У ерда соқол олмай юрганнгиз тузук».

Хонадан чиқишга ошиқмади. Майли, намоз ўқияпти деб ўйлашсин. Бу юртга оёқ қўйганидан бери ҳар қадами қузатувда – буни билади. Афтидан, техникага оид билимлари ҳаминқадар, бўлма ичига қузатув жиҳози ўрнатилиш ақлига келмабди буларнинг.

Азон чақирғи зонанинг тўрт тарафига таралмоқда эди.

Зона! Мелик юрагида санчиқ туйди. Ўзи туғилиб ўсган, ўқиган, ишлаган, севиб-севилган, оила қурган, бола-чақа қўрган шаҳар энди зона. Тўғрироғи, зоналар. Янада тўғриси – уч зона. Уч зонага бўлиниб кетган унинг Боқуси. Дунё бу уч сиёсий тузумдаги уч худудни шунчаки зона даб атаса-да, хориж ОАВИ имкон топиб махфий маълумотларни қўлга киритганда Биринчи, Иккинчи, Учтинчи зона истилоҳларини қўлласса-да, бу худудлар расман Беҳишти Бади-Куба (Биринчи зона), Боқу коммунаси (Иккинчи зона) ва Боқу сити (Учинчи зона) деб номланарди.

Бундан неча йиллар аввал тележурналист сифатида Боқудан Истанбулга ўн кунлик хизмат сафарига жўнарган, Мелик ушбу сафар бунча узоқ чўзилишини, унинг ва бошқа мамлакатларда қолиб кетган миллионлаб Озарбайжоннинг ватанга қайтажак йўли тақа-тақ ёпилажанини, юртда шундай мудҳиш воқеалар рўй бериши-ю, ҳар бир асл озар фарзанди мисол, ўзининг ҳам энди ҳеч вақт юзи қулмаслигини хаёлига келтирмаган эди.

Неча йиллардан сўнг бу ёққа қайтиш жуда қийин бўлишини тасаввур қилган эди у, лекин кеча бошидан ўтказган қийинчиликлар олдида ўйлаганлари ҳолва бўлиб чиқди.

Мелик бу ердан кетиб, Туркияда яшашга мажбур бўлди. У ёқда ҳам, аввалига, кўп қийналди. Моддий қийинчилик ўз йўлига, Озарбайжонда қолган оиласи ҳақида бирор маълумот ололмагани ва наинки йўллар ёпилганидан, ҳатто почта, телеграф, телефон алоқалари ҳам тақа-тақ узилганидан хотини Ойпари, ўғли Бейрак ва қизи Бурланинг ўша машъум кунлардан сўнг ўлик-тиригидан беҳабар эди.

Эрхон келтирган мужда унинг зимистон кўнглини ёритиб юборди. Эрхон шунча йилдан бери Озарбайжондан чиқиб Туркияга келишни удалаган ягона таниши эди. Қай йўл билан, қандай қилиб келганини Мелик билмайти, бунга қизикгани ҳам йўқ... Тахминча, қайсидир зонанинг махфий хизмат идораси билан алоқаси бор, бўлмаса, у ёқдан чиқиб, бу ерга кела билармиди? Қайси бир зонанинг – динчиларнингми, коммунистларнингми ёки демократларнинг хизматида эди Эрхон. Мелика у келтирган хушхабар олдида бунинг нима аҳамияти бор?

Хотини ҳам, ўғли ҳам, қизи ҳам ўша бало-офатлардан, мусибатлардан омон чиқибди, соғ-саломат экан. Бас, Меликка бу муждадан ортик нима хурсандчилик бўлсин ҳозир?

Эрхон учаласининг яшаш манзили, телефон рақамини олиб келибди. Табиийки, бу ердан – Истанбулдан кўнгироқ қилиб бўлмайти, имкони йўқ. Меликни таажжублантиргани – учаласи бир ерда эмас, ҳар хил манзилда яшар экан.


– Нафақат бошқа-бошқа манзилларда, бошқа-бошқа худудларда яшайди, – деди Эрхон зўраки илжайиб.

Эрхон бир вақтлар, тинч-осойишта кунларда Меликнинг қўл остида ишлаган. Табиийки, Мелик уни кўп қўллапаган, аммо умр бўйи «Яхшилик қил сувга ташла, балиқ билар, балиқ билмаса Холик билар» нақлига бўйсуниб яшаган қаҳрамонимиз кимга нима ёрдам берганини ҳисоб-китоб этиб, миссини қотириб юрмас эди. Лекин ҳозир ноёб бир хислат – инсон яхшилиги унутилмаслигига гувоҳ бўлиб, таажжубда қолди.

Шубҳа йўқки, Эрхон Истанбулга маълум бир топширик билан келган, лекин Меликни ўзи излаб топди ва шу хуш муждани етказди.

– Сиз билан кўришганимни билишса, термига сомон тиқишди – деди у.

Билишса? Ким билса – динчиларми, коммунистлар ёки демократларми? Мелик сўраб ўтирмади. Аввало, Эрхон барибир бор гапни айтмайди. Қолаверса, Меликнинг бундай масалаларга энди заррача қизиқиши қолмаган. Утган-кечган ишлардан сўнг уни бу ёрғу оламда ушлаб турадиган ҳеч нима йўқдек. Хасталигини, дунёи фонийда сафари қариб бораётганини билади. Ягона тилаги – умри поёнида бир бор хотини ва фарзандларини кўрса.



Эрхон бамисоли мўъжизалар оламидан келган сеҳргарга ўшарди. Меликнинг шу тилагини кўзларидан ўқиб олгандек:

– Аёлингиз ва фарзандларингиз билан кўришингиз келяптими? – деб сўраганида Мелик кулоқларига ишонмади.

Бунинг иложи борми?

– Дунёда иложсиз ишинг ўзи йўқ, – деди Эрхон. – Мен барини гаплашиб, келишиб кўйдим. Сизни гўё Туркия газеталаридан бири хизмат сафарига жўнатди, ҳар уч зона ҳақида мақола тайёрлайсиз.

– Ахир биронта турк журналистини у ёққа кўйишмайди-ку, – деди Мелик. У ЁҚ деди. Боқуни, Боқусини зона дейишга тили бормади.

Энди ватан Мелик учун У ЁҚ эди.

– Тўғри, – деди Эрхон, – сиз Туркиядангина эмас, бутун дунёда ҳар уч зонани кўрадиган илк журналист бўласиз. Чунки ижтимоий тамойили, сиёсий қарашлари, яшайдиган мамлакатига қараб зоналардан бирига баъзи-баъзида журналистлар бориши мумкин, бироқ ҳар учаласини бирварақай кўришга ижозат ололган илк ва ягона журналист сиз бўласиз.

– Буни қандай эпладинг, Эрхон? – деб сўради Мелик охири сабри чидамай.

– Агар бу ишга менинг дахлим борлигини биронтага айтгудек бўлсангиз, на сиз, на бошқа қайтиб менинг юзимни кўради.

– Мендан-ку, кўнглинг хотиржам бўлсин, бирова оғиз очмайман, шундай экан, гапирарав.

– Айбга буюрмайсиз, айтолмайман. Балки бир кун келиб бу сирни очмаран. Ҳозир эса тезроқ виза олишингиз, сўровномаларни тўлдиршингиз керак. Сизга шундай ҳужжат бериладими, ҳар учала зонага бемалол кирасиз.

– Учала зонага бориб нима қиламан, – деди Мелик. Ниҳоят у шу сўзни тилга олди. – Мен фақат хотиним билан болаларимни кўрсам бас.

– Гап шундаки, – деди аламли кулиб Эрхон.

– Уччаласи уч зонада яшайди. Бир зонадан бошқасига ўтиш тақиқланган.

У барини Эрхон айтгандек қилди ва керакли ҳужжатларни олди. Уч алоҳида визада, Мелик Мемедўгли мақола тайёрлаш учун Беҳишти Бади-Кубе, Боку коммунаси ва Боку ситига хизмат сафарига юборилмоқда, деб ёзилган эди.

Бу ишлар Эрхоннинг ёрдамида битди. Эвазига у нима талаб қилар экан, буниси қоронғи. Одамларнинг беминнат хайрихоҳлигига, бир замонлар қилинган яхшилик унутмаслигига ишонмай кўйган у.

Нима бўлганда ҳам Эрхон унга оиласидан хабар келтирди. Мелик ҳатто бу сафари улим билан якун топиши мумкинлигини билса-да, йўлга ҳозир шай эди. Блокада шартларига кўра, Туркиядан хорижга биргина йўлдан чиқиш мумкин эди – Женевага учади, у ердан Америка самолётига ўтиради.

Эрхон ҳар учала зонанинг битта аэропорти бор эканини айтди. Декада деб аталаркан.

– Декада? Нима дегани бу?

– ДҚД – уч сўзнинг бош ҳарфи – Дин, Коммуна, Демократия.

Мелик кулимсиради – сўнги вақтларда юзидан пайдо бўлган илк табассум эди.

– Бу ҳар учала зонанинг аэропорти бўлгани учун учта чегара назорат пункти ва уч божхонадан ўтасиз. Ҳар учала зонага ҳоз қоидаларни назарда тутиб, иложи борича камроқ юк олинг, божхонада мусодара қилмасинлар тагин. Ҳа, айтганча, – Эрхон кўлини чўнтагига тикиди, бир боғлам доллар чиқариб Меликча узатди, – у ёқда ҳар қадамда керак бўлади.

Мелик пулни олгис келмади.

– Пулим бор, – деди хижолат бўлиб.

– Бу пулингиз билан шаҳар у ёқда турсин, ҳатто аэропортдан чиқа олмайсиз, – деди Эрхон. – Янаям ўзингиз биласиз, буни олмасангиз, у ёққа боришга хожат йўқ.

Мелик истар-истамас долларни олди.

– Сенинг бу яхшиликларингни қандай қайтараман, ҳайронман, – деди.

– Аслида мен сиздан ўла-ўлгунча қарздорман, – деди Эрхон. – Сиз боламнинг халоскорисиз.

Дафъатан Меликнинг ёдига тушди: кўп йиллар бурун, ватанида чоғи Эрхон гиззак фарзанд кўрган, лекин чақалоқлар, юрагиди хасталик бор эканми, нобуд бўлганди.

Учинчи фарзанди ҳам худди шундай юрак хасталиги билан дунёга келган. Уша кезлар мамлакатда ном таратган журналист Мелик Боқунинг энг зўр мутахассис ҳақимларини оёққа тургизган, шу тариқа гўдакнинг ҳаёти сақлаб қолинган эди. Ҳозир ўша бола тирикми-йўқми, билмасди. Ҳар эҳтимолга қарши:

– Ўглинг қалай? – деб сўради. Исми нима эди, унутибди.

– Гижинглаган тойдек! Сизнинг орқангизда, – деди Эрхон.

Мелик яна бир қарра раҳмат айтиб, пулни киссасига солди.

– Имкони бўлиши билан қайтараман қарзимни, – деди.

– Сиз эмас, мен сиздан қарздорман, – деди Эрхон. – Эсингиздами, нашриётда саҳифаловча шоғирд бўлиб юрган вақтларим. Сиз ҳам машхур журналист эмас, оддий мухбир эдингиз. Маош доим кенчикарди, чўнтагимда нон олишга ҳам пулим қолмаганди. Буни билиб, киссангиздан икки манат чиқардингиз-да: «Менда ҳам бори шу экан», дедингиз ва бир манатни менга узатдингиз.

– Э, қўйсанг-чи, сен берган бир дунё пул олдида бир манат нима деган гап.

– Ўша вақт бир манат бу пулдан қийматлироқ эди билсангиз. Чунки мен ўзимда бор пулингиз кичик бир қисмини бердим, сиз эса ўшанда бор-йўқ пулингизнинг ярмини аямдингиз.

Хайрлашаркан:

– У ёқда нима кўрсангиз ҳам кўнгилни чўқирманг, – деди Эрхон. – Кўп ғалати ишларга гувоҳ бўласиз.

Ростдан ҳам ҳали самолётда экан, ажабтовур ҳангомалар бошланди.

Женевадан учгач, уч ярим соатлар ўтиб, борт кузатувчиси уч тил – инглиз, рус ва форсчада самолёт кўнишга ҳозирлангати, йўловчилар, химоя камарини тақиб олдинг, деди.

Мелик иллюминатордан пастига қаради. Мана, неча йиллардан буён тушларидоғина кўргани – она шахрига осмонни фалақдан боқайтир. Шаҳарнинг катта худуди зим-зимистон ёхуд унда-бунда милтиллаган чироқ кўзга ташланган. Яна бир қисми ёп-ёруғ, чароғон, ранг-баранг нурлар кўйнига гарқ.

Стоардесса қизлар қатор оралаб аёл йўловчиларга чодира улаша бошлади. Шу вақтда юз-боши очик, ҳатто калта-култа юбка, елкаси очик кўйлақларда ўтирган аёл-қизлар бир-бир чодирага бурканди. Стоардессалар уларни диққат билан кузатиб турибди: рўмол остидан бир тутам бўлсин соч кўришиб қолмасин-да. Мелик шундай бўлишини чамалаган эди, дастлаб Беҳишти Бади-Кубе чегара худудидан ўтажаклар, демак, аввалгига бу еринг ҳижоб қонунига итлоат этилиши лозим. Бироқ соқолли кема кузатувчиси унга яқинлашиб бўйинбоғини ечишни сўраганида таажжубини яшира олмади:

– Ия, бўйинбоғининг кимга, нима зарари тегар экан? – деди.

– Ого, воқеан ҳақ гапни айтаятирсиз, аммо

бизда қоидалар шуни тақозо этади, – деди у.

Мелик қараса, бошқа йўловчилар лом-муми демай бўйинбоғини ечиб бераётди, у ҳар битта бўйинбоққа чипта рақами ёзилган қоғозни тўнғоғич билан тақиб кўймоқда. Қайтишда берамиз деди.

Самолётдан тушгач, пешонасига араб алифбосида Беҳишти Бади-Кубе деб ёзилган катта-коч лавҳа илинган чегара пунктига қараб юрди. Бино тепасида ҳилло тасвири туширилган яшил байроқ қўлпираб турибди.

Чегарачилар ҳар бир йўловчининг ҳужжати-ни камида ярим соатлаб ҳижжаларди: қайта-қайта паспортдаги сурат билан эгасининг юзини солиштирар, баъзан қарқадир йўқолиб кетар, афтидан, бир нималарни маслаҳатлашиб қайтар ва йўловчи ҳужжати-ни яна қайтадан текширад эди. Бир неча одамни четга чиқариб, қайтар эргаштириб ҳам кетди.

Меликнинг юраги гупиллаб ура бошлади: агар бирор нимани баҳона қилишса ишқал чиқса, нима бўлади. Шунча йиллик умидлари рўёга айлангани. Чегарачилар овозидан хушига келди:

– Ого, ҳужжатларингиз?

Мелик паспорт ва ўзига берилган сафар қоғозини узатди. Чегарачи ҳужжатларни обдан у ёқ-бу ёғини ўтириб кўргач, муҳр босиб қайтарди. Мелик ичиди «Оллоҳга шукр» деб чегарадан ўтди.

Божхона текшируви аввалгисидан баттар чўзилди, Меликнинг навбати нақд икки соат деганда келди. Соқолли божхона хизматчиси йўл халтасини очини талаб қилди. Ичидида нарса-лар – уч сидра кўйлақ, ич ва уй кийимлари, со-вун, тиш чўтка билан нафта, электр устара, бир боғлам сигарет, магнитофон ва икки дона кас-сетани қайта-қайта титқилади. Ниҳоят, иккинчи бўйинбоғини топиб олди.

– Самолётда буни олиб қолмадиларми? – деб сўради.

– Олдилар, – деди Мелик.

– Хўш, бу нима? – деди божхоначи уни баланд кўтариб айлантираркан.

Мелик нима десин, тутилиб:

– Бу... бу... ҳалиги – иккинчи бўйинбоғ... эҳти-ёт шарт олган эдим, – деди.

Чегарачио божхона хизматчиларининг ди-моғдорлиги уни бироз дувиратиб қўйган, ҳеч бир айби бўлмаётди, ўзини гуноҳор сезарди.

– Шайтон бўйинтуругининг биттаси камлик қиладими? Балки буни кимгадир совга қилар-сан? Ёки сотмоқчимсан? – деди божхоначи.

– Астағфируллоҳ, – деди Мелик. – Мен сав-

доғар эмасман, кейин бу эски бўйинбоғни кимга совға қилардим.

Божхонани унинг гапини писанд этмай, бўйинбоғни сал наридаги мусодара қилинган нарсалар ташланадиган кутига итқиди. Бу бўйинбоғ билан боғлиқ хотиралари бор эди, Мелик уни ташлаб кетолмасди. Эрхоннинг «тавсия»си эсига тушди. Албатта, бу қалтис иш, ҳар бало бўлиши мумкин эди, бироқ унинг ўрлиги кўзиди, атрофга бир аланглаб олиб киссасига қўл суқди ва эллик доллар чиқариб кишибилмас божхоначига узатди:

– Бу бўйинбоғ укам раҳматлидан ёдгор, – деди. Божхонани эллик долларни шартта юлиб оларкан:

– Хўп, буниси бошқа масала, – деди. – Модомики, раҳматли инингдан ёдгор экан, гап-сўзга хожат йўқ. – Бўйинбоғни кутидан олиб Меликка узатди. Бутун бу ҳаракатларни – бўйинбоғни кутига иргитишу қайтариб олиб бериш, пулни сиқимлашни шу қадар тез ва моҳирона бажардики, бу ишларга устаси фаранг бўлиб кетгани кўриниб турибди.

Мелик бу чегара ва божхонадан ўтиб иккинчи сарҳад пункти қаршисидан чиқди. Божхона биноси томида ўроқ-болға тамғаси туширилган алвон байроқ ҳилпирайди, кирилл алифбосида Озарбайжон ва рус тилларида «Боку коммунаси», «Бакинская коммуна» деб ёзилган лавҳа.

Бино деворидида каттакан портрет. Ваҳожатли одам юзининг катта қисмини тим қора кўзойнагли тўсиб турибди. Портрет тепасига йирик ҳарфлар билан «Коммунизм галаба қилажак, чунки у мутлақдир. Марат», тағига эса «Бош комиссар ўртоқ Марат раҳбарлиги остида бутун дунёда коммунизмнинг буткул галабаси сари олға» деган сўзлар ёзилган.

Чегарадан ўтиш йўлагига навбат тураркан, Мелик Эрхон айтган гапларни эслади: «Бош комиссар Марат Қорағўзовнинг кўзини бирор зот кўрмаган. Айтишларича, гилаймиш, шу сабаб, ҳеч қачон қора кўзойнакни өчмасмиш».

Талай вақт ўтиб, навбат Меликка етганда чегарачи ҳужжатларни кўздан кечириб:

– Сўрвонмани бизнинг алифбодо тўлдиринг, – деди. – Озарбайжон ва рус тилларида.

Мелик навбатдан чиқиб пештахта ёнига борди ва сўрвонмани кирилл алифбосида тўлдирди. Қайтиб келиб бошқатдан навбатга турди.

Ниҳоят чегарадан ўтди, бироқ божхонада яна тутилди. Божхоначи магнитофон ва кассеталарни баланд кўтариб:

– Бу нима? – деди кассетага имо қилиб.

– Муסיқа. Озарбайжон бастакорлари ёзган қўшиқлар. Туркияда «Аноним озари шарқилари» деган номда чиққан кассета.

– Туркияда? – деди бирдан сергак тортиб божхоначи. – Бизга турклараст руҳдаги кассеталарни олиб киришга руҳсат йўқ.

Бўлганича булар, дея Мелик божхоначига эллик долларнинг учини чиқариб кўрсатди.

– Утган асрда яшаган шўро бастакорлари қўшиқлари бу.

Бу божхоначи ҳам пулни қақон сиқимлаб оларкан:

– Ҳа, шўро бастакорларими, унда можно, – деди.

Божхона ходими энди магнитофонни у ёқ-бу ёғини айлантриб кўра бошлади.

– Хўш, буниси-чи?

– Бу магнитофон.

Божхоначи магнитофон тумгасини босди, радио овози эшитилди.

– Радио-ку.

– Ҳам радио, ҳам магнитофон.

– Бизда ёт радиоларни тинглаш запрещено. Яна эллик доллар сарфлашга тўғри келди. Бу ишни Мелик энди бирмунча дадил бажарди. Учинчи чегара пункти қаршисига келди.

Бу ерда ҳаворанг байроқ ҳилпараб турибди. Мелик алам билан кўнглидан ўтказди: уч сарҳадда уч хил байроқ – яшил, алвон, ҳаворанг. Уччаси бир жойда бўлса, аввалги Озарбайжон байроғи бўларди.

Чегарачи ҳужжатларга кўз югуртириб чиққан, Меликка бош бармогиндан кичик дискетга босинг деди, кейин бармоқ изи тушган дискетни компьютерга тикди, тугмачаларни босиб экранга боқди ва:

– Утаверинг, – деди.

Бу божхоначи ҳам нарсаларини бирма-бир текшириб чиққан:

– Гиёҳванд модда борми? – деб сўради.

– Йўғе, азизим, унақа нарса менда нима қилсин? – деди Мелик.

Божхоначи йўл ҳалтадаги бир боғлам сигаретни олди:

– Бу нима?

– Сигарет. Турк сигарети.

– Бу ёққа Америка сигаретларидан бошқасини олиб кириш мумкин эмас, – деди божхоначи. – Мусодара қилинади. – Кейин негадир мингирлаб қўйди: – Турк сигаретини ҳеч чекиб кўрмаган эканман.

– Мен роса кашандаман. Шу сигаретга қатти ўрганиб қолганман. Ярми менга, ярми сенга бўлақолсин, – деди Мелик.

– Окей, – деди божхоначи ва шартта боғламни очиб олти қути сигаретни олди, тўрттасини Меликка қайтарди.

Божхонадан чиқishi билан Меликнинг кўзи каттакан реклама лавҳаларига тушди. Уларнинг бирида самолёт салонидида ширин табассум билан йўловчиларга (уларнинг ҳам юзиди табассум) «кока-кола» улашаётган стюардесса расми бўлиб, тағига лотин ёзувида: «Чиққанда йўлга – ич кока-кола» деб ёзилган эди.

Иккинчисидида бошига баркашдек шляпа кўндирган, белига каттакан тўппочча таққан ковбой кийимидаги йигит (оғзи қолғонда – мамнун) самолёт йўлагидан тушаётган йўловчиларга қути-си очилган «Мальборо» тутиб турибди. Тағида лотин ёзувида: «Келибсанми бу ерга, чек «Мальборо» сўзлари битилган.

Мелик аэропорт биносидан ташқарига чиққан, соатиға қаради: тунги уч ярим. Самолёт ерга кўнганда кундузи тўрт ярим эди. Чегара ва божхоналардан нақд ўн бир соатда ўтибди. Женевадан бу ерга уч ярим соатда келдик, дея ўзи-ча хулоса қилди у.

Такси бекатиға келиб, энг олдинда турган машина эшигини очмоқчи эди, қўлф экан. Шу вақт орқаорқада турган машина унақ яқин келиб тўхтади. Ҳайдовчи эшигини очиб ўтиринг, деди.

Мелик орқа ўриндиққа жойлашиши билан олдинги эшик очилди ва соқолли бир йигит Меликка қараб:

– Ого, ҳорманг. Камина бандангиз ҳам шаҳарга бораман, қарши бўлмасангиз сизга ҳамроҳлик қилсам, – деди.

– Марҳамат.

Такси ҳар икки тарафига тиканли сим тўсиқ тортилган йўл бўйлаб илгарилаб кетди. Унғ томон – сим тўсиқ ортидан кўзга ташланаётган чарогон чироқлар шу зиласи йўлни ёритган. Чап томон сим тўсиқ орти сим-зимистон.

Мелик сим тўсиқ тағида бир неча ит ўлиб ётганини пайқади.

– Шунча ит ўлиги бу ерга қайдан келиб қолган? – деб сўради у таажубини яшира олмай.

– Ақлсиз махлуқ-да, келиб ўзини сим тўсиққа

урган, ток уланганини қайдан билсин.

– Ток қўшиб нима қилишарди?

– Бу кофирларнинг иши, – деди соқолли йигит. – У ёқнинг одамлари қочиб, биз томон ўтишидан кўрқади.

– Булар оч, дайди итлар, – деди ҳайдовчи. – Кечаси ўлимтикларни бир ерга тўллаб ёқиб ташлашади.

Мелик атрофга аланглар, бироқ қаер эканини билолмас эди. Сим тўсиқ орти шудгор ер – холис худуд, ундан унғ тарафи ранг-баранг реклама ёзувлари лотин ҳарфда ёзилганига қараганда Боку ситилиги аниқ. Чап тараф – зулмат.

– Бу ёғи Бади-Кубе чоғи?

– Йўқ, ого. Бу ёқ ҳам кофирларнинг шайтон уяси. Ўзлари Боку коммунаси дейди. Бизнинг Беҳишти Бади-Кубемиз сал нарида, – деди соқолли йигит гапга аралашиб.

Дафъатан Мелик Сурахона йўлини таниб қолди.

– Бу – Сурахона йўли-ку, тўғрими? – деди у.

– Ҳа, ого, Сурахона, – деди ҳайдовчи.

– Болалигим ўша ерда ўтган, – деди Мелик чўқур хўрсиниб. – Уйимиз Оташгоҳнинг биқинида эди.

– Қарсизда? – деб сўради ҳайдовчи.

– Оташпарастлар ибодатхонаси бор эди бир вақтлар, – дея изоҳ берди соқолли.

– Бор эди дейсизми?

– Ҳа, бузиб ташланган. Мусулмон юртида кофир бутхонасига нима бор? – деди соқолли.

Такси ёлғиз шлагбаум тўғрисиға келиб тўхтади. Миршаб уларга яқинлашди. Ҳар учаласи унга ҳужжат кўрсатди.

– Яхши. Хайрли тун, – дея шлагбаумни кўтарди миршаб.

– Ого, Беҳишти Боди-Кубега хўш келибсиз, – деди соқолли.

Олдиларида издиҳом – машиналар қарвони, ортида гала-гала одам пиёда кетаётир.

– Булар ким? Ярим кечаси қайга бораётир? – деб сўради Мелик.

– Ёнартоққа, – деди ҳайдовчи.

Мелик машинанинг олд кўзгусидан соқолли йигит ҳайдовчига олайиб қараганини кўрди.

– Йўқ, ого, – деди у. – ҳайдовчи биродарамиз янглишяпти. Булар Нордаран пир зиёратига кетаётир. Кечаси йўлга чиққанларининг боиси, бомдода етиб боришни кўзлаганлар.

Нордаран зиёратгоҳи бу ердан анча олис экани Меликнинг эсига тушди.

– Бир талай йўл-ку. Пиёда қачон етиб боришади?

– Ого, биласиз, зиёратта пиёда борганнинг саовби улуг.

Такси издиҳомни ёриб ўтаркан, машина чироқлари нурида Мелик арваларга ортилган қозон-товоқларга қараб қолди.

– «Иршод» меҳмонхонасига ҳайданг, – деди соқолли йигит ҳайдовчига.

Мелик дунё кўрган одам эмасми, аввал-бошданок шу соқолли йигит ўзини таъқиб қилишга қўйилганини сезган эди. Аммо айвоқчи мутлақо тажрибасиз экан, ўзини дарров фош этиб қўйди. Йўқса, «Иршод» меҳмонхонасига тушишини билса ҳам онгиз очмасди.

– Менга «Иршод» меҳмонхонасидан жой буюртирилганини қайдан билдингиз?

– Бизда ўш битта меҳмонхона бор-да, – деди ҳайдовчи.

Соқолли йигит яна ҳайдовчига ўқрайиб қаради: – Йўқ, бошқа жойлар ҳам бор. Аммо сиздек обрўли одам «Иршод»га тушса керак деб ўйладим. Ёки адашдимми?

– Тўғри топдингиз, менга ўша меҳмонхонадан хона буюрилган. Айбга буюрманг, танишмаб-

миз ҳам, менинг исми Мелик Меҳмедўгли, журналистман, — деди у. Қўй, бечора қийин вазиятда қолмасин, ўзим ҳақимдаги маълумотни ўзим айтиётган бўлақолай унга, дея ҳаёлидан ўтказди.

— Сиздек зиёли ва машхур инсон билан танишганимдан бошим осмонга өтди, — деди соқолли йигит. — Менинг исми Имомқули. Имомқули Бехбехоний.

Тақси энди шаҳарнинг нимқонронги кўчаларидан кетаётир. Ногоҳ Меликнинг аъзойи баданни жимирлаб кетди — машинанинг олд чироқлари ёритган хароба бинони таниди, бу — қадимий Исмоилия, яъни Академия биноси эди. Унинг фақат деворлари қолган, ромлари ёниб кетган деразалари худди бош чаногининг кўз касасини эслатар эди.

— Бу ер нега бундай аҳволда?
— Уша нотинч кунларда кофирлар вайрон қилган, — деди соқолли.

— Тўхта, тўхта, — деди Мелик ҳаяжондан овоци титраб. Исмоилия биносининг ёни тақир майдон эди. — Ахир бу ерда бир иморат бор эди — қўлэмалар сакланарди.

— Таассуфчи, ого, ур-сур, тўполон замонда у ҳам, бу кўчадаги бошқа бинолар ҳам ёниб кетган.
— Қанақасига? Қўлэмалар ҳам ёндими?
— Ого, бино ёнади-ю, қўлэмалар омон қоладими?

— Ё Оллоҳ... Ахир бутун тарихимиз, ўтмишимиз битилган қўлэмалар-а...

— Ого, сиз маърифатли, зиёли одамсиз, аҳволингизни тушуниб турибман. Лекин на чора? Тақдир азал шу экан. Аммо йиллар ўтиб қанчадан-қанча янги китоблар нашр этилди. Шу кунларда огойи Кесравий асарлари тўплами босмадан чиқди. — Бирдан нимадир эсига тушгандек: — Ўрни келиб қолди, бу қайси кўча, таниянғисми?

— Тахмин қилиб кўрай-чи, бир вақтлар Николаевск эди, кейин Коммунист, кейинроқ эса Истиклолат деб номланган.

— Ҳозир Аҳмад Кесравий хиббони бўлган. Бизнинг асл келиб чиқишимизни тадқиқ этган буюк олим номи берилган, — деди мамнун илжайиб Имомқули.

Тақси номи неча маротаба ўзгарган, бинолари қайта-қайта ёниб вайронага айланган шўрпешона кўча бўйлаб бораётир. Маликнинг эсида, бу ерда кўркам бир бог буларди. Ҳозир бўм-бўш, дарахт-парахт йўқ бир харобазор, фақат биқиндаги филармония биносидан таниди бу жойини. Шўрк, филармония омон қолган экан. Аммо Худо билсин, энди у ҳам филармония эмасдир.

— Бу ер нима? — деб сўради бинога ишора қилиб.

— Жоме масжиди, — дея жавоб берди ҳайдовчи билан Имомқули баравар.

— Бехишти Бади-Кубенинг энг катта масжиди, — деб қўшиб қўйди Имомқули. — Бомдод азонини унинг минораларидан эшитасиз, «Иршод» меҳмонхонаси мана, шундоққина ёнида.

Меҳмонхона қошига келиб тўхтади. Ҳайдовчи юкнонадан Маликнинг йўл халтасини олиб берди. Имомқули ҳам тақсидан тушди:

— Огоий Мелик, — деди у. — Ижозат беринг, хизматингизда бўлай.

Мелик чўнтагидан доллар чиқариб ҳайдовчига бермоқчи эди Имомқули:

— Ого, у шайтон пулини олмайди, — деди. — Ҳеч хижолат бўлманг, мен тўладим.

Меҳмонхона администратори — соқоли оқарган киши уйқули кўларини ишқалаб-ишқалаб Меликнинг паспортини олди ва араб алифбосида ёзилган сўровномани унга узатди.

Мелик исмини ёза бошлаган ҳам эдики, орқасидан елкаси оша қараб турган Имомқули:

— Ого, шайтон алифбосида ёзиш қонунга

зиддир, — деди.

— Араб алифбосида ёзиш керакми?

— Ислоий алифбода...

— Мен араб... э... ислоий алифбода ўқисни билман-у, афсуски, ёза олмайман.

— Сиз ҳеч гап еманг, мен тўлдираман.

Исми, фамилиеси, туғилган йили, туғилган ери — Мелик буларни кетма-кет Имомқулига айтиб тураркан, йигит ушбу маълумотларни худди ўзиникидек сув қилиб ишчи юборганини сезди.

Ниҳоят, расмий ишлар битди. Администратор калитни Меликка узатди:

— 12-хона.

Имомқули Меликнинг юқларини кўтариб уни иккинчи қаватга, эшиги тагигача кузатиб чиқди, ҳатто ичкари кириб хонани кўздан кечирди ва:

— Хайрли оқшом, — деди. — Оллоҳнинг инояти билан иншоолх яна кўришамиз.

Мелик соатиға қаради. Тўртдан ўн беш дақиқа ўтибди. Маҳаллий вақт бўйича оптио ўн беш. Маҳаллий вақт!.. — дея кўнглидан кечирди алам билан. — Ўзим туғилиб ўсган шаҳар вақтини маҳаллий вақт деялман. Табиийки, ҳозир — каллаи саҳарлаб Ойпарига кўнгирак қилиб бўлмайди. «Эҳ, — деди хафсаласи пир бўлиб хонани кўздан кечираркан, — бу ерда телефон ҳам йўқ экан-ку...»

Тонг ёришсин, пастга тушиб телефон қилади. Ёмон тушдек туолган бу узундан-узук кун чарчоқларидан сўнг тўшаққа чўзилди-ю, тошдек қотди.

Имомқули тўғри айтибди. Эртаси кун яна кўришдилар. Мелик саҳарлаб биринчи қаватга тушганида Имомқули Бехбехоний омушқоқ диванда оёқ чалиштириб ўтирган экан. Меликни кўрди-ю, чаққон юриб ёнига келди.

— Ого, тонгингиз хайрли бўлсин. Ҳар ҳолда мусофирсиз, балки бирор ёрдам керак бўлиб қолар, деб ўйладим. Хизматингизга ҳозирман.

— Барака топинг. Бир чой ичсак ёмон бўлмасди, — деди Мелик.

— Албатта, албатта.

Чоққина чойхонага ўтдилар. Соқолли хизматчи олдиларига чой-нон келтириб қўйди. Имомқули қўлидаги газетани Меликка узатди:

— «Сиротул-мустақим» рўзномаси, — деди. — Кўз ташлаисизми?

— Кейин, — деди ва газетанинг биринчи саҳифасидаги каттакон суратни кўрсатиб: — Огоий Муштехидими? — деб сўради.

— Ҳа, — деди. — Бизнинг бош муштехидимиз олийҳиммат оғойи Бодикубейдир. Мавзасиз босилибди. Бу оқшом телевизорда «Имон» каналда ҳам маъруза ўқийдилар. Айтганча, ўзлари ориф-у уламо одам. Дунёвий илмда ҳам, диний илмда ҳам унга тенг келадигани йўқ.

Мелик бир замонлар мумтоз адабиётдан ўзига таниш-у, йиллар ўтиб унутаёган форсча-арабча сўзларни Имомқулининг тилидан ўрин-ноурин эшиттач: эҳ, бечора тилимиз-а, деб ўйлади. Не аҳволга тушганини қаранг, манабу, шўринг қурғур озари ўғлони икки калимани тоза она тилида айта олмайди.

Мелик энди тамоман амин бўлди: токи бу ерда — Бехиштада экан, Имомқули дегичлари уни ўза ҳолига қўймайди — босган қадамани йзма-из поймайди. Хотини билан кўришмоқчи эканини ҳам билиб олар, балки аллақочон билиб бўлгандир? Албатта билади, шубҳасиз!

— Мен бир ерга кўнгирак қилишим керак эди, — деди Мелик.

— Марҳамат қилиб рақамини айтинг менга, ого...

Мелик Ойпарни телефонининг бошдаги тўрт рақамини айтди-ю, бирдан қитмирлиги тутиб озгига келганини вайсаб юборди. Имомқулини

синамоқчи. Қани кўрайлик-чи, бу рақамни ҳам билармикан?

— Шу рақамни теринг-чи. Ойпарни хоним билан гаплашаман.

— Ким билан? — деди бир оз таажубда Имомқули.

— Ойпарни хоним. Хотиним, — деди. Бироқ Имомқули ҳалиям анграйиб турганини кўриб: — Завжам, жуфти ҳалолим...

— Ҳа, албатта, албатта...

Имомқули меҳмонхона администратори ёнига бориб ниманидир узук ўқтирди. Администратор телефонни олиб, аллақайга кўнгирак қилди. Ким биландир гаплашди. Сўнг гўшақни қўйиб, Имомқулига бош иргайди: розилик билдирди, дегани. Энди телефон гўшагини Имомқули кўтарди, қўлидаги қозоғга қараб, рақам тера бошлади. Сўнг бирдан қошлари чимирилди. Табиийки, охири рақамга келганда икхилиниб қолди, деб ўйлади Мелик. Қани, гумоним тўғри чиқармикан?

Имомқули аввалгига қўлидаги қозоқ билан Меликнинг ёнига келмоқчи бўлди, кейин бир оз ўйлашиб туриб, охири рақамни терди. Кўрамиз, Мелик берган янглиш рақамни тердимми ё икхиласига ҳам маълум тўғрисини териб, ўйинни очик ҳавом эттиришга қарор қилдимми?

Угўшақни бир оз қулоғига тутиб тургач, гаплаша бошлади, аммо овози Меликка эшитилмади. Сўнг гўшақни столга қўйиб, Меликка қўл тўлғайди:

— Келинг, ого. — Мелик ўрндан туриб, ёнига борганида гўшақни олиб унга узатди: — Мохрух хоним, — деди.

— Мохрух хоним? Ким у Мохрух хонимингиз?

— Ўзингиз хотиним дедингиз-ку.

Балки, Мелик адашаётгандир, Имомқули охири рақамни чиндан-да билмас. Мелик айтган рақамни териб, бошқа жойга тушгандир. Қозоғани Имомқулидан олди ва «Охири рақамни янглиш ёзибман», демоққа оғиз жуфлади-ю, бирдан ҳаёлига нимадир келди ва гўшақни қулоғига тутиб:

— Алло — деди.

— Лаббай, — деган жавоб келди у тарафдан.

Бу у эди, унинг Ойпарини. Овози ҳам бирмунча узарибди — кексароқ аёл товуши. Ахир, орадан неча йил ўтди. Бўғиқ, беварқ ва гамгин, бироқ унинг овози. Мелик бу овозни дунёда ҳеч бир овоз билан адаштирамайди.

— Салом, Ойпарни, бу — менман, — деди.

— Кечирасиз, ого, адашиб тушдингиз чоғи, — деди аёл.

— Нега адашаман? Менман, Ойпарни, Меликман. Уч кун аввалгина сенинг соғ-омон эканингни билдим. Манзилнинг, телефон рақамингни бердилар. Ҳозир шу ерданман, «Иршод» меҳмонхонасига тушдим. Қаярга борай? Қандай кўришсақ бўлади?

Гўшақнинг у ёғида сукунат. Меликка бўғиқ йғи товуши эшитилгандек бўлди. Балки адашаётгандир. Бироздан сўнг хотин:

— Бир соатдан кейин «Иршод» меҳмонхонаси холлида кўришамиз, — деди-ю, шартта гўшақни қўйди.

Мелик соатиға қараб Имомқули томон юрди. — Барака топинг, иним. Лекин нега уни Мохрух дедингиз?

— Ўзи шундай деди. Ким бу, деб сўраганимда Мохрух хонимман деди.

Имомқули охири рақам ҳақида оғиз очмади, Мелик ҳам ҳеч нима билмагандек тутди ўзини. Сўзис ҳам ҳаммаси аён, изоҳга ҳожаат йўқ.

**Озарбайжон тилидан
ШОҲСАНАМ таржимаси.**

КЕЛАЖАК УМИДИ

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 16 августдаги «Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтининг Фаргона минтақавий филиалини ташкил этиш тўғрисида»ги қарори билан Қўқон шаҳрида ташкил этилган филиал нафақат ҳудуд аҳлини, балки бутун водий халқини мамнун этди. Филиалнинг ташкил этилиши Фаргона водийси вилоятлари учун театр, халқ ижодиёти соҳаси бўйича актёрлар, режиссёрлар, маданиятшунослик ва санъатшунослик йўналишида юқори малакали мутахассислар тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш йўлида муҳим аҳамият касб этади.

Филиалга маданият ва санъат соҳасида фундаментал билим ва тушунчалар, тарихий ва замонавий анъаналар, инновацион технологияларни, давлат стандарти бўйича белгиланган билим ва малакаларни пухта эгаллаган мутахассислар, профессор-ўқитувчилар танлов асосида ишга қабул қилинди. Ҳозирги кунда филиалда 248 талаба таҳсил олмақда. Улар мусиқали театр актёрлиги, кўғирчоқ театри актёрлиги, мусиқали театр режиссёрлиги, фольклор ва этнография, ашула ва рақс, кутубхона-ахборот фаолияти таълим йўналишлари бўйича ўқимокда. Билим даргоҳида ахборот-ресурс маркази ташкил этилган. Марказ фонди доимий равишда ўқув ва бадий адабиётлар билан бойитиб борилади.

Филиалда илмий-амалий семинарлар, адабиёт ва санъат намоёндалари билан ижодий учрашувлар, маҳорат дарслари ўтказилмоқда. Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти ҳамда институтнинг Нукус филиали билан изчил алоқалар йўлга қўйилган. Илмий-амалий семинар, маҳорат дарслари талабалар учун устозларнинг билим ва тажрибасини ўрганиш мактаби вазифасини ўтаётди. Шундай тадбирлардан бирида Ўзбекистон халқ ҳофизидоцент Оролмирзо Сафаров ва Ўзбекистон давлат хореография академияси ўқитувчиси Зебо Фазлиева талабаларга ижодий маҳорат сирларини ўргатиш билан бирга уларни қизиқтирган саволларга жавоб берди.

Филиал талабаларни соғлом фикрли ва теран мушоҳадали этиб тарбиялашда бундай маънавий-маърифий тадбирлар ва ижодий учрашувларнинг ўрни катта бўлаётди. Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти ректори, филология фанлари доктори, профессор Иброҳим Йўлдошев филиал профессор-ўқитувчилари ва талабалари билан учрашув ўтказиб, Италия ҳамда Россиядаги санъат ва маданият институтларидаги таълим-тарбия жараёни, мавжуд тажрибалар, ўқитиш усуллари ҳақида сўзлаб берди. Ўзбекистон Фанлар академияси академиги, фольклоршунос олим Тўра Мирзаев, Тожикистондан келган бир гуруҳ шоир ва ёзувчилар билан ўтган давра суҳбати талабалар, профессор-ўқитувчилар учун қизиқарли бўлди.

Филиал профессор-ўқитувчилари, талабалари Қўқон шаҳридаги Меҳрибонлик уйлари, Мурувват уйлари ҳамда имконияти чекланган болалар учун ихтисослаштирилган мактаб-интернатларда маънавий-маърифий тадбирлар ўтказиб келмоқда.


Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 17 ноябрдаги «Ўзбек миллий мақом санъатини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори халқимиз маданий мероси ажралмас қисми бўлган миллий мақом санъатининг ривожланишига кенг йўл очиб берди. Ушбу қарор ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтининг Фаргона минтақавий филиали қошида «Мақом мактаби» ташкил этилган.

Билим даргоҳида амалга оширилаётган ишлар кўлами бекиёс. Бу филиалда таҳсил олаётган талабаларда келажакка умид уйғотади.

Шамсиддин УСМОНОВ,
Ўзбекистон давлат санъат ва маданият
институтининг Фаргона минтақавий филиали директори

Дур асркви...

Наманган вилояти тарихи ва маданияти давлат музейи ташкил этилганига 100 йил тўлди



Ўзбекистонимиз истиқлолга эришган илк кундан бошлаб миллий маданиятимизни, қадрият ва анъаналаримизни ривожлантиришга, осори-атиқаларимизни асраб-авайлаш, ва келажак авлодга безавол етказишга катта эътибор қаратиб келинмоқда.

Бу жараёнда ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашга беқиёс ҳисса қўшадиган музейлар фаолиятини ривожлантиришга оид ҳам кўплаб меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди.

1920 йилда ташкил этилган Наманган вилояти тарихи ва маданияти давлат музейи аждодлар меросини сақлаб келаётган, ёшларда ифтихор туйғуларини шакллантирадиган масканлардан биридир. 100 йиллик тарихга эга ушбу музей 1918 йил 19 апрелда Туркистон Республикаси Халқ комиссарлари совети декрети ва Наманган шаҳридаги 1-мактабнинг физика фани ўқитувчиси Владимир Иванов ташаббуси билан мактаб биносидан ташкил этилган. Владимир Иванов 1919 йили халқ таълими нозирлигига ёзган хатида ўқувчиларга пухта билим бериш мақсадида Наманган шаҳри мактабларидаги физикага оид барча ўқув асбобларини бир жойга жамлаш ва ягона физика лаборатория хонасини ташкил этишни таклиф қилган. Бу таклиф Халқ таълими нозирлиги томонидан маъқулланган ва Наманган шаҳри халқ таълими бўлими тасаруфидан физика музей-кабинети ишга тушган.

Туркистон оқсоқоллари кенгаши қарорига кўра, Наманган шаҳридаги Ҳамдам Қаландаров дўкони биноси 1920 йилда музей учун берилган. 1920 йилдан бошлаб халқ таълими бўлими музейнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлашга эътиборни кучайтириб, экспонатлар сотиб олиш учун маблағ ажратди.

1922 йилга келиб, музей экспонатлари сони 900 тага етади. Тарихий осори-атиқаларни тўплашда шаҳар аҳолиси ҳам кўздан келганча ёрдам беради. 1923 йилга келиб, музейда зоология, минералогия, анатомия, нумизматика, ўқув қуроллари бўлимлари фаолият юритарди.

1938 йили кўргазма залларини қайта жиҳозлаш мақсадида музей вақтинчалик ёпилади. 1939 йилда табиат, тарих, қурилиш бўлимлари ташкил этилиб, жиҳозлаш ишлари тугагач, яна ўз ишини давом эттиради. 1940 йилга келиб, мажмуада ўлкамиз табиати, тарихий ёдгорликлари, меъморчилик анъаналари, амалий санъат намуналарига дахлдор, шунингдек, табий, маданий ҳаётни акс эттирувчи 10 мингга яқин экспонат жамланади.

Иккинчи жаҳон уруши даврида – 1941-1943 йиллари музей ўз фаолиятини вақтинча тўхтатган. 1945 йилдан вилоят ўлкани ўрганиш музейи 4 та бўлим негизда қайта иш бошлайди.

1970 йилдан музей илмий ходимлари этнографик маълумот ҳамда экспонат йиғиш бўйича иш кўламини кенгайтиради. Натижада жуда кўп этнографик материаллар ва Иккинчи жаҳон уруши фронтда қаҳрамонлик кўрсатган инсонлар тўғрисида маълумотлар жамланади.

1988 йил 22 апрелда Наманган шаҳрининг Нодим Намангоний кўчасида музей учун махсус лойиҳа асосида 3 қаватли бино барпо этилади.

Ушбу маданият маскани 1998 йилда биринчи тоифали музейлар қаторига киритилди. 2004-2019 йилларда археология, этнография, адабиёт бўлимлари замон талаби руҳида қайта жиҳозланди. Бу ишларни амалга оширишда Э.Мирзаалиев, М.Каримов, Э.Қорабоев, Л.Аҳмадалиева, Н.Мўминова, Р.Пўлатова сингари мутахассислар алоҳида жонбозлик кўрсатди.



2005-2019 йилларда юқори кўрсаткичларга эришгани ҳисобга олиниб, Наманган вилояти тарихи ва маданияти давлат музейига Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирилик томонидан 680 миллион сўмлик замонавий витриналар бепул тақдим этилди.

– Ҳозирги кунда музейимизда хазина, тарих, табиат, адабиёт, санъат, мустақиллик, маънавият, хотира ва қадрлаш бўлимлари мавжуд, – дейди музей директори Иброҳим Юсупов. – Музейнинг Косонсой тумани филиалида 5000 га яқин экспонат археология, этнография, тарих ва мустақиллик бўлимларида жойлаштирилган. 2017 йил 11 декабрда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарори асосида Наманган вилояти тарихи ва маданияти давлат музейи олий тоифали музейлар қаторидан ўрин олди. Бугунги кунга келиб мажмуадаги экспонатлар сони 100 мингдан ошди.

Президентимизнинг 2018 йил 26 августдаги «Ўзбекистон Республикасида маданият ва санъат соҳасини инновацион ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида 2019 йил томошабинларга қулайлик яратиш мақсадида музей экспонатлари ҳақида маълумот берувчи инфокиоск ва учта тилда маълумот берувчи аудиогидлар билан жиҳозланди.

Наманган вилояти ҳокимлиги томонидан музей залларини жорий таъмирлаш ва экспозицияларни замон руҳида янгилаш мақсадида 1 миллион 800 миллион сўм ажратилди.

2019 йил 27 апрелда Қирғизистон Республикасининг Ўш вилоятида жойлашган «Сулаймон ТОО» миллий-тарихий археология музей-мажмуаси билан ўзаро дўстлик ва ҳамкорлик бўйича меморандум имзоланди. Мазкур ҳужжат билан музейлар ўртасида тажриба алмашиш ва биргаликда кўчма кўргазмалар ташкил этиш юзасидан келишувга эришилди. Меморандумга мувофиқ, 2019 йил май ойида «Сулаймон ТОО» миллий-тарихий археология музей-мажмуаси томонидан Наманган вилояти тарихи ва маданияти давлат музейида кўчма кўргазма ташкил этилди.

Хар бир давлат тараққиёт сари одимларкан, тарихга назар ташлаб, мавжуд урф-одатлар, анъаналар, қадимий ёдгорликларни ўрганишга ва асраб-авайлашга интилиши табиий. Бу борада музейларнинг ўрни бекиёс. Жумладан, Наманган вилояти тарихи ва маданияти давлат музейи 2019 йил мобайнида ёш авлодда аждодларимиз қолдирган моддий ва маънавий мерос билан фахрланиш туйғусини кучайтириш, улар қалбига миллий гурурни юксалтириш, ўғил-қизларни буюк анъаналар давомчиси сифатида тарбиялаш мақсадида 132 минг 106 кишига хизмат кўрсатди. Вилоятнинг чекка ҳудудларида кўчма кўргазмалар ташкил этилди. Ўтган йили 2-8 сентябрь кунлари музейлар ҳафталиги муносабати билан бепул хизмат йўлга қўйилди. Ҳафтанинг сешанба ва жума кунлари ота-онаси билан келган болаларга бепул хизмат кўрсатилмоқда.

Бугунги кунда давлат томонидан музейларга эътибор кескин ортиб, ушбу йўналишда кўплаб ишлар амалга оширила бошланди. Эндликда музейларимиз ёш авлоднинг бой тарихимиз, чуқур илдиизга эга моддий ва маданий меросимиз намуналари билан янада кўпроқ таъинириш орқали уларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, ёшларимиз дунёқарашини бойитиш ва буш вақтини мазмунли ўтказишга хизмат қилапти. Жумладан, Наманган вилояти тарихи ва маданияти давлат музейи ҳам бир асрдан буён ана шундай эзгу ишга муносиб ҳисса қўшиб келмоқда.

Исломжон КАРИМОВ



Нурхон ЗУЛФИНОВА: Хайётимнинг энг ёруз

– Нурхон опа, аввало, сизни Президентимизнинг рақс соҳасига доир икки қарори билан, «Баҳор» ансамбли қайта тиклангани билан табриклайман.

– Бу йил баҳор қалбларимизга ўзгача туйғулар билан кириб келди. Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 4 февралдаги «Рақс санъати соҳасида юқори малакали кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш ва илмий салоҳиятни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ва «Миллий рақс санъатини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари қабул қилинди. Мамлакатимиз маданияти ва санъати учун ҳар икки қарорнинг ўрни ва аҳамияти жуда катта. Биринчи қарорда Тошкент давлат хореография олий мактаби негизида Хореография академияси ташкил этиш сингари бир қатор муҳим вазифалар белгилаб берилган бўлса, иккинчи қарорда Мукаррама Турғунбоева номидаги «Баҳор» давлат рақс ансамбли фаолиятини ташкил этиш кўрсатиб ўтилди. Биз, Мукаррама опанинг маҳоратларини ёшларга ўргатиб келаётган Маъмура Эргашева, Ўғилой Мухамедова, Гулнора Жўраева сингари «Баҳор» жонкуярлари бу икки қарорни қайта-қайта ўқиб, кўнгилларимиз қувончга тўлди. Табриклар изҳор этилаётган кўнғироқлар тинмаяпти. Нафақат юртимизда, балки чет эллардаги мухлисларимиз ҳам «Баҳор»ни унутишмаган экан. Ўтган йили Америка Қўшма Штатларида бўлганимда Тошкент билан биродарлашган Сиэтл шаҳрида меҳмон бўлдик. Мезбонлар «Баҳор» ансамблининг Сиэтлдаги концертларини унутишмаган экан. Хуллас, бу йилги баҳор бизга «Баҳор»имизни қайтариб бергандек бўлди.

– Ўзбек рақс санъати, деганда ҳаммининг кўз олдида, аввало, Мукаррама Турғунбоева келади. Сиз Турғунбоева мактабини ўтаб, рақсга кириб келгансиз. Опа ҳақидаги хотираларингиздан сўзлаб берсангиз.

– Мукаррама опа ўзбек халқини чин дилдан севган ватанпарвар аёл эди. 1957 йилда ўн қиз билан фаолиятини бошлаган жамоани фасллар келинчагига қиёслаб, «Баҳор» деб номлашган. Мен «Баҳор» қошидаги икки йиллик студияда ўқиб, 1969 йилда ишга олинганман. Дастлаб учинчи авлод вакиллари сифатида студиядан уч қиз, Хореография олий мактабидан етти қиз қабул қилинган. Ўша пайти Тожикистонда ўтказилган Ўзбекистон адабиёти ва санъати ўн кунлигига «Баҳор» тарихида борганман. Тадбирда учта сахна қилинган. Ўртада биз, ансамбль қизлари Мукаррама опа билан, ўнда Қундуз Миркаримова, бир томонда Клара Юсупова рақс тушган. Бир мусиқа, бир хил рақс. Шунақа ажойиб композиция чиққани, шу устозлар ичида борлигимга, Мукаррама опанинг маҳоратига қараб, кўзларимга ёш келган. Кейин Германияга бордик: Берлин, Франкфурт, Бонн шаҳарларида концерт бердик. «Баҳор» ўзбек санъатини бутун дунё бўйлаб тарғиб қилган.

Мукаррама опанинг дастури бўйича олтин фондга кирган

рақсларни ижро этардик. Ҳозир ўйлаб қарасам, Мукаррама опа ўзбек халқининг ҳаётини, турмуш тарзини рақс орқали кўрсатаркан. Хорижий давлатларга собиқ иттифоқ номидан борсақ-да, аслида Ўзбекистонни мадҳ этардик. «Пилла», «Пахта», «Роҳат», «Тановор», «Муножот», «Жонон»... Бу рақсларнинг баарида миллийлигимиз, ўзлигимиз акс этган. Ҳар доим концертимиз Муҳаммаджон Мирзаев мусиқасига тайёрланган «Баҳор вальси» билан бошланарди. Қўлларимизда ўрик гули бутоғи билан чиқиб, сахнага ёйиларканмиз, томошабин ҳайратга тушарди. Ҳар бир рақснинг ўз ҳаракати, ўз ишораси, ўз айтар сўзи бор эди. «Катта ўйин» ҳам албатта ижро этиларди. Томошабинлар, айниқса, Мукаррама опанинг ижросини интиқиб кутишарди. Бахтиёр Йўлдошев ижросидаги «Кўзларингни яширма», «Тановор», «Муножот», «Жонон», «Ҳандалак» ашулаларига хиром қилганда, Мукаррама опани нафақат томошабинлар, балки ўзимиз ҳам ҳайрат ила кузатардик. Бир гал Парижда очик сахнада концерт қўйганимиз. Бирдан ёмғир ёғиб қолди. Одамлар соябон тутиб томоша қилишяпти. «Наманганнинг олмаси»га ўйнаямиз: томошабин ҳам, ўзимиз ҳам завқда... Бундай дастурлар билан эллиқдан ортиқ мамлакатга борганмиз. Дастурларимизни республиканинг барча қишлоқларида намойиш этардик. Одамлар



кун бўйи далада ишлаб, кечкурун ювиниб-тараниб, дала шийпони, қишлоқ клубига йиғилишарди. Концерт ярим тунгача давом этар, пахтакорлар даладан чарчаб келганини унутиб, рақсга жўр бўлишарди. Бахтиёр Йўлдошев ва Хайрулла Лутфуллаев кўшиқ айттарди. Оммавий рақслардан ташқари яққохон рақслар ҳам ижро этиларди.

Мукаррама опа яққохон раққосалар тайёрлашга кўп аҳамият берган. Ўзбекистон халқ артисти Валентина Романовичага «Кўғирчоқ» рақси доим ўзгача олқишлар билан кутиб олинган. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Ноила Баширова учун «Зебунисо» рақсини тайёрлаган. Ўзбекистон халқ артисти Раъно Низомова «Шабодалар»га хиром этганда ҳам

мамиз қойил қолардик. Ўзбекистон халқ артисти Тамара Юнсова «Помир» рақсини, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Равшаной Шарипова «Чўпон», Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Эркиной Расулхўжаева «Шўх қиз» рақсини ижро этарди. Мўътабар Йўлдошева, Флорида Низомуддинова, Дамира Сагирова мақом

Сизнинг даврингизда қизларни рақс санъатига кириб келиши кўйилган...

— Галингизни тушундим. Менинг ота-онам санъатни улуғлаган, яхши тушунган одамлар эди. Исминми ҳам мураккаб даврда санъатга кириб келган, қисмати фожеали кечган Нурхонга қиёсан

Кунлари “Баҳор” да ўтди

рақсларини ижро этарди. Маъмура Эргашевага «Нозанин», Гулчеҳра Фозилжоновга «Бухороча», Ўғилой Мухаммедовага «Шабдалар» рақсларини тайёрлаган эди. Муштарийларнинг ёдига солиш учун номма-ном санаяпман. Халқимиз севган бу рақсларнинг ўзига хос сеҳри, жозибаси бор эди. Мен учун ҳам «Нурхон» композиция рақсини сахналаштириб берган. Вилоятларга автобусларда бориб келардик. Ўша пайтлар колхоз раислари, бригадирлар опага алоҳида машина ташкил қилиб беришса, опа кўнмасди. Халқнинг ичига кириб борар, онахонлар, нурунийлар билан сўзлашар, ўзини шу халқнинг бир вакили деб ҳисобларди. Оддий инсонлар билан гаплаган сари, ўзи ҳам яйраб кетарди.

Одамлар Мукаррама опани кўриш учун йиғилиб келаварди. Опа ҳар биримизнинг юриш-туришимиз, кийинишимиз, оилавий аҳволимиз, кайфиятимиз билан қизиқар, онадек меҳрибонлик қиларди. «Баҳор» учун истеъдодли қизларни излаб топарди. Саломлашиш, кийиниш, сўзлашиш, сахна маданияти... Ҳаммасини мукамал ўргатишдан эринмасди. Ота-онамиз, дунёга келтириб, катта қилиб ўқитган бўлса, «Баҳор»даги фаолиятимиз давомида ҳаммамизнинг онамиз Мукаррама Турғунбоева эди. Ҳатто, келин ахтариб келганлар бўлган. Буларнинг ҳаммаси Мукаррама опанинг оналик қўбиятига ишонч туфайли рўй берган. Турмушга чиққан қизларимизни уйдагилар опага ишониб, гастролларга юборишарди. Ҳар бир рақсимизда аёллик латофати, ифпати, ҳаёси барқ уриб турарди.

— Ҳозирги рақсларда қоришқ ҳаракатлар, ишоралар кўпайиб кетгандек...

— Мен ҳам баъзан шу ҳақда ўйлаб қоламан. Шифокор инсонни даволайди, санъат эса қалбни даволайди. Одамлар турмуш ташвишларидан чарчаганда ёки бирор ғамдан фориг бўлиш учун завқ ахтариб қолади. Санъат шу завқни бера олсанга, ўз вазифасини бажарган бўлади. Бизга томошабинга қараб эмас, энг охири қатор, кейин девор, шу деворга кўз ташлаб рақс тушишни ўргатишган. Томошбиннинг олқиши ва ҳайратини эса ҳис қилганмиз. Баъзан, айрим раққосалар залда нигоҳи билан кимнидир қидираётгани, ишора қилаётгани сезилиб қолади. Бу рақс эмас, ҳаракатлар мажмуаси. Ёмон томони ўша ҳаракатларга Мукаррама опа сахналаштирган катта асарлардан олинган ҳаракатларни қўйиб рақс тушади. Рақсини ўзгартириш мумкин эмас. Мукамал асар парчалаб юборилгандек жоним ачишади. Мана, энди мамлакатимизда Хореография академияси ташкил этилди. «Баҳор» тикланяпти. Биз ўзимизда борини, Мукаррама опа. Кундуз опа яратган асарларни чин дилдан ўргатишга тайёرمىз. Ҳар бир рақснинг ўз либоси, уфори, жозибаси бор. Уларни аралаштириш мумкин эмас.

— Ҳозир бувижонлар, оналар қизалоқларни қўлидан етаклаб рақс тўгаракларига, санъат мактабларига олиб боришяпти.

қўйишган. Мен санъатга қизиқиб улғайдим. Ота-онам мени доим тўғри тушунди. Бизнинг ёшлигимизда пионерлар саройи бўларди. Ўша ерда Белла Артёмовна деган аёл «Юлдузча» ансамблига қабул қилган. «Гулноз» ансамблига болалигимдан қатнадим. Кейинчалик ҳам «Баҳор»да ишладим, ҳам Хореография билим юртида ўқидим. Раққосалик билан бирга 1972 йилда Театр ва рассомлик санъати институтига кирдим. Профессор Яков Фельдмен раҳбарлигида театршунослик факультетини битирдим. Яков Саломонович Ўзбекистонда илк театршунослик факультетини ташкил этган. Устозим менга «Сиз театр ҳақида эмас, дунёга машҳур «Баҳор» ансамбли ҳақида илмий иш ёзишингиз керак», деб таъкидлар эди. 1980-84 йилларда Санъатшунослик илмий текшириш институтида профессор Мухсин Қодиров илмий раҳбарлигида таҳсил олдим. Шу-шу санъатшуносликка қизиқиб қолдим. Қаерда концерт берсак, хабар, лавҳалар тайёрлаб, турли нашрларга, жумладан, «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетасига юборардим. Устозим Ёнгин Мирзо мен юборган материалларни газетادا ёритиб борарди. «Баҳор»даги фаолиятим ҳаётимнинг энг ёруғ кунлари бўлиб қолди.

— Мана, «Баҳор» ўз фаолиятини тиклайдиган бўлди. Кейинги режаларингиз қандай?

— Мен таътил давримда турли бадиий ҳаваскорлик жамоалари катнашчиларига устозимдан олган тажрибам асосида рақслар ўргатдим. «Баҳор» ансамблида ишлаган ёш ҳамкасбларим Света Турсуновага арабча, Гулнора Низомовага хиндча, ансамбль қизларига мозамбик, шингман рақсларини сахналаштирдим. Бир неча халқаро фестивалларда иштирок этиб, голиб бўлдик. Голландия ва Туркияда ўтказилган фольклор

фестивалларида ўзбек миллий тўй композицияси билан иштирок этиб, 24 мамлакат орасида биринчи ўринни олганмиз.

Мукаррама Турғунбоева номидagi «Миллий рақс ижрочилари» кўрик-танловига ҳакамлар ҳайъати таркибиди ача-мунча истеъдодли қизларни кашф қилдик. Хореография академиясига маҳорат дарсларига таклиф қилиб туришади. Халқимиз яна ўша дурдон рақслардан баҳраманд бўлишига ҳисса қўйишдан умидвормиз. Вилоятлардаги танловларга борганда истеъдодли қизларни кўриб, қувониб кетаман. Шунда Мукаррама опани тушунаман. Ҳар бир қизнинг характеридан, ҳаракатга мойиллигидан келиб чиқиб, яққон рақслар топшириши беҳуда эмас экан. Мен «Баҳор»нинг ўттиз йил олдинги довруги ва шўҳратини тиклаш учун жоним билан хизмат қилишга тайёрман. Бу борада Президентимиз Шавкат Мирзиёев бизга жуда катта ишонч билдириди. Бу ишончни оқлаш учун бутун истеъдод, маҳорат ва тажрибамизни ишга соламан.

М. ШАМСИЕВА
субхатлашди.



Урушнинг сўнгги қурбони

Ҳикоя

Ўтқир ҲОШИМОВ

Иккинчи жаҳон уруши инсоният бошига келтирган офатлар ҳақида ўзбек адабиётида ҳам бир қатор романлар, қиссалар, ҳикоялар ёзилган. Ўзбекистон халқ ёзувчиси Ўтқир Ҳошимовнинг «Урушнинг сўнгги қурбони» ҳикояси шу мавзудаги энг яхши асарлардан ҳисобланади.

Шоикром айвон тўридаги сандал четида хомуш ўтирарди. Аллақачон баҳор келиб, кунлар исиб кетганига қарамай, ҳамон сандал олиб ташланмагани, аммо ҳеч ким бу тўғрида ўйлаб кўрмаганини у энди пайқагандай ғаши келди. Бўз кўрпа устидан ёпилган, шинни доғи қотган қуруқ дастурхон ҳам ҳозиргина гўжадан бўшаган сопол товоқ, банди куйган ёғоч қошиқ ҳам унинг кўзига хунук кўриниб кетди. Аммо бепарволик билан қўл силтади-ю, дўпписини сандал устига ташлаб ёнбошлади.

Ярим кеча, атроф жимжит. Фақат олисларда ит улийди. Айвон тўсинидаги узун миҳга илиғлиқ лампочка хира нур таратади. Чироқ атрофида ўралашган чивинлар бир зум тинмайди. Ҳовлининг ярмигача ариқ тортиб экилган қулупнай пушталари орасида сув ялтирайди. Онда-сонда ранг олган қулупнайлар кўзга ташланиб қолади. Қаёқдандир шамол келди. Ҳовли этагидаги ёғноқ шохлари бир гувиллаб кўйди. Шоикром уйку элита бошлаган кўзлари билан ўша томонга қаради-ю, тер ҳиди анқиб турган лўлаболишга бошини ташлади. Шу ондаёқ яна ўша товоқ, банди куйган қошиққа кўзи тушиб, тагин ғашланди: «Зиқна бўлмай ўл! – дея хотинини сўқди ичида. – Азалдан қурумсоқ эди, замон огирлашгач, баттар бўлди».

Ичкарида чақалоқ йиғлади. Бешиқнинг ғирчиллагани эшитилди. Бола худди шуни кутиб тургандай, баттар биғиллаб бошлади.

Каттаси ҳам уйғониб кетди шекилли, кўшилиб йиғлашга тушди.

Шоикром силтаниб қаддини ростлади.

– Овозини ўчир, Хадича!

Ичкаридан хотинининг бешиқни муштлагани, зардали товуши эшитилди:

– Овози ўчса қошиқди?! Тўққиз кечасида жин теккан бунга!

«Камбағалнинг эккани унмайди, боласи кўпаяди ўзи! – ўйлади Шоикром ижирганиб. – Шу кунимдан кўра урушга бориб, ўлиб кета қолганим яхшийдир».

Уни урушга олишмади. Тўқимачилик комбинатида монтер этишмасмиди, ё ўзи яхши ишлармиди, ҳар қалай, олиб қолишди. Шоикром уруш бошланишидан сал олдин уйланганди. Уруш бошланди-ю, замона ўзгарди. Бировлар тирноққа зор, унинг хотини эса ёнидан ўтиб кетса ҳам бошқоронги бўлаверади. Худо бергандан кейин ташлаб бўлармишми, деб кетма-кет учта қиз туғиб берди. Урушнинг қора қаноти узоқлаб кетган, эрта-индин Гитлернинг тўнғиз кўпиши кўриниб қолган бўлса-да, ҳамон фалокат сояси одамлар бошига кўланка ташлаб турибди. Ҳали у кўшникида аза очилади, ҳали бу кўшникида.

Ҳовли этагидаги пастак эшик ғийқиллади. Шоикром кафти билан кўзини чироқдан пана қилиб қаради-ю, шу томонга келаётган онасини кўрди. У уйланганидан кейин отадан қолган ҳовлини ўртадан икки пахса девор олиб бўлишган. Бунгаям бир чеккаси Хадичанинг инжиқлиги сабаб бўлган эди. Ҳар хил иқир-чикир гаплар қаиверганидан кейин Умри хола рўзгоринг бошқа бўлса узингга қийишасан, деб уларнинг қозонини алоҳида қилиб берди.

Ўзи кичик ўғли Шонёнмат билан нариги ҳовлида қолди.

Ранги унққан чит кўйлак устидан нимча кийиб олган Умри хола шарпадай унсиз юриб келди-да, япалоқ «мусулмон» гиштдан ясалган зинадан айвонга кўтарилди.

– Ҳали ухламовмидинг? – деди у зинадан энкайиб чиқаётганида сурилиб кетган рўмолини қайта ўраб.

– Кўрмайсизми, чақалоқ тинчимаяпти. Ўзим итдай чарчаганман.

– Бола бўлгандан кейин йиғлайди-да, – деди Умри хола юпатувчи товушда. – Ўтиравер, болам. – У яна ўша унсиз одимлар билан ичкари кириб кетди.

Қайнана-келин бир бало қилиб, болаларни тинчитишди. Кейин икковлари бошлашиб чиқшди. Хадича бир кўлида чойнак-пиёла, бир кўлида зогора нон келтириб, дастурхон устига қўйди.

– Чой ўлиб қопти, – деди у зогора ушатаркан.

Умри хола Шоикромнинг ёнбошига, шапарақ кўрпачага ўтирди.

– Ол ўзинг ҳам, – деди у томирлари бўртиб чиққан кўллари билан сочилган увоқларни йиғиб оғзига соларкан. Шоикром онасининг бармоқлари тарс-тарс ёрилиб кетганини энди пайқайди. Илгари ҳам шунақамиди, йўқмиди, эслай олмади.

– Овқатингдан қолмадимми? – деди у чўккалаб ўтирганча чой қуяётган хотинига қараб.

Хадичанинг узунчоқ сарғиш юзи қизарди. Айбдордек маҳзун товушда узр сўради:

– Қолмовди-я.

Шоикром унинг қизарганидан ёлғон гапираётганини сездди.



Ким билсин, эрталаб ўзига иситиб бериш учун шунақа дегандир...

– Йўқ, болам, овқат керакмас, – деди Умри хола шошилиб. – Хаёл суриб ётиб, уйқум ўчиб кетди... – У бир лаҳза жим қолди-да, ўзига гапиргандай секин қўшиб қўйди. – Пайшанба куни Комил тайибнинг уйига борувдим. Ҳар куни наҳорга бир косадан қўй сути ичса, дард кўрмагандай бўлиб кетади, деди.

– Ҳозир қўй сути қатта? – деди Хадича. – Сигир сути отличқа йўғ-у... Шу пайтда сигиримиз туққан бўларди-я.

Шоикром хотинининг гапини эшитмади. Бирдан унинг кўз ўнгида пастак дераза остида шифтга тикилиб ётган укаси жонланди. Бир ҳовлида туриб ўн кундан буён ҳолини сўрамаганига афсусланиб, ичидан хўрсиниқ келди. Шонеъмат Россиядан кўчириб келтирилган завод курилишида ишлай бошлаганида уни урушга олишмаганидан Шоикром суюнган эди. Гап бошқа ёқда экан. Укаси сил экан. Шунинг учун қолдиришган экан. Мана, уч ойдики, ерга ёпишиб ётибди.

Шоикром ўн кунча илгари ишга кетаётиб, бирров укасидан ҳол сўрагани кировди. Ушанда Шонеъматнинг қоқ суюк бўлиб қолгани, катта-катта кўзлари, нимагадир, чуқур маъно билан ўзига тикилганини кўрган эди.

«Яқинда ўлади, – деб ўйлади у онасининг кўзига қарамасликка ҳаракат қилиб. – Барибир ўлади».

– Тузукми? – деди у ҳаммаси учун ўзи айбдордай қовоғини солиб.

– Шукур, – Умри хола култ этиб ютинди. – Ҳозир ухлади. – Онаси шу топда чиқиб овора бўлмагин, деган маънода гапирганини Шоикром тушунди.

– Эрталаб хабар оламан, – деди у онаси ўрнидан турганида.

– Сендан нега гина қиларкан, болам, – деди Умри хола айвон лабида тўхтаб. – Кўриб турибди-ку. Эрталаб чиқиб кетасан, ярим кечаси қайтасан. Бу кунлар унут бўлиб кетади, болам. – Зинага ечган калишининг бир пойи тўнкарилиб қолган экан, Умри хола оёғининг учи билан тўғрилайман деб, анча овора бўлди. Кейин зиналардан энкайиб тушди-ю, шарпадай унсиз юрганча, ҳовли этагига қараб кетди. Пастак эшик гийқиллаб очилиб ёпилди.

– Падарига лаънат шунақа турмушининг! – деди Шоикром бўғилиб. Кейин дастурхонни йиғиштираётган хотинига ўшқирди. – Сеняям падаринга лаънат! Тумшугинг тагидан сигирни етаклаб кетса-ю, анкайиб ўтирсанг.

– Нега менга ўдагайлайсиз? – Хадича товоқни қошиққа уриб, йиғламсиради. – Нима, мениям Илҳом самоварчининг хотинидай сўйиб кетсинмиди? Сиз кечалари исменда бўлсангиз. Учта жўжа билан жонимни ҳовучлаб ўтирганим етмайдимми?

Шоикром хотинини тарсақилаб юбормаслик учун юзини ўгириб, тишини гижирлатди.

Сув қалқиса, лойқаси юқорига чиққандай, замон қалқигандан буён ёмон кўпайди. Эрта баҳор уларнинг туғай деб турган сигирини ўғирлаб кетишди. Ўша кеча Шоикром тунги сменада эди. Кечаси билан шаррос жала қўйиб чиқди. Шоикром тонг-сахарда бир нимани сезгандай, кўнгли ғаш тортиб, уйига қайтди. Келса хотини, болалари, онаси дод солиб ўтиришибди. Хадича оғироёқ эмасми, ўзи билан ўзи овора бўлиб, билмай қолибди. Эрталаб турса, кўча эшик ланг очик, ёнгоққа боғлоқлик сигир йўқ.

«Шу пайтгача сигир туғарди, укамнинг оғзига ақалли бир коса сут тутардим, – деб ўйлади Шоикром ўқиниб. – Қани, ўшалар қўлимга тушганда, чопиб ташлардим».

Шундоқ деди-ю, эгаси минг пойласин, ўғри – бир. Мана, бундан икки ойча илгари Илҳом самоварчининг хотинини пичоқлаб кетишди. Бечоранинг битта-ю битта эчкиси бор экан. Ҳовлига ўғри тушганини билиб, хотин шўрлик дод солибди. Эри чойхонада экан. Юғуриб бориб эчкининг арқонидан ушлаганми, хуллас, етиб келган кўни-кўшниллар қора қонига беланиб ётганини кўришибди.

– Шу кунда яна ўғри оралаб қолди, – деди Хадича кўрпачани қоқиб, танча четига соларкан. – Қулупнай қизармасидан битта қўймай териб кетяпти.

– Ваҳима қилма! – деди Шоикром қовоғини ўйиб. – Болалар териб егандир. Ўғри қулупнайга келадими?

– Оғзига бир дона олган бўлса, буюрмасин. Нега келмас экан?! Бир ҳовучини опчиқиб сотса, бир коса жўхори беради. Ана, бориб қаранг, деворнинг бир чети ўпирилиб ётибди!

– Ваҳима қилма! – деди Шоикром яна гўлдираб. Аммо бу сафар ўзининг ҳам юраги сесканиб кетганини пайқади. Кўнглида пайдо бўлган ғашликни сездирмаслик учун ҳовлига тушди. Секин юриб, қулупнай пушталари олдида келди.

(давоми 30-бетда)

Урушнинг сўнги қурбони

(бошланishi 28-бетда)

Ариқлардаги сув чироқ нурида ялтираб, шамолда жимирлар, маржондай терилиб ранг олган қулупнайлар сувга тегай-тегай деб турарди.

«Рост-да, – деб ўйлади у пушталар атрофида айланаркан, – бир ҳовуч қулупнайга бир товоқ жўхори беради. Тансиқ нарса... Хадича ёлгон гапирмайди. Болалар еган бўлса, буюрмасин, деяпти-ку. Пишиқ, йўлатмайди...»

Бултур хотини худди шу қулупнай туфайли онасини ҳам қаттиқ ранжитган эди. Умири хола бир ҳовуч қулупнай олган экан, Хадича болаларга нон пули бўлар деб эканмиз, норасталарнинг насибасига тегманг, деб бобиллаб берибди.

Шоикром ўшанда онасининг ёз бўйи келини билан юз кўрмас бўлиб юрганини эслади-да, яна ўша гап хаёлига келди. «Хадича анойи эмас, қурумсоқ...»

У айланиб ёнгоқ тагига борди. Борди-ю, чиндан ҳам кўча томондаги деворнинг бир чети ўпирилгани, остига тупроқ тўкилганини кўриб, юраги орқасига тортиб кетди. Назарида деворнинг кемтик жойидан биров мўралаб тургандай бўлди. Ёнгоқ шохларининг шамолда вишиллаши ҳам, оёғи остида тўкилиб ётган девор тупроғи ҳам шубҳали, ваҳимали кўриниб, дарров орқасига қайтди.

Хадича аллақачон уйга кириб кетибди. У чироқни ўчириб, сандал четига ётди-ю, кўнглидаги ғулуғу кучаяверди.

Кузда ўзи билан ишлайдиган йигитнинг ҳовлисидаги сўри тоқдан гарқ пишиб ётган узумларини ўғирлаб кетишганини эслади. Шамол борган сари авжига чиқар, ҳовлидаги ёнгоқ барглари шовиллаб, шохлари шубҳали ғирчиллар, аллаким шир-шир қадам босиб, айвон лабига келаётгандай бўларди.

Хадича рост айтади. Ўзи кечалари сменада бўлса, хотини учта жўжа билан жон ҳовучлаб тонг оттирса, ўғрига ўлжанинг катта-кичиги борми? Қўлига нима илинса олаверади-да. Борди-ю, ўзи йўғида уйини ўғри босса, хотини дод солса, пичоқлаб ташласа. У ёқдан онаси чиқса, унияма пичоқласа... «Виждонсизлар! Одамларнинг бошига қулфат тушганидан фойдаланиб қоладиганларни қириш керак».

Бирдан хаёлига келган фикрдан унинг вужуди титраб кетди. Қора кунлари учун, не умидлар билан тишида тишлаб юрган сирини ўғирлагани учун, ўлим тўшагида ётган укасини охириги насибасидан махрум қилгани учун, нон пули бўлар, деб етиштирган мевасидан жудо қилаётгани учун шундоқ қасос олсинки, ўша худо бехабарлардан.

Шоикром ўрнидан сакраб туриб кетди. Чироқни ёқиб, отилиб ҳовлига тушди. Ҳамон шамол ўқираб, осмоннинг гоҳ у, гоҳ бу бурчида чақмоқ ярақлаб, ёнгоқ шохлари шубҳали ғийқиллар, аммо энди уни ҳеч нима кўрқитолмасди. Уй ёнбошидаги ошхонага кирди-ю, чўнтагидан гугурт олиб чақди. Титроқ қўллари билан қорайиб кетган девордаги миҳга илиғлиқ турган икки ўрам симни олди. Бир вақтлар урушдан олдин бу симларни базмларга олиб борар, одамларнинг ҳовлисини машъаладай ёритиб берарди. Эндиям яхшиликка хизмат қилсин!

«Менга деса, отиб юбормайдим! – ўйлади у айвон лабига чўққайиб ўтирганича усти ёпиқ симни очиқ симга илдам уларкан. – Ҳарна битта харомхўрни ўлдирганим. Биттаси ўлса, бошқалари адабини ейди».

У чақон ҳаракат қилар, аъзойи бадани терлаб кетган, аммо буну ўзи пайқамас, фақат бир сўзини такрорларди: «Менга деса, отиб юбормайдим!»

У симнинг очиқ қисмини қулупнай пушталари устига улоқтирди. Сим илондай биланглаб пушта устига тушди. Ёпиқ қисмини айвон этагидан олиб ўтди-да, бир учини устундаги илгакка тикиб қўйди. Кейин бирдан болалар кечаси ҳовлига тушса нима бўлади, деган хаёл миёсига урилди-ю, уйга кирди. Хадича ётган жойида уйқусираб бошини кўтарди.

– Ҳа?

– Ҳовлига чиқма, болалар ҳам чиқмасин, ўлади! – деди Шоикром кўзалари ёниб.

Хадича ҳеч нимага тушунмади шекилли, «хўп» деди-ю, бошини ёстиққа ташлади. Зум ўтмай текис, чуқур нафас ола бошлади. Шоикром айвон чирогини ўчириб, яна уйга кирди. Ҳар эҳтимолга қарши шундоқ эшик тагига, наматга кўндаланг ётиб олди.

«Менга деса, отиб ташламайдими?» деб ўйлади яна ўшандай зарда билан. Шу топда негадир болаларини эмас, хотинини ҳам эмас, укасини ўйлади. Шонеъмат болалигида ҳам заифгина эди. Шоикром уни ҳар кунни мактабдан ўзи олиб келар, иккинчи сменада дарс тугагунча пойлаб ўтирарди. Отаси ўлганида Шоикром олтинчида, укаси иккинчида ўқирди. Ушанда Шонеъмат йиғламаган, аммо ичкиб касал бўлиб қолганди. Она-бола уни авайлаб катта қилиши. Энди бўлса, беш кунлиги қолдими йўқми, ака бўлиб ҳам бахр хам ололмади.

Шоикром ухладими, йўқми, билолмади. Бир маҳал бола йиғладими ё ташқарида шамолнинг гувиллаши аралаш даҳшатли бир фарёд қулоғига кирдими, англаб олмади қолди. Салчиб ўрнидан туриб кетди. Айвон чирогини ёқиши билан қулупнай пуштасида мук тушиб ётган одам гавдасини кўрди-ю, даҳшатдан қотиб қолди. Шу ондаёқ хато қилганини, қотиллик қилганини пайқайди. Сим учини шартта илгакдан юлиб олиб, ҳовлига отилди. «Бошқалари қочди» деган фикр лип этиб хаёлидан ўтди. Пушталар устида сакраб-сакраб юриб бораркан, оёғи ботиб кетаётганини пайқайди. Кейин ғужанак бўлиб ётган одамдан уч қадам бериқоқда тўхтади-ю, бирдан чўққалаб қолди. Бир лаҳза кўзалари олайиб тикилиб турди-да, кўксидан шамол ғувурини ҳам, ўз вужудини ҳам ларзага солувчи бир нидо отилиб чиқди:

– Ойи-и-и!

У бошидан ҳуши учиб бораётганини элас-элас ҳис қилиб, ўзини ерга отди. Титроқ қўллари билан лойи чангаллаганча чўққалаб кўксига муштлай кетди.

– Ойи! Ойижон!

Умири хола бир қўли билан уникқан чит қўйлагининг этагини маҳкам чангаллаб олган, этак ичида икки ҳовуч пишган-пишмаган аралаш қулупнайлар кўриниб турар, бошқа қўли билан эса илондек симни ушлаб турарди. Шоикром унинг қулупнай қилиши юққан, ёрилиб кетган бармоқларини, бўртган томирларини аниқ кўрди. Нарироқда, лойли арик ичида унинг қалиши ётар, чамаси, сим оёғига текканида юлиб олмақчи бўлган, қўлига ўралашиб йиқилган эди.

Шоикром лойли марзадан эмаклаб борганча, ўзини онасининг кучоғига отди.

– Ойижон, очинг кўзингизни! – деди у гезариб кетган лаблари билан онасининг муздай юзидан ўлиб.

У анчадан кейин ўзига келди-ю, тепасида хотини турганини, қизчалари йиғлаётганини пайқайди. Бошини кўтариши билан марза четиде чўққайиб ўтирган Шонеъматга кўзи тушди. Неча ҳафталардан бўён ўрнидан жилмай ётган укаси, афтдан, қандайдир куч топиб эмаклаб чиққан, қўйлагининг елкалари осилиб турар, катта-катта кўзалари ваҳима билан боқар эди.

– Нима қилиб қўйдим, укам! – деди Шоикром яна балчиққа беланган кафти билан юзини чангаллаб. Кейин тагин онасининг устига ўзини ташлади. У онасини кўтаришга уринар, аммо онасининг икки букланган гавдаси негадир ҳеч тикланмас эди.

– Сут ичмай, захар ичсам бўлмасмиди, – деди Шонеъмат овози титраб.

Шоикром бу ожиз, титроқ товушдан сесканиб, укасига тикилиб қолди.

– Заҳар ичсам бўлмасмиди, – деди Шонеъмат яна ўша оҳангда. Афтдан, у йиғлай олмас, йиғлашга мадори етмасди. – Кечаям айтувдим, кўнмадилар. Қулупнайга сут алишади, дедилар.

Шоикром бошқа ҳеч нимани эшитмади. Эшитолмади. Фойдаси ҳам йўқ эди.

У мри холани пешин намозига чиқаришди. Гўристондан чиқиб келишаётганида Шоикром одамларнинг ўзаро гапини эшитиб қолди.

– Уруш тамом бўпти, эшитдингизми?

ОНАНГ ТИРИК,



БОЛАМ



**Совет елдан ва гармселдан,
Асраб, унга бахтин тилайман.**

13 ёшли Юрий Кольцов Ленинград вилоятидаги Валдай шахрида яшарди. Уруш унинг шахрига ҳам кириб келди. Онаси бомбардимон чоғида ҳалок бўлди. Каттақўрғонликлар Юрийнинг хазон бўлишига йўл қўймадилар. Етим бола меҳр қўршовига олинди. Туман босмаҳонаси директори Олейников унга ўз хонасидан жой берди. Муқовачи Диманский эса Юрийга ўз касбини ўргатди.

«Оилам Минск шахридан Самарқандга кўчиб келган эди. Яқинда жигаргўшаларимдан хат олдим, – деб ёзади ҳаракатдаги армия капитани Изаков. – Хатда айтилишича, Сибё райони хотин-қизлар кенгаши катта ғамхўрлик кўрсатиб, уларни иссиқ уйга жойлаштиришган. Отамга, бемор ўғлимга меҳрибонлик кўрсатишяпти. Мен самарқандликлардан жуда миннатдорман. Бунга жавобан, душманни Раҳматлай тор-мор этишга сўз бераман. Ҳафиз, сизларга!»

Боғишамолдаги 7-мактаб ўқувчилари кўчириб келинган тенгқурларига 7 та телпак, 5 та кўйлак, 8 жуфт пайпоқ ва бошқа иссиқ кийимлар совға қилишди. Хишрав кишлоқ Кенгашидаги 1-ўрта мактабда фронт яқинидан келтирилган болалар учун алоҳида синф очилди. Умуман уруш даврида вилоят ҳудудида 8 та болалар уйи, 50 дан зиёд қўшимча синфлар ташкил этилиб, 6 мингдан зиёд бола жойлаштирилди. 1945 йил январида Самарқанд шахрида 52 та болалар бочғаси бор эди. Бу орада Москвадан кўчириб келинган поляк болалари уйи, испан ёшлари интернат мактаби фаолият бошлади.

Меҳнат жамоалари болаларга ёрдам кўрсатиш жамғармасига муносиб ҳисса қўшидилар. Вилоят комсомол ёшлари бир миллион 40 минг сўм тўпладилар. Самарқанд районидаги «Ҳақиқат» колхози аъзолари 27 нафар жангчи уйини ремонт қилиб, уларга кишлоқ ўтин тайёрлаб бердилар. Эри фронтда бўлган Муҳтарам Воҳидовга сигир ажратилди. Жангчиларнинг оилаларига 19 пуд бўғдоғи, 50 метр газлама тақсимланиб, оёқ кийимлари учун 30 минг сўм маблағ берилди.

Ҳарбий комиссариат Ғарбдан келганлар ва самарқандлик жангчиларнинг оилаларига ёрдам кўрсатиш учун жуда катта ишларни амалга оширди. Бу борада комиссариатнинг сиёсий бўлими бошлиғи Яқуб Қўрбоннинг ўз ташкилотчилик кўрсатди.

(давоми 32-бетда)

Самарқандликлар Иккинчи жаҳон уруши йилларида вайрон бўлган шахар ва кишлоқлардан эвакуация қилинган 165 минг кишини, ота-онасиз қолган 20 мингдан зиёд болани ўз оға-иниларидек, фарзандларидек кутиб олдилар, уларга меҳр-муҳаббат кўрсатдилар.

1941 йилнинг кеч кузи. Ҳаво анча совиб қолган. Самарқанд темир йўл вокзали ҳар қачонгидан гавжум. Шаҳар меҳнаткашлари, кишлоқ туманларидан келган вакиллар тўпланишган. Поезд перронга кириб, тўхтади. Одамлар юзида ҳаяжон, изтироб, лекин тиллар калимага келмайди. Вагонлар очилиши билан оломон қалқиб кетди. Аввал болалар туширилди, малла соч, кўнғир соч, кўзлари атрофга жовдироган... Кимларнидир излашади, уст-боши юпун, юз-қўлларига анчадан буён сув тегмаган. Аёллар, кексалар кўзида хижолатли изтироб. Гуё, сизларга ортиқча юк бўлди, уз дегандек...

Самарқанд райони партия комитети ходими Шарипова чидаб туролмади: ўзини болалар тўдасига урди. Қалби, вужуди титраб кетди унинг. Гудакларимизни шу аҳволга солиб қўйдимми, гўрингда ит талагур Гитлер?!

Аввалига болалар ҳайрон бўлиб туришди. Шарипова уларнинг сочларини силар, юз-кўзларидан ўпар, энтиқиб йиғларди. Болалар қалбига меҳр югурди. Ўзларини нотаниш аёл бағрига уришди. Шарипова икки нафар болани ўраб-чирмаб даврандан олиб чиқди. Шаҳар партия комитети вакилидан уларни боқиб, тарбиялашга рухсат сўради. Вакил дафтарида болаларнинг манзилини, исмини қайд қилди.

- Отинг нима?
- Емельян.
- Фамилиянг?
- ...
- Қаердансан?
- Дубровкадан.
- Ота-онанг борми?

– Отам фронтда, онам йўлда ҳалок бўлди. Шарипова болани бағрига босди.

– Хафа бўлма кўзичоғим, онанг тирик, мана, мен онанганман, болам. Сен олтинчи ўғлимсан.

Меҳр тафти боланинг қалбини эритиб юборди. У ўзини аёл кучоғига урди.

– Опажон, энди мени ташлаб кетмай-сиз-а?

Уруш туйфайли вайрон бўлган шахар ва кишлоқлардан эвакуация қилинганларга ана шундай меҳрибончиликлар кўрсатилди. Самарқандликлар нону тузини белорус, молдован, украин биродарлари билан баҳам кўрдилар. Партия идоралари раҳбарлари, колхоз раислари, ишчи-хизматчилар, оналар, қариялар ҳарбий комиссариатга бола беришларини сўраб, мурожаат қилишарди. Улар орасида Самарқанд райони партия кўмитаси секретари Хонимов, Қўштамғали кишлоқ шўроси раиси Игнатов, Боғишамол районидаги 7-мактаб ўқитувчилари Эсонов, Басмалова, Сибёдаги 5-мактаб директори Сулаймонов ва бошқалар бор эди.

Маҳалла комитети раиси Маҳмудов аризасида эса қуйидаги сўзлар ёзилган: «Мен ота-онасиз бир гўдакни ўз қарамомимга олмоқчиман: ўрисми, украинми, яҳудийми - бунинг аҳамияти йўқ. У оиламда ўз фарзандимдек яшайди».

Каттақўрғонлик собиқ жангчи Х.Саматов 12, Энгельс номли колхоз раиси Ф.Каримова эса 10 нафар болани ўз тарбиясига олди.

Иқтидорли шоира Раъно Узоқова вилоят «Ленин йўли» газетасининг 1942 йил 10 февраль сониди босилган шеърини ўқиймиз:

**Эй Ватаннинг қурбони, она!
Азизангдир қўлимда омон.
То ҳаётман севаман уни,
Унга сендек она бўламан.
Худди сендек босиб бағримга,
Эркалайман, бошин силайман.**

ОНАНГ ТИРЖ, БОЛАН

(бошланиши 31-бетда)

Бу тиниб-тинчимас, меҳрибон инсонни одамлар ниҳоятда ҳурмат қилишарди.

Бўлим ташаббуси билан ёзги пионер лагерига 5 минг ўқувчи жалб қилинди. Ҳарбий хизматчиларнинг 12 минг ўғил-қизига овқатланиш учун имтиёз берилди. Шу хизматлари эвазига ҳарбий комиссариат 1942 йил 2 сентябрда Мудофаа комитетидан куйидаги мазмунда телеграмма олди: «Фронтчиларнинг болаларига ёрдам фондига 411.542 сўм пул тўплаган област ҳарбий комиссариатига ва уларга бириккан ҳарбий қисмларнинг офицерларига Қизил Армиянинг ташаққурини билдиргайсиз!»

И. СТАЛИН.

Вилоят меҳнаткашлари қамалдаги Ленинград болалари учун маблағ тўплашни ҳам авж олдирилди. Бу борада ўқитувчилар, мактаб ўқувчилари, комсомол-ёшлар фаоллик кўрсатди. Сибёдаги 5-мактаб ўқувчилари 1942 йил май ойида Ленинградга 1 минг 300 сўм пул, 30 жуфт усти бош, турли ўқув қуроллари жўнатдилар. Оқдарёдаги Горький номили 15-мактаб жамоаси эса қамалдаги дўстлари учун куруқ мевалар солинган посылка тайёрлашди.

ОЛИЙ ҲИМАТ ҚАРИЯЛАР

Иккинчи жаҳон уруши бошланганда минглаб самарқандликлар кўлга қурол олиб, Ватан мудофаасига отландилар. Меҳнат frontiдаги юмушлар, айниқса қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш, асосан кексалар, аёллар ва болалар зиммасига тушди. Хуррият йўлидаги оғир изтиробларни бошидан кечирган отахон ва онахонлар юрт озодлиги учун курашда ҳам фарзандларига ибрат кўрсатдилар. Кексаларнинг байрат-шижоати ёшларга далда, қувват ғайрат.

Нарпайдаги Сталин номили колхозда яшовчи Бобир бобо Холмуродов уруш бошланганда 70 ёшда эди. Суяги меҳнатда қотган отахон эл бошига иш тушган дамларда ўзини жанговар сафга сафарбар этди.

– Ҳозир одамнинг ёши билан ҳисоблашадиган пайт эмас, – деди у колхозчиларнинг умумий йиғилишида. – Қариган бўлсам-да, ҳали куч-қувватим етарли, деҳқончиликда тажрибам бор. Менга ер бeringлар. Урушга кетган жигаргўшаларим учун ҳам меҳнат қиламан.

Ботир бобонинг илтимосига кўра, унга ер ажратилди.

Отахон енг шимариб ишга киришди. Эвено аъзолари билан бирга далага ғалтаклаб гўнг чиқарди, чигит экди, қоңиқ қилди, жўяларга сув таради. Белига этак

боглаб пахта терди. Б.Холмуродов эвеноси ҳар гектар майдондан 62 центнердан пахта йиғштириб олди. Нарпайлик отахонинг ватанпарварлик ташаббуси кўплаб кексаларни меҳнатга қорлади. Пахтакор (ҳозирги Пахтачи) районидagi Карл Маркс номили колхоз аъзоси 70 ёшли Маман Эгамназаров эвенога саркор бўлиб, бир йилда 255 меҳнат куни ишлади. Кўп ўтмай қишлоқдаги Турсун Ҳақимов, Сувон Бобомуродов, Эшқул Бойназаров, Зухра Эшнiёзова каби пенсионерлар ҳам Маман ота сафига келиб қўшилдилар.

Оқдарёдаги «Ленинград» колхозида яшовчи 82 ёшли Мардон Суяров тенқурларига шундай мурожаат қилди:

– Биз эски тузумнинг аччиқ-чучугини кўрганмиз. Бировга тобе бўлиб яшаш нечоғли оғир эканини яхши биламиз. Шунинг учун юртимизни немис босқинчиларидан ҳимоя қилишда ўғил-қизларимизга ибрат кўрсатишимиз керак.

Кариянинг калб сўзларини қишлоқ аҳли чин юракдан олқишлади. Эртасигаёқ Мардон Суяров, Эргаш Бобоқулов, Мардиёт Тожиёва, Майрам она, Эшқуват ота сингари қариялардан иборат эвено тузилди ва улар ўша йили ҳар гектар майдондан 50 центнердан пахта етиштирдилар. Пайариқ туманидаги Димитров номили колхоз аъзоси 86 ёшли Мухар Пардаева фронтга кетган тўрт ўғли учун ҳам ишлаб, кузнинг аччиқ-совуқ кунларида эл қатори пахта терди.

«Ленин йўли» газетасининг 1944 йил 23 сентябрь сонида Булунғур туманидаги Ворошилов номили колхоз аъзоси, икки жангчининг отаси Тилов Тоғаёвнинг «Пахтани тўкманг, увол бўлади!» сарлавҳали мақоласи босилган. Унда шундай сатрлар бор: «Кўзимизнинг оқу-қораси бўлган пахта халқимизга фақат либосгина эмас, душманга ўқ бўлиб ҳам отилди. Мен пахта ҳосиллини кўз қорачиғидай асраш билан бирга тўкилган ҳосилни ерда қолдирмай териб оляпман. Ўтган йили йўл ёқаларига тўкилган пахта мисқолларидан икки центнер териб, пунктга топширдим. Бу одатни ёшларимизга ҳам сингдиришимиз керак».

Самарқанд туманидаги Сталин номили колхозда яшовчи Толиб Латипов кейинги йилларда қариллик гаштини сураётган эди. Уруш унинг оиласига ҳам ташвиш келтирди. Ота ўғли Исони кўнглинлик қатори фронтга жўнатди.

– Кўзимнинг оқу қораси Исожон, – деди кузатиш чоғида у. – Хайрлашиш мен учун оғир, албатта, аммо сен эзгу ишга отланяпсан. Қўлингга қурол олиб, душманни яқсон қил. Мен бу ерда туриб галабангни тилайман. Қариган бўлсам-да, сен учун ҳам меҳнат қиламан. Ёвни биргалашиб енгамиз, ўғлим.

70 ёшли отахон ўз сўзида турди. Эртасигаёқ иш сўраб, колхоз идорасига келди. Эвено бошлиғи Т.Латипов 1944 йилда 488 меҳнат куни ишлади. Шу колхозда яшовчи Хусайн Латипов, Ҳасан Ёрқулов ҳам Толиб

бобо билан бирга тер тўқдилар.

...Қиш охирилашиб қолган бўлса-да, совуқнинг захри тушмаган. Баҳорчи дала юмушлари бошланиб кетган. Колхозчилар ҳар бир дақиқани ганимат билиб, далага ғалтаклаб гўнг ташишади. Ер лой, юриш қийин, бироқ одамлар тиним билмайди. Юзлардан тер куйилади. Фидойилар орасида 60 ёшли Мусаллам ая Расулова ҳам бор. Унинг ажин тушган юзларини совуқ ялайди. Кийими ўзига оғир туюлади. Ғалтак гилдираги эмас, юраги гичирлаётгандек. Онахон толиқди: кўзи тиниб, қўллари оғрий бошлади. Атрофига боқди: ҳамма ишляпти. Қўллари яна ғалтак дастасига ёпишди. Хаёлида, қалбда эзгулик чарх уради. «Беш ғалтак нури ташиб чарчаб ўтирсам-а? Йўқ, виждоним йўл қўймайди, чарчашга ҳаққим йўқ! Ўғлим фронтда мен учун жанг қилмоқда, мен эса унинг учун ишлашим керак. Болагинам, жигаргўшам, онанг чарчамайди! Фақат сен эсон-омон ғалаба билан келсанг, бас!»

Ҳа, Самарқанд туманидаги Куйбишев номили колхоз аъзоси М.Расулова шундай меҳнат қилди. Онахонинг шахсий ибрати, ғайрати юзлаб колхозчилар қалбига оташ солди.

Каттақўрғон туманидаги «Маданият» колхозида яшовчи Раҳмат Султонов икки ўғлини фронтга жўнатди. Соғинч изтиробини отахон олижаноб туйғулари билан енгди. Колхозчилар йиғилишида у сўзга чиқиб шундай деди:

– Фарзандларимиз рус, украин, белорус, қозоқ ва бошқа қардошлари билан бир сафда туриб жанг қилмоқда. Она Ватан посбонлари фронт ортида мустаҳкам таянч борлигини ҳис этсинлар. Бунинг учун ёшимиз, миллатимиздан қатъи назар, барчамиз Ватан мудофаасига ҳисса қўшмоғимиз лозим.

Раҳмат бобо Султонов ўзининг қалб сўзларига биринчи бўлиб амал қилди. У «Ўзбекистон 20 йиллиги» номили танк колоннаси ташкил этишга шахсий жамғармасидан минг сўм пул тақдим этди. Шу фондга 80 ёшли онахон Бегматова, фронтга уч ўғлини жўнатган 75 ёшли Файзиев ва яна ўнлаб қариялар улуш қўшдилар.

Самарқанд шахри кексалари фронтга ёрдам беришда ажойиб ҳиммат кўрсатдилар. Улар фашистлар қўлидан озод қилинган жойлардаги маданий оқартув муассасаларини қайта тиклаш учун 50 минг сўм жўнатди-лар. Кексалар шаҳардаги жангчи оилаларига ёрдам кўрсатишда ҳам фаол иштирок этдилар.

Ушбу сатрлар самарқандликларнинг ўша машъум йиллардаги ҳаётдан айрим манзаралар, холос. Ҳар бир воқеа аниқ фактларга таянади. Зеро, бу битиклар уруш йилларида Самарқанд вилоятида чоп этилган газеталар мақолалари, хабарларига асосланади. Биз фронт ортида меҳнат қилган ҳамюртларимиз билан ҳақли равишда фахрланамиз.

Фармон ТОШЕВ

Тўзал актриса моҳир мусаввир талқинида

Бундан бир неча йил аввал Юлдуз Ризаеванинг уйда шахсий архиви билан танишаётиб, мўйқаламда чизилган ниҳоятда гўзал аёл портретига узоқ тикилиб қолдим.

– Танидингизми? Ўзгариб кетибманми? – деди актриса.

– Ўзгармасиз, ўша чиройингизни сақлаб қолибсиз, десам ишонмайсиз. Бинобарин, нигоҳингиз, табассумингиз, жарангли овозингизда ўша назокат, жозоба муҳайё...

– Чингиз Аҳмаров чизган. Асл нуха. Ягона нуха бўлса керак, – дея портретга тикилиб қолди.

– Машҳур Чингиз аканинг номаълум асари бу! Қачон чизган? Сочингиз узун эмас, кийимингиз ҳам фильмлардаги либослардан фарқ қилади.

– 1947 йилнинг баҳори, «Фарғона қизи»да Дилбар ролини ўйнаётган пайтим эди. Шайхонтохурдаги кино ширкатига бир мусаввир келиб, мени сўрабди. Суратга олишга тайёргарлик кетаётганди. Чиқдим. Сочим қирқилган, устимда қишлоқ қизи кўйлаги, нимчаси. Узун сочларим улама, майда ўрилган. Менга тик қараб:

– Портретингизни чизиш ниятда келдим, – деди ўзини таништириб. Кўпинча «Тоҳир ва Зухра», «Насриддин»дан кадрлар сўраб келишади. Суратчилар цехига юбораман, – дедим.


– Мен сизни излаб келдим. Зухрани, Зулфини («Насриддин саргузаштлари» фильmidан) эмас. Ҳозирги образингиздаги кийим ҳам тўғри келмайди, кундалик кийимда чизмоқчиман. Гримсиз, пардозсиз. Тақинчоқлар ҳам, улама сочлар ҳам керак эмас. Шундай ҳам гўзалсиз.

– Сизга қийин бўлади. Суратга олишяпти. Пардоз-андоз қилишган, сизга ёқмаётган сочларимни нима қиламан?

Шундай савол-жавобдан кейин мусаввир гоҳ мени кузатиб, кўпроқ олдидаги қоғозларга, чизгиларга қараб, бирор нарса демай ижод эта бошлади. Мени павильонга чақиришади. Бораман. Чингиз ака кутиб қолади. Норозилигини билдирмай, ишида давом этади.

17-18 ёшида овозаси, кўрки жаҳонга таралган Юлдузхоннинг чехраси, кундалик ҳаётдаги кўриниши ёрқин, акварель бўёқлар, навқирон ёшдаги расомнинг эҳтиросли мўйқалами ила муҳрлана бошлади. Ўзига ишонган, кўркамлигидан бахтиёр қизнинг мағрурона чехраси янги-янги чизгиларда намоён бўла борди. Бир нуқтага тикилган кўзларда шижоат ифодаси зоҳир. Актрисанинг кино камерасини мудом ҳис этиб туриши тажрибадан. Лирик-психологик чизгилар унда шоирона руҳ устун туришини кўрсатади. Қирқ кокил ўрнини кесилган майин, кўнгироқ сочлар, шойидек юмшоқлигини толалар қатлами ва енгил тушиб турган

нур ва соя таъкидлаб туради. Портретда машҳурлик чўққисига чиққан қизнинг завқ-шавқи, «Эрта тонгда машҳур бўлиб уйғонган» экран юлдузининг ички ҳолатини тасвирлаш чоғидаги қувонч ва ҳайрат мужассам.



Мусаввир ва унинг қаҳрамони мўйқалам осонгина чиза оладиган маконда эдилар. Нур манбаларига мўл павильонда гилдираб юриб суратга олувчи камераларни ҳаракатга келтирадиган темир йўл, аравача, декорация, либослар, реkvизит хазинаси, хизматга тайёр дастёрлар – ҳуллас, студиянинг имкониётлари мусаввирга керак бўлмади. Чингиз ака ҳатто портретнинг орқа планида Зухра силуетини ҳам, нимча тешигидан қараётган Зулфини ҳам, майда сочини бошига чамбарак қилиб ўраб олган Дилбар («Фарғона қизи» фильмидаги)нинг мотоциклни нотекис қишлоқ кўчаси бўйлаб бошқариб боришини ҳам кўрсатишдан ўзини тийди. Композиция марказида ёлғиз Юлдузхон. Ўйлари, орзу-умидлари, узоқлардаги кўркам истиқболини кўраётган Юлдузхон бўлди.

Чингиз ака ўз қаҳрамонини студия шовқин-сурони, бесаранжомлигидан холи этиб, поэтик бир ҳолатга олиб кирган кўринади. Эҳтимол, ўн саккиз «ёшлик ҳусни» бўлган, ҳис-туйғуларини малика қиёфасига кириб, шаҳзода Тоҳирга намоён этган Зухра, севикли ёрига меҳр ва эҳтирос билан қараган Зулфи ёш расомда жўшқин ҳис-туйғу уйғотгандир. Ҳарқалай, мўйқалам бепарво расом қўлида бўлмаганидек, Юлдузхонга кўнгул кўйиб келган йигитнинг ихтиёри билан нозик чизгилар тортганини портретнинг асл нухасида сезиб турамин.

– Расом ардоқли қаҳрамонларимни эмас, ўзимнинг портретимни яратмоқчи бўлганидан беҳад хурсанд бўлдим. Хоҳишини дадил айтгани, қатъият билан иш кўриши мени мамнун этди. Қандайдир улугвор, кўтаринки муҳитда ижод этди у. Мен ҳам шундай сирли бир ҳолатда бўлдимки, хониш қилгим, ижод этгим келди, тасаввур қилишга эҳтиёж сезиб турдим ўзимда. Шундай мислсиз ҳолатни яратиб, бўёқларда, чизгиларда мужассам этган Чингиз Аҳмаровга офарин дейман!

Актрисанинг фарзандлари – Рустам, Ҳотамтой, Шаҳноза ўша суратни бугун уйнинг тўрига қўйишган. Уйга кирган ҳар бир инсон бу машҳур суратга беихтиёр узоқ термулади.

Рухи шод бўлсин «Зухранинг дугонаси» Юлдузхон Ризаеванинг!

Ҳамидулла АКБАРОВ

Энг яқин

Мен ўтган ва ўтаётган лаҳзаларим, бирин-кетин ўтмишга айланаётган кунларим ҳақида ўй суришни яхши кўраман, ўзим билиб-билмай, ўша кунларга суюнаман, улар менга куч берувчи қурилмага ўхшайди. Ҳар бир кун менга нималардандир сабоқ беради, атрофимдагиларнинг айримлари минг бир товланаётганини кўриб, ҳануз ажаблансам, баъзан ҳақиқат қабул қилинмаётганини кўриб қуюнаман...

Бугунги кунимдан мингдан минг розиман. Севимли касбим билан шугулланаман. Фарзандларим бобоси-ю бувиси, адаси-ю онаси ният қилгандек вояга етдилар, буюғига ҳам ҳали насиб этса, умидларим катта... Лекин, нима қилай, хотираларга жуда боғланиб қолганман...

1

Таътил кунлари китоб жавонидаги китобларни тартибга сола бошладим. Китоблар ҳам худди ўтган ҳаётимиздан сўзлаётгандек, ўша олис дамларни, воқеа-ҳодисаларни ёдга солади. Ҳар бир китобнинг ўз тарихи бор. Қўлимга қалин муқовали жигар ранг китобни – Дантенинг «Илоҳий комедия. Дўзах»ини олдим. Мен Тошкент давлат университети филология факультетининг иккинчи курсида ўқиётганимда (бундан 40 йилча аввал) хорижий адабиёт фани ўқитувчимиз Муниҳсон Камолитдинова шу китобни ўқиб келишни уйга топшириқ қилиб берганди. Университет кутубхонасига китобни олиш учун борганимда кутубхона ходимлари «Ҳозир бу китобдан йўқ, барчаси талабалар қўлида», деб жавоб беришди. Уйга келиб, адамга бу ҳақда айтганимда «Ҳечқиси йўқ, қизим, Абдулла акангда бу китоб бўлиши керак, сўрасанг, албатта, беради» дедилар. Мен китобни Абдулла Орипов таржима қилганини эсладим-у, лифт келишини ҳам кутмай, зиналардан югуриб, 8-қаватдан 2-қаватга тушиб кетдим. Абдулла аканинг эшикларини тақиллатдим, шогшимдан кўнгирок тугмасини босишни унутибман. Эшикни Абдулла аканинг

ўзи очди. Мен у киши билан сўрашгач, Дантенинг «Илоҳий комедия. Дўзах» китобини дарсдан ўқишга вазифа қилиб беришганини айтиб, бу китобнинг ўзбек тилидаги нусхаси бизникида йўқ эканини қўшимча қилдим. Абдулла ака ичкарига кириб, қўлларига китоб билан чиқди. «Қизим, бу китоб сенга совға. Отанга салом айтиб қўйгин», деди. Мен раҳмат айтиб, китобни варақлаб, энди лифт келишини кутдим...

Китобларни бирма-бир кўздан кечира бошладим. Абдулла аканинг «Юзма-юз» шеърий тўпламида шундай дастхат ёзилган эди: «Шукржон! Сиз каби ёзувчи оғайним борлигидан бошим осмондадир. Абдулла 29. XII. 78 й.»». Бир сафар Абдулла ака бизникида доимгидек адам билан анча сўхбатлашиб ўтиргач, чиқиб кетаётганда бир китобчани чўнтагидан олиб узатди. У кишининг «Ҳаким ва ажал» достони совға шаклида ихчам чоп этилган экан. «Саида опа! Сизга ва ажайиб оилангизга ҳурматим буюклиги белгиси, деб ушбу китобни қабул этгайсиз. Укангиз Абдулла. 1980 й.» деган дастхат ёзилган эди. Ушанда ташқарида қор ёғаётган, янги йил киришига бир неча соат қолган эди.

Ўша йили Абдулла аканинг рус тилида «Любовь к жизни» китоби чоп этилган, унга шундай сўзлар ёзилган эди: «Замечательному писателю, самому близкому другу Шукржану. Хурмат билан дўстингиз Абдулла 1980.».

Ҳанифа опа (Абдулла аканинг рафиқаси) билан қўшничилик йилларимизни, умуман, ўша кунларни, бўлиб ўтган воқеаларни, яқинларни кўп ёдга оламиз. Марказ-1да ёзувчилар учун қурилган янги уйга ўтган асрнинг 70 йилидан бошлаб, секин-секин қўшнилари кўчиб кела бошла-

ди. Абдулла ака оиласи билан, бизлар, Мутал Бурхонов Мирзакалон Исмоилий, Мумтоз Муҳамедов, Темур Пўлатов, Дадахон Нурий, Омон Мухторов, Ойдин Ҳожиёва, Раим Фарҳодий, Александр Файнберг, Эркин Носиров...

Ижодкорлар, дўстлар, маслақдошлар, устозу шоғирдлар энди бир уйда яшай бошлаган эди.

Ҳанифа опанинг тикув машинаси бор эди. Мактабда меҳнат дарсида тикиш-бичишни ўргатиб, уйга айрим кийимларни тикишга берганида, ёрдам сўраб, опанинг ёнига кўп тушардим. Эсимда, 1972 йилнинг ёзида адам бизларни биринчи марта Булунгурга олиб бориб, қариндош-уруғлар билан таништирмоқчи бўлдилар. Онам эндигина Ҳиндистонда малака ошириб қайтган, ҳаммамизга турли совғалар олиб келган эдилар. Менга бир нечта чиройли кўйлак, қизчаларнинг тақинчоқлари, матолар... Лекин ўша пайт Булунгурга кийиб бориш учун бирорта ўзбекча кўйлагим йўқ экан, шунда Ҳанифа опа атласдан чиройли ўзбекча кўйлак тикиб берган эдилар. Укам Жаҳонгирнинг болалик йилларини, ўсмирлик даврини ҳам кўп эслаймиз, чунки уларнинг кўз олдида катта бўлганди. Уларнинг фарзандлари Шоира, Юлдуз, Зарифалар Жаҳонгир билан битта мактабга қатнашган, битта кўчада катта бўлишган.

2

Икки улуғ инсон – Мутал Бурхонов ва Абдулла Орипов ижодий ҳамкорлиги жуда эрта бошланган. 1969 йилда, Мутал ака 53 ёшда, Абдулла ака 28 ёшда пайти Алишер Навоий таваллудининг 525 йиллиги муносабати билан «Алишер Навоийга қасида»нинг сўзларини ҳамда симфоник оркестр учун, хор ва яқка ижро учун мусиқасини яратилган. 1975 йил 9 майда Иккинчи жаҳон урушидаги ғалабанинг 30 йиллиги муносабати билан Тошкент марказий майдонига номаълум аскар мемориал ёдгорлиги очилиши маросимида Абдулла Ориповнинг «Марсия» шеърига Мутал Бурхоновнинг хор учун басталаган мусиқаси ижро этилган. Бу буюк ҳамкорликнинг энг юксак чўққиси Ўзбекистон Республикаси Давлат мадҳиясининг яратилиши бўлди. Ҳанифа опанинг айтишича, танлов бўлишини билан бир кеча кун аввал

Дўстимиз...

бу икки ижодкор туни билан ухламай, му-
сиқа ва матнни қайта-қайта такрорлаб,
маромига етказишган.

Мутал Бурхонов уйимизнинг биринчи
қаватида бир хонали хонадонда ёлғиз ўзи
яшар эди. Кўз олдимида озгиндан келган,
ўта камтар, зиёли, сал эгилиб юрадиган,
ўйчан, жуда маданий сўзлашадиган ҳола-
ти гавдаланади. Муסיқачи дўстлари, шо-
гирдлари кўп келар, хонадонидан пианино
овози кўп эшитиларди. У кишининг бойли-
ги – пианино, танбур ва деворга илинган
қадимий сўзанаси эди. У кишидан энг кўп
хабар олиб турадиган қариндоши – Дил-
бар опа эди. Мутал аканинг тоғалари, ака-
лари, оилага яқин барча маърифатли, зиё-
ли инсонлар қатагон йиллари, аниқроғи
1938 йилда қатл этилган (албатта, кейин-
чалик барчалари оқланган). Ўтган асрнинг
20-йиллари ўрталарида Бурхоновлар хо-
надонининг энг яқин дўстлари Файзулла
Хўжаев, Фитрат, Чўлпон, Юсуф қизиқ,
Муҳиддин Қори Ёқубов, Тамарахоним
эди. Ўз даврида Мутал Бурхонов, Ҳамза,
Садриддин Айний, Абдулқосим Лоҳутий
билан учрашган. 1929 йилда маърифат-
парвар шоир, муסיқашунос, драматург Аб-
дурауф Фитрат Мутал Бурхоновнинг опаси
Фотимага уйланади. Дилбар опа уларнинг
ягона фарзанди бўлган. Барча қариндо-
шлари қатл этилгандан кейин Мутал ака
Фотима опаси ва жияни Дилбар билан
қолган. Шунинг учун Мутал ака жияни Дил-
бар опага, унинг оиласига алоҳида меҳр
кўрсатар, моддий ёрдам берад, уларга ўз
фарзандидек қарар эди. Мутал Бурхонов-
нинг Фитрат шеърига ёзилган «Нега тарк
эдинг мени?» романи опаси Фотима
Бурхонова хотирасига бағишланган.

Уйимизга меҳмон келганда адам Му-
тал акани ҳам таклиф этарди. Доимий
меҳмонларимиз – адамнинг дўстлари Аб-
дулла Орипов, Ботир Зокиров, Низом Ко-
милов, Учқун Назаров, Ўлмас Умарбеков,
Ўткир Ҳошимов эди. Учқун ака рафиқаси
Дилбар опани, фарзандлари Сайёра ва
Умидни ҳам бирга олиб келарди. Фар-
зандлари ҳам гоҳ бизникида, гоҳ Мутал
аканинг хонадонида ўйнаб юришарди.
Бир сафар эсимда, Дилбар опа Кибриё
опанинг ёнига бориши кераклигини айтиб,
эртароқ кетган эди. Шунда улар ўзаро
жуда яқинлигини, бир-бирларига қаттиқ
суянишларини сезганман.

Мутал ака мумтоз ва замонавий шеъ-
риятни, ўзбек ва Европа муסיқасини,
адабиётни, санъатни чуқур тушунадиган
шахс эди.

Ёши улуглигидан Мутал акага алоҳида
эҳтиром кўрсатилар, жуда кўп воқеа-ҳо-
дисаларга гувоҳ бўлган донишманд ин-
соннинг фикрлари доим эътибор билан
тингланарди. У киши танбурда куй чалиб
берарди.

Сухбатлар адабиётнинг ўтмиши, бугу-
ни ва эртаси, миллий қадриятлар, санъат,
тарих, муסיқа ҳақида бўларди. Энди ўйлаб
қарасам, ўша давраларда энг илғор фикр-
ли зиёлилар йиғиларкан. Ботир ака бош-
чилигида кўшиқлар хиргойи қилишарди.
Ижодий ҳамкорликнинг яна бир намунаси
– М.Бурхонов У.Назаровнинг «Сурайё»
(1964 й.) фильмига муסיқа ёзгандир. Аб-
дулла аканинг «Ирода»(1974 й.) шеъри
Учқун аканинг онасига бағишланган эди.
Ботир Зокиров кичик-кичик хикояларини
адамга кўрсатиб, фикрларини оларди,
маслаҳат сўрарди. Онама Саида Холмир-
заева ТошДУ шарқ факультетининг ҳинд
бўлимиди 1962 йилда тамомлаб, ўша йили
Ўзбекистон радиосида очилган «Ўзбекис-
тонда хорижий мамлакатларга ҳинд тили-
да радио эшиттириш» бўлимида ишлаб
бошлаганди. Ҳиндистонлик мухлислар эъ-
тиборига сазовор бўлган «Чехел-пехел»,
«Тингловчилар билан мулоқот» каби дасту-
рлари бор эди. Бу дастурларда Ботир
Зокировнинг турли тилларда, шу жумла-
дан, ҳинд тилида айтган кўшиқлари тез-тез
бериб борилган.

Оилавий яқин дўстларимиз ҳақида га-
пирганда, шоир Александр Файнберг, рас-
сом Рўзи Чориев, ҳуқуқшунос ва ёзувчи
Файзулла Қиличевни ҳам эслашни хоҳлар-
дим. Бизлар Александр Файнбергни «дядя
Саша» деб, катта бўлганмиз. Битта қават-
да, ёнма-ён хонадонларда яшаганмиз.
Баъзан мактабдан эртароқ келиб қолсак
ёки калитимизни уйда унутиб қолдирган
бўлсак, катталар келишини пойлаб, улар-
никида ёки Дадахон аканикида ўтириб
турардик. 2004 йилда режиссёр Собир
Назармухамедов адам ҳақида «Отилма-
ган ўқ» номли ҳужжатли фильм суратга
олаётганда адамнинг Дўрмондаги боғига
барча яқинларимизни тўплаганди. Баҳор-
нинг илк кунлари эди, ёмғир тўхтовсиз шо-
вуллаб куярди.

(давоми 36-бетда)

Комил ЖОНТӨБ
суратга олган

Энг яқин дўстимиз...

(бошланиши 34-бетда)

Матёқуб Қўшжонов, Усмон Азимов, Александр Файнберг ва оила аъзоларимиз йиғилган эди. Шунда Саша амаки ёвғирда ивиб, шаллабо ҳолда пиёда ҳовлига кириб келгани ҳануз кўз олдимда. А.Ориповнинг «Оломонга» (1980), «Телефон дафтари» (1994), «Эски чориқ» (1996), «Икки каламуш» (1996) каби шеърларини Александр Файнберг таржима қилган.

Адам – Шукур Холмирзаев 1997 йилда дўсти Абдулла Орипов ҳақида, тўғрироғи, у кишининг ижоддаги илк қадамлари ҳақида «Йуллар айро тушиди, аммо...» номли эссесини хурмат ва меҳр билан ёзган.

Адамнинг «Бинафша ҳидланг, амаки» (1998 й.) эссесини Улмас Умарбеков, Абдулла Орипов, Ўткир Хошимов, Учқун Назаров, Низом Комилов, Ботир Зокировларнинг дўстлашуви, ижоди, ўзаро муносабатлари ёрқин тасвирланган.

3

Ханифа опа Абдулла акадан эшитган айрим воқеаларни менга айтиб берган. Адам билан Абдулла ака охириги курсдаги ижодий амалиётни Бойсунда бирга ўташган экан. Абдулла аканинг «Дарбанд дарёси», «Қасамдара» каби шеърлари Бойсун сафарида дунёга келган. Бешинчи курсни битириш арафасида имтиҳонларни топширган, Абдулла ака Қашқадарёга, адам эса Сурхондарёга йўлда бирга кетиш учун поездга олдиндан чипта олиб қўйишган. Тошкент-Термиз поёзди у даврларда Қаршига 24 соатда, Термизга эса 36 соатда борган. Аксига олиб ўшанда Абдулла аканинг «Ўзбек адабиёти тарихи» фанидан имтиҳонни бир кун кейинга қўйилган экан. Азбаройи битта поездда кетиш учун Абдулла ака деканатдан рухсатнома олиб, имтиҳонни мuddатидан олдин топширмоқчи бўлибти. Абдулла ака профессор Саида Нарзуллаеванинг олдида бориб: «Мен имтиҳонни бугун топширмоқчиман, сабаби эртанги поездга чипта олиб қўйганим, рухсат берсангиз» деса, опанинг энсаси қотиб: «Ҳали сиз шунчалик билимдон бўлиб қолдингизми?» деб, «4» баҳо қўйиб берган экан. «Ҳолбуки, гуруҳда Алишер Навоий ижодини менчалик биладиган толиби илм кам эди. Шу «4» сабаб қизил диплом ололмаганман», деб Абдулла ака ўша воқеани ёдга олар эканлар. 1975 йилда Кибриё опа санаторийга дам олишга кетишдан олдин Абдулла ака билан Ханифа

опадан дачаларида яшаб туришларини илтимос қилган. Шунда кунларнинг бирида Кибриё опани сўраб, профессор Саида Нарзуллаева келиб қолибдилар. Ханифа



опа дастурхон ёзиб, чой қўйибди. Дастурхон атрофида ўша воқеани эсга олишибди.

Абдулла ака билан Ханифа опанинг никоҳ тўйи 1967 йилда Қашқадарё вилоятининг Косон туманидаги Некўз қишлоғида бўлган. Адам ўша тўйда Ҳамлет монолоғидан парча ўқиб берган. Абдулла ака эса ўзининг тўйида ҳали сиёҳи қуримаган «Ёзжакман» номли янги шеърини ўқиган экан. Шоирнинг тўйида шеър ўқилмаслиги мумкинми? Яна кўвнинг ўзи шеър ўқиса, қандай ажойиб-а?! 1968 йилнинг ёзиди, тўйларидан бир йил кейин адам, онам, мен ва укам Жамшид Некўз қишлоғига, Абдулла аканинг кадрдон хонадонига меҳмон бўлиб борганимиз. Ушанда Ханифа опа Қарши педагогика институтини талабаси эди. Икки дўст рафиқаларини бир-бирига таништиришган. Бизларни, яъни Тошкенти азимдан келган меҳмонларни Абдулла аканинг қариндош-уруғлари, яқинлари, қўни-қўшнилари меҳмондорчиликка қақиравериб, бир неча кун қолиб кетганимизни ҳалигача эслаб юрагимиз. Адам шундай режа қилган – аввал Абдуллажонларникига, кейин Бойсунга, боришимиз лозим бўлган...

2006 йилнинг 11 август кунини адам – Шукур Холмирзаев хотирасига бағишлаб, Чигатой қабристонига қабр тоши ўрнатилди, ёдгорлик очилди. Тадбирда оила аъзоларимиз, яқинларимиз ва Абдулла ака бошчилигида бир гуруҳ ёзувчи ва шоирлар қатнашди. Абдулла ака адамнинг қабри тепасида туриб, ёдгорлик очилиши маросимини шундай сўзлар билан бошлаган эди: «Мен ўзимни қанчалик билсам, Шукур Холмирзаевни ҳам шунчалик биламан, десам тўғри бўлади. Шукуржон билан феъллимиз тўғри келдими, ҳаёт йўлларимиз бир-бирига ўхшаш бўлдими, жуда яқин дўстларга айланиб қолдик...». Ўша кунини Чигатой қаб-

ристонидан чиқиб келарканмиз, Абдулла ака «Сайёра қизим, ёлғиз қолдим деб, ўқсинмагин. Доим менга суянишинг мумкин. Бирор масала туғилса, бемалол қўлимдан келганча ёрдам бераман», деганди.

Адам вафотидан кейин Абдулла ака у кишининг дала-ҳовлисида тез-тез ёлғиз бориб, ўтириб-ўтириб қайтиб келишини қўшнилардан эшитганман. Бунини Ханифа опа ҳам айтарди. «Шукуржонни соғиняпман. Сўнгги йилларда кўпроқ бирга бўлишимиз керак эди», деб такрорлар экан. Ким билади, дала-ҳовлидаги тош устида ўтириб, энг яқин дўсти билан талабалик йилларини, ўспиринлик даврини, орзулар оғушида фарқ бўлган пайтларини ёдга олганмикин?..

Адамнинг вафотидан бир неча ой аввал, тахминан май ойида дала-ҳовлига борганимизда гап орасида «Адажон, бир кун келиб, бу ерда ҳаммамиз бирга яшасак-а», деганимиз: «Нима бўлганда ҳам набираларимни шу ерда яшашларини жуда хоҳлайман», деган эди. Шунда мен, кейинчалик, албатта қурилиш бошлаш керак экан, деган ўйга келгандим. Шу ниятни амалга ошириш учун аста-секин қурилишни бошладик...

Булар ҳақида Ханифа опага айтганимизда, «Сайёражон, фарзандларинг ҳам катта бўлиб қолди. Албатта, бошлаган ишларингни охирига етказасизлар. Кейин яна қўшни бўлиб, бирга яшаймиз. Худо хоҳласа, ҳовлида отангни чирогини ёқиб ўтирасан фарзандларинг билан, неваларларинг билан. Ўзим сенга энг чиройли гуллар уруғидан бераман, кичик боғ яратишингга ёрдам бераман, яхши ният қилaversинг. Ҳаммаси яхши бўлади», деди.

Мен енгил тортиб, яна хотиралар гирдобига берилдим, берилдим-у, шу лаҳзаларда кўнглим кўтарилиб, келажакка янги-янги умидлар билан қарай бошладим.

2016 йилнинг 5 ноябрда Абдулла ака вафот этди. У кишини хотирлаб, фарзандларим билан уйларига бордик. Ҳовли тўла одам – қариндошлар, яқинлар, шогирдлар, қўшнилари... Беихтиёр, қўшнилари – Эркин Аъзам, Азим Суюн, Турсун Али оилаларини қўриб, қувониб кетдим. Сўхбат, асосан, битта савол атрофида айланди: «Қачон уй қурилиши охирига етадию, оиламиз билан қўчиб келаемиз?». «Менинг ҳам орзуим шу. Ўша кунлар ҳам келиб қолар, Худо хоҳласа», дедим. Хайрлашаётганимизда Ханифа опа Абдулла аканинг эндигина чоп этилган «Танланган асарлар»ини совға қилди. Китобни varaқлай бошладим, ичига «Сайёра қизим! Бобонг билан дадангни руҳлари доим қўслаб юрсин. А.Ориповлар хонадонидан эсдалик учун. 5.11.2016 й.» деб, ёзилган эди. Ханифа опага миннатдорлик билдириб, хайрлашдик.

Сайёра ХОЛМИРЗАЕВА,
филология фанлари номзоди,
доцент



САҲНАНИНГ СЕҲРИ БОР

Умр деганлари қизиқ ва шу билан бирга жуда мураккаб кечади. Тақдир инсонларни турли ўзанларга бошлаши, турфа йўлларга солиши мумкин. Кишиларнинг ўзига хос ҳаёт саҳифалари, қизикarli кечмишлари, жумладан бадий ижод намуналарида, театр ва кино асарларида ҳам ақс этади. Биз эса ўзгалар тақдирини ибрат оламиз.

Шу жиҳатдан санъат турлари орасида театр ўзига хос ўрин эгаллайди, чунки театрда воқеаларни бевосита кузатиши, қаҳрамонлар билан ёнма-ён яшаш имконияти мавжуд. Шахсан мен, айниқса, спектакл якунидан ўзгача таъсирланаман. Ҳозиргина кимингдир ҳаётида яшаган актёр ўзига қайтади ва олқишларга жавобан, таъйим қилади. Асар эса театрда тугаса-да, томошабин қалбида давом этади.

Мана, мендан бир неча қадам нарида саҳна. Бирдан ҳаёлимга муайян тақдир ортидаги инсон – актёр келади. Маълум муддат бирининг ҳаёти билан яшаш анчайин қизиқ жараён. Шунинг баробарида ҳар қандай актёрнинг ўз ҳаёти ҳам бор. Мен фаолиятим давомида жуда кўп ижодкорлар билан гурунғ қилганман. Бу гал Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Зарифа Исмоилова билан касби, телеспектакллар, ҳаёти, оиласи ҳусусида узоқ суҳбатлашдик. У театр, умуман, санъатнинг кудрати, сеҳри, инсон ҳаётига, дунёқарошига, шахс сифатида шаклланишига таъсири ҳақида гоҳ тўлқинланиб, гоҳ қуяниб, гоҳо ҳаяжонланиб гапирди.

– Театр шундай даргоҳки, саҳнанинг киши билмас сеҳри қудрати мавжуд, – дейди З. Исмоилова. – Шунинг учун бу оламга кирган одамнинг қизиқ кетиши қийин. Ёши улуг санъаткорлар ҳам, гарчи роли бўлмаса-да, театрда келиб туришининг сабаби шунда. Уларнинг кечинларини санъат оламидан ташқаридаги одам тушуниши қийин.

Зарифа Исмоилова санъат сеҳрининг ҳақиқий ошuftаларидан. У институтни битириб, театрда келгач, устозлардан амалий сабоқ олди, билмаганларини ўрганди, аста-секин маҳоратини ошириб борди. Шу тариқа ўзбек театрида яна бир ўзига хос актриса шаклланди. У санъат билан оилани баб-баравар олиб боришга муваффақ бўлди.

Тошкент шаҳридаги оддий оилалардан бирида Зарифа исми қиз улгайди. У мактабда аъло ўқиди, жамоат ишларида ҳам фаол бўлди. Байрамлар, тadbирлар Зарифанинг иштирокисиз ўтмас, у ҳар бир тadbирга алоҳида тайёрларлик кўрар, саҳнада раван сўзлар, шу орқали устозлар эътиборига тушганди. Дастлаб шифокор бўлишни орзу қилган қиз кимё, биология фанларини кунт билан ўрганди. 8-синфда ўқитганида она тили ва адабиёти ўқитувчиси мактабда тўғарақ ташкил қилди. Тўғараққа катнаган Зарифа ўзи ўқиган бадий асарлар асосида саҳна қурилишлари тайёрлаб, намойиш этарди. Магушулот кунларини орзиқиб кутарди. Хуллас, мактабни битириш арафасида унинг қалбидаги орзуси ўзгарди: Актриса бўламан! Бу қарорини аввал онасига, кейин отасига айтди. Оилада қизлар тарбиясига алоҳида эътибор берилган учун қизни бу йўлдан қайтармоқчи бўлишди. Кўп бор суҳбатлашиб, қизининг фикри қатъий эканига ишонч ҳосил қилган ота, ниҳоят рози бўлди. Бу эса Зарифага қанот бағишлади. Островский номидаги Тошкент Театр ва рассомлик санъати институтига ҳужжат топширди ва ўқишга кирди!

1976 йил институтни битириш арафасида курс раҳбари Турсунбой Исроилов Зарифа Наманган театрига ишга юборилишини айтади. Отаси эса «Бўлди, қизим, диплом керак эмас», дейди. Бу қатъий қарорни Зарифа устози Турсунбой Исроиловга айтади. Баногоҳ, шу йили «Ёш гвардия» театрига бош режиссёр этиб тайинланган Бахтиёр Ихтиёров институтдан ёш санъаткорларни танлаб олади. Улар қаторида Зарифа ҳам бор эди. Катта саҳнага чиқиш, устоз актёрлар билан ёнма-ён рол ижро этиш саодати насиб этади орзуманд қизга. Талаблиқда олган билими, устозлар сабоғи, қолаверса, иқтидори уни саҳнага тез мослаштиради. Кетма-кет янги роллар ижро этди, турли образлар ярата бошлади.

Театрда овоз режиссёри бўлиб ишлайдиган қаққадарлик Муроджон деган йигит унга тез-тез даста-даста гул тақдим этар, ижодига алоҳи-



да эътибор билан қараб, уни қўллаб-қувватларди. Бир куни Муроджон қизнинг қўлини сўради. Ота-онаси узоққа узатишга асло рози бўлмастлигини билса-да, онасига Муроджон ҳақида гапириб берди. Тақдир санъат билан боғланган бўлса, энди уни тушунадиган умр йўлдоши керак, деб ота-она никоҳга розилик берди. Тўй бўлди. Ҳар гал қилшоққа боришганда ҳамма келинлар сингари эрта туриб, ҳовли сулуermoқчи бўлса, қайнонаси «Тошкентлик келиним, бир-икки кун меҳмонимсиз. Эрта-индин кетиб қоласизлар. Ўзингизни уринтирманг», деб ишга солмасди. Шу-шу Қашқадарёга доим меҳмонга бориб келишавди. Ҳамон уни тошкентлик келин, дег ардоқлашавди. Оилада кетма-кет уч қиз туғилди.

1988 йили Республика Сатира театри ташкил этилди. Янги жамоага турли театрлардан актёр, актрисалар жалб этилди. Зарифа Исмоилова ҳам янги театрга ишга ўтди. Дастлаб театр биноси бўлмагани боси, гастролларда спектакль қўйиб юришди. Тажрибали ижодкор шу театрга ўтиб, «Беш кунлик қувёнда Қишвархон, «Тобутдан товуш»да Нетайхон, «Майиз емаган хотин»да хотин, «Қароқча ва кулоп»да бой хотин, «Аяқонларим»да Шакар, «Ой ёруғи оламгача»да бозорчи аёл, «Олтин жўжа»да тулки, «Насрид-

диннинг ёшлиги»да она, «Жумбоқ»да буви, «Бугуннинг шум боласи»да ҳам она, «Севганинган айрилма»да судья, «Чигирик»да буви ролларини яратди. Зарифа опа учун қадрдон бу образлар томошабин қалбидан ҳам чуқур жой олди.

Кўпчилик севиб томоша қиладиган «Чигирик» спектаклида Зарифа опа қулоғи оғир кмир ролини қиёмига etkазиб ижро этган. Қулоғидаги эшитиш мосламасини йўқотиб, биров тоғдан келса, буви боғдан келиб, жавоб қайтаради. Зарифа Исмоилова бу ролга киришиш учун эшитишида нуқсон бор одамларни қузатди. Уларнинг ҳолатини қалбига кўчирди. Баъзида юздаги табассум, мимика бир маънони англатиши, тил эса бошқа гап айтишини билди. Спектаклда ота-онадан эрта етим қолган невараси учун борини беришга тайёр буви одамларнинг гагини тўғри эшитолмай, хуноб бўлади. Аппарати рўмоли орасидан чиқиб, яна эшита бошлайди. Неварасига бойлик илжинжида уйланоқчи бўлган йилгитни фош қиладди. Бу ҳолатлар Зарифа опанинг қиёмасида шундай ақс этадики, томошабин бир томондан саволга нотўғри жавоб бераётган бувининг гапларига кулса, иккинчи томондан эшитиш неъмат қанчалар муҳим эканига амин бўлади. Умуман, Зарифа опа ҳар бир қаҳрамонига қалб қўрини беради.

Зарифа Исмоилова телевидениеда ҳам бир қатор роллар ижро этиб, томошабинлар эътиборига сазовор бўлди. «Қирқ тоғорнинг қирқ ногораси», «Опа-сингиллар», «Ҳаёт пиллапоялари» телесериалларида, «Оталар сўзи – ақлнинг кўзи» кўрсатувидаги ибратли роллари билан халқимиз кўнглидан жой олди. 2003 йил у Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган артист унвонига сазовор бўлди.

– Меҳнат дафтарчамда 1976 йил ишга кирганим ёзилган, кейин сатира театрига ўтганим қайд қилинган, – дейди Зарифа опа. – Ушандан бери бирор кун ишдан қолмаганман. Турмуш ўртоғим театрда ишлагани, бир-биримизни тушуанганимиз менга ёрдам берди. Бирга ишга бордик, бирга келдик. Барибир, ҳозиргача бирор юки бор, залворли роль ўйнашни орзу қиламан. Ҳали ичимда ўзини намоеён қилмаган бир Зарифа яшап-ти. Уни ўша ролга синдиришим керак...

Зарифа опа оилада яхши бека, қизларига меҳрибон она. фарзандлари тарбияси, соғлиғи учун тулнлари кунларга таради. Баъзан кинога қақришганда қизларини ташлаб, сьемкага бора олмаган пайтлари бўлди, аммо пушаймон қилмади. Қизлари истиқболда ҳам ҳаётининг бир мазмунини кўрди.

– Ёшлигингизга қайтсангиз, яна шу йўлни танлармидингиз? – деб сўрадим Зарифа опадан.

– Албатта! Ахир, тақдир менга саодатли умр туҳфа эпти, бу бахтни ҳеч нарсага алмашмайман! Зеро, театр, умуман санъат – ҳаётим мазмуни.

Тақдир деганларни ўзимиз истагандан бошқача кечиши мумкин. Барибир, бир куни умр йўлимизни таҳлил қилсак, тақдир бизни сийлаганини кўраемиз. Шундай йўлни босиб ўтган инсон ўзини бахтли ҳисоблаши мумкин. Шу маънода, Зарифа Исмоиловнинг ҳаёти, фаолияти ҳам кўпчилик учун ибратли. Ҳали актрисанинг ижодий режарлар ибратли. У ўзи орзу қилган салмоқли роллар – замонамиз қаҳрамонлари образини яратишга ишонамиз.

Манзура ШАМСИЕВА

Ривоятларнинг бирида ўғил отадан: «Эй, падари бузруквор! Қибла томондан бир ёруғлик шомдан то саҳар ўз шуъласи билан бизнинг қулбамизни ёритиб турарди. Негадир шуъла нур таратмай қўйди», деб сўрабди. Ота: «Эй, дилбандим! Ёруғлик таратган шам эмас, у Оллоҳнинг ишқидан тонгла ёнган муқарраб бир ошиқ банди эди. У ўз ҳабиби васлига восил бўлди», дея жавоб берибди. Ушбу ривоятга монанд ҳақиқатлар бор.

Нақшбандия тариқатининг сўнгги йирик вакиллари билан бири, беназир устоз, манбашунос, тилшунос, лексикограф олим Қутбиддин Муҳиддиннинг тарбиятларидан бевосита озиқланган, наинки устоз-шогирд, балки у зотга фарзанду аржуманд ўрнида бўлган Нажмиддин Комиловга нисбат бериш мумкин, деб ўйлайман.

МАҚСАД – КОМИЛ ИНСОННИ ТАРБИЯЛАШ

Нажмиддин Комилов тасаввуф илмининг ахлоқий, маънавий-маърифий қиймати, тарбиявий аҳамиятининг оммалашувида ўз илмий тадқиқотлари билан бекиёс ҳисса қўшган забардаст адабиётшунос, таржиманунос эди. У тасаввуф илмининг нуқтадон, феъл-атворда комилу арзоний, ёру дўстларга маҳбуб, суҳандон, закий инсон ҳам эди.

У киши сиёсий зўравонлик даврида таъкибга учраган, илмий муомаладан чиқарилган, аммо инсонпарварлик ғояларини ўзида мужассам этган, минг йиллар давомида ҳақиқат, тариқат йўлини маҳкам тутган, ўзликни англашга, ҳис этишга даъват этган тасаввуф таълимоти бўйича заковатли олимлардан эди. Мустақиллик шарофати билан баркамол, фундаментал асарлар тасниф этиб, ирфоний камолот босқичи саналмиш тариқат, маърифат, ҳақиқат каби тушунчаларнинг тарихий тараққиётини назарий, амалий жиҳатдан илмий асослаб берган.

Олимнинг «Тасаввуф» асари ушбу таълимотнинг қайта тикланиши, шаклланишида етакчи манбалардан бири, илмий-назарий тадқиқотдир. Асар том маънода халқимизнинг маънавияти не чоғли юксак инсонпарварлик ғоялари билан зийнатланганини намоён қилади.

«Сайид Хасан Ардашер — комил инсонми?» мақоласида Сайид Хасан Ардашернинг комиллик даражасига етиши учун асос бўлган омилларни таҳлил этар экан, ёзади: «Навой учун Сайид Хасан — инсонни комил тимсоли, «Холоти Сайид Ардашер»да у ана шундай инсон сиймосини

яратган. Навоий назарида комил инсон ҳаёлий бир нарса эмас, балки ҳаётий реал одамдир. Бундай одам тариқат сулуқини қабул қилган чинакам дарвеш (дарвеш-поки киши тимсоли — таъдик бизники) бўлиши керак. Бошқача айтганда, идеал инсон — бу гузал ахлоқли, зоҳирий-ботиний илмларни эгаллаган фоний табиат фақир киши». Олим яна дейди: «Сайид Хасаннинг сулуқи ва тасаввуфий эътиқодида ўзига хос жиҳатлар бор... У бирор-бир назария ёки таълимотга кўр-кўрона ишонадиган мутассиб дарвешлардан эмас. Унинг дарвешлиги кўнгил амри, табиати, феъл-атворининг тақозоси эди. Дунё ва унинг бойлиги, ноз-неъмат, шухушу шухратига эътибор қилмаслик, фақр гўшасини ҳамма нарсадан афзал билиш, фақат маънавий суҳбатни писанд этиш, шеър шуур, илму донишдан лаззатланиш Сайид Хасанга кўринган

туғилган зарурият. Оллоҳ Қуръони Каримни пайгамбаримиз Муҳаммад соллаллоҳи алайҳи вассаламга нозил қилмаганда, тасаввуф ҳам бўлмас эди. Ушбу фикримни қувватлантирган Қуръони Каримнинг «Мужодала» сураси 7-оят таржимаси баёнида Оллоҳ шундай марҳамат қилади: «Оллоҳ осмонлардаги ва Ердаги бор нарсаларни билишини кўрмадигизми?! Уч кишининг ўзаро шивирлашиб гаплашиши бўлса, албатта, уларнинг тўртинчиси Удир. Беш кишининг ҳам, албатта, олтинчиси Удир. Бундан оз бўлдими ё кўп бўлдими, қаерда бўлсалар ҳам, албатта, У улар билан бирадир. Сўнгра қиёмат куни уларга қилган амалларининг хабарини берур. Албатта, Оллоҳ барча нарсани билгувчидир.» Ояти каримадан англашадик, биз қаерда бўлмайлик, ким билан сузлашмайлик У биз билан экан. Демак, Оллоҳ бизнинг сирдо-

хислат бўлган». Келтирилган шарҳ Навоий қалбининг муфассир томонидан ўғирилган таржимаси. Айни чоғ мушоҳада ғалбирдан ўтказиб, дуру жавоҳирдан таъкиб тўкиб, солиқка тортиқ қилган ишро, мактуб. Айнан покланиш учун тавсия ҳамдир. Олим шарҳда Сайид Хасанга хос фазилатларни улуғлаш, тавсифлаш орқали Алишер Навоийнинг илму ирфонда етуқ иқтидорини намоён қилади. Бизнингча, Навоийнинг ёзишмаси бўлмаганда, Ардашернинг орифлиги, сўфийлиги маъхум қоларди. Тарих саҳифасини безаган бу асар муътабар икки инсоннинг самимий муҳаббати, гузал ахлоқи ва юксак маърифатидан гувоҳлик беради. Бу аслида — ибрат. Навоий комил инсонни тарбиялаш орзуси, ғояси билан яшаган ва бу олий мақсад барча асарларида матлаб даражасида ўз ифодасини топган. Жумладан, «Холоти Сайид Хасан Ардашер»да ҳам. Демак, матлабнинг асл маъноси шундаки, тасаввуф тафаккур, тадаббур, ақлий-шуурий қуввати бор лаёқатли инсонлар учун — чеғара. Синов — кўприги. Дарёнинг тўлиб оқиши воқелик, аммо соҳилнинг қақраши азалиятдан. Бинобарин инсон тарбияси ирфоний маърифатга муҳтож, жисм илоҳий файздан қонъ бўлмас экан (Илоҳий файз она маҳридаёқ берилади), раҳмат ёмиридан сероб бўлмаган пуч чиганоққа ўхшаши аниқ. Бутун борлиқ Оллоҳнинг раҳмати билан кўкаради, жонланади. Солиқнинг мушоҳада қуввати ҳам, унинг руҳий-ҳиссий оламнинг юксалиши ҳам шундан. Тасаввуф оддий фалсафий таълимот эмас, у эҳтиждан

шимиз, роздонимиз. У бизнинг дўстимиз, ҳабибимиз, маҳбубимиз. Биз Уни севаимиз. У ўзи яратганини ҳам севади. Шунинг учун У бизга Дастурулаамал берган.

Бунинг баробарида Сирдон билан сирдошлик қилиш, руҳан ва жисман У билан боғлиқ тасаввуфдан бошқа нарса эмас. Тасаввуф, айнан, ғайб оламига саёҳат — тавҳид асрорига саёҳат демак. У — илоҳий тарбиянинг дастури. Тасаввуф томон юз тугиш соғлом йўлга қўйилган дастлабки қутлуг қадамдир. Шунинг учун солиқ тариқатга кириши учун, аввало, иймонини саломат сақлаши, покиза ҳаёт кечириши, кимлигини англаши, Яратганини чин дилдан севиши, илоҳий муқаддас маърифатдан огоҳ бўлиши, жисмини хилдан софлаши ва қалбини илоҳий нур билан музайян этиши зарурий эҳтиёжга айланмоғи лозим. Сайид Хасан Ардашер жисму руҳида суҳурланган сифатлар бундан далолат, деб ўқтиради олим.

Хар бир услуб ўз хусусиятини англатувчи сўз қатламига эга. Нажмиддин Комилов манбаларни тадқиқ этишда тасаввуфий терминларнинг асл луғавий маъносидан ўзга сатр ости, матн маъноларига катта эътибор берган. Сузларнинг маъноси соясининг шаклланиши инсоннинг ички ва ташқи ҳолати ифодасига боғлиқ ва солиқ руҳининг тағйир топиши (ўзгариши), вадҳол (Оллоҳдан ўзга нарсани кўрмаслик) мақомига эришиши бундан далолат. Масалан, сулиқка кирган солиқ мақсад сари маълум белгиланган мақом-зинаси (синов)

дан ўтиши, кўтарилиши лозим. Ана шу ҳолатни англлатувчи сўз тасаввуф истилоҳи ҳисобланади. Таҳлилда олим Абу Наср Сарроҳнинг маълумотиغا суяниб, солиқнинг руҳий-маънавий камолоти босқичини белгилловчи тариқат мақоми истилоҳлари саналимиш тавба, вараъ, зухд, фақр, сабр, хавф, ражо, таваккул, ризо каби темирларни шарҳлаб, изоҳлаб тушунтиради. Эътибор беринг, хавф атамасининг луғавий маъноси — қўрқув, ваҳима, ташқи таҳдид. Н. Комилов «хавф»га қуйидагича таъриф беради: «Хавф — қалбнинг ишончдан, иймон заминидан чиқиши, иккиланиш, таҳлика. Солиқ азобдан эмас, балки макрдан, нафс макридан қўрқади. Ваҳоланки, шайтон иймони мустаҳкам одамдан қўрқиши керак». Юқорида саналган тасаввуфий атамаларни муфассир ўта синчковлик билан маъно нозиклигини аниқлаб, толибларга тортиқ этган. Наҳмиддин Комилов теран заковати билан тасаввуф таълимотини янги босқичга олиб чиққан олим эди.

Наҳмиддин Комиловнинг адабиётшунос, хусусан, навоийшунос вифатидаги илмий услуби ва таҳлил усули ўзга тадқиқотчилар услубидан тубдан фарқ қилади. Сабаби, олим алломаларимиз томонидан туркий, форсий, арабий тилда битилган қўлёзма ва литография манбаларни аслиятдан юқори малакага эга бўлган етук матншунос ва манбашунос мутахассис сифатида ўқий билган, уларнинг мазмун-моҳиятини ҳужжат асосида илмий таҳлил этишга қодир эди. Тафаккур соҳибларининг маърифий қарашларини бутун бир андозага келтириб, синтез қилади, мазмунини китобхонга тортиқ этади. Мутлоа асносида ҳосил бўлган назарий-илмий қарашларини ўз рисола, мақолалари қурилишида долзарб манба сифатида муомалага киритади ва соф, тоза, янги маълумотларни қўллаш орқали ҳулосаларнинг устуворлигини таъминлайди. Ундаги бу жиҳат олимнинг эҳсос қуввати, қабул сезими, билим уфқи кенглигидан далолат. Олимнинг ёзишмалари стилистика нуқтаи назаридан бадиятга яқин. Мавзу талаби билан сўз танлаш ва қўллаши уни иншо борасида маҳоратли муншӣ эканини тасдиқлайди.

Наҳмиддин Комилов ҳаётида нашр бўлмаг қолган ва истеъдодли адабиётшунос Олимжон Давлатов ташаббуси билан 2012 йилнинг ёзида чоп этилган Алишер Навоийнинг ғазаллари таҳлиliga бағишланган «Маънолар оламига сафар» номли асари ғазалшунослик соҳасида янгича тартиб-усулда битилган оригинал тадқиқотдир. Рисоланинг кириш қисмида ғазални шарҳлаш буйича қўлланган усул, тартиб, қоида ҳақида маълумот бериллади. Муал-

лифнинг тавсифига кўра, ғазал матнида учраган қийин сўзлар маъносини изоҳлаб, лугат тузиш, байтларни насрий баён этиш, ғазалнинг умумий мазмун-маъноси, бадиий хусусияти устида мулоҳаза юритиш ва бу усулни таълим-тарбияда жорий этиш самарали воситалардан бири, деб баҳоланади. Ғазал аруз вазнида битилгани боис, уни аруз вазни талабига мувофиқ ўқиш шартлиги, ғазал аруз вазнида ўқилмаса, вазннинг бузилиши, ғазалнинг таъсирчан хусусияти пайиши, унинг оҳангдорлигига путур етиши ва шоир кўзлаган мақсад ечиммай қолиши мумкинлиги таъкидланган.

Наҳмиддин Комилов форс-тожик адабиёти намуналаридан бир қатор асарларни ўзбек тилига ўтирган. «Комил инсон ҳақида тўрт рисола» номи остида «Маънавият» нашриётида 1997 йилда нашр этилган китобда Фаридиддин Атторнинг «Илоҳийнома», «Мантӣқ ут-тайр», Султон Валаднинг «Маориф», Азизиддин Насафийнинг «Зубдат ул-ҳақойиқ», Хусайн Воиз Кошифийнинг «Футувватномаи султоний» каби асарлари жой олган. Шу ўринда XIII асрда

меросини ўзбек китобхонларига таништириш мақсадида бу асарни таржима қилганини қайд этади. Асар XIII асрда ёзилганига қарамай, лексик қатламида ўзгариш деярли сезилмайди, услуб раван. Ўқиши осон, матнда ишлатилган фалсафий ва тасаввуфий истилоҳлар асарнинг асосий мағзини ташкил этади. Асар мутлоасига киришган ўқувчи ўрта асрда ривож топган ижтимоий билимлардан маълум даражада кўникамага эга бўлмоғи лозим. Таржимон бу соҳада комил бўлгани боис, қўлланган барча диний атамаларни матн вариантда келтириб, тушунилиши мураккаб сўзларни қавсда соддалаштириб кўрсатади, ўзбекча муқобилни келтиради. Масалан, аслиятда қўлланган олам, жавҳар, аъроз, қисм, ғайб, шаҳодат каби сўзлар таржимода зот-жавҳар, қисм-кўриниш, ғайб-яширин олам, шаҳодат-шухуд-қўринган тарзида ўгирилган.

Шайх Муслиҳиддин Саъдий «Ақл ва Ишқ ҳақида рисола» асарида ёзади: «Билгинки, зоҳирий илмдан мурод макорим ул-ахлоқдир ва ботиний софлик эса жисмин тозалаш орқали вифатда келади. Солиқ жамолнинг хираланишига сабаб нафсининг қўтқусидир. Ҳижобнинг кўтарилиши гўзал ахлоқ ва руҳоний мушоҳадалардан маҳрум этади. Шундай экан, қалб мусавволигига эришиш ҳамда ахлоқи ҳамидини ҳосил қилиш, зарурий илмларни эгалламоқлик тариқат муридига вожибдир. Солиқ бу ҳислатларга дохил бўлмоғи учун узлат ва хилватни дўст тутмоғи лозим. Шунда солиқ тариқатда маърифат



Суюма Ғаниева ва Наҳмиддин Комилов

гулшанидан баҳраманд бўлади. Бу Оллоҳ томонидан солиқка ирода қилинган амалдир. Зеро, Оллоҳнинг зикри солиқка завқ ва шавқ ато этади. Натҳижада солиқ ўзга олам кишисига айланади. Зикр солиқни Оллоҳнинг ғайбига мустағрақ қилади. Бу вайжд деб номланади, интиҳоси эса илоҳий ишқ ҳисобланади. Булар Оллоҳнинг васли ва маърифати, камолотига йўл очади.

Наҳмиддин Комиловнинг инсоний, ахлоқий, маърифий сифатлари Муслиҳиддин Саъдий таърифлаган фазилатлар билан зийнатланган, десак муболаға бўлмас. Фиёсиддин Хондамир «Мақорим ул-ахлоқ» асарида «Кимки тонг каби сирларни очиб ташлашни ўзига касб қилиб олса, кўёш сингари бошига олтин қадалган тож кияди...» дейди олимлар ҳақида. Биз ҳам Наҳмиддин Комиловни бошига илм тожини кўндирган, шўъласидан тийра қалбларни мунаввар этган фикрат соҳиби дейишни лозим топдик.

Исҳоқхон НОСИРОВ,
филология фанлари номзоди,
доцент

ТАСВИРИЙ САНЪАТ, ДАВР ВА ТОМОШАБИН

Бугун янгиликлар, воқеалар ҳақидаги маълумотлар кўлами тобора кенгайиб бораётир. Матбуот ва ижтимоий тармоқларда берилаётган чексиз хабарлар, тинимсиз оқиб келаётган, ҳатто керагидан ортиқ ахборотлар инсон организмда зўриқиш пайдо қилади. Натижада одам ўзини кўп нарсага улгурмаётгандек ҳис қилади.

Бу жараён тасвирий санъат олами вакиллари ҳам четлаб ўтмаяпти. Яратилаётган асарлардаги композицион ечим ниҳоятда ранг-баранглиги, турлича бадий ёндашув-



лар, мавжуд замонавий тенденциялар ижод аҳли тафаккурида ҳам мураккаб ўзгаришларни келтириб чиқармоқда. Ҳозир классик санъат намуналаридан ёхуд XIV-XVI асрларда содир бўлган Европа Уйғониш даври дурдоналаридан ҳайратланиш, илҳомланиш бир оз пасайгандек.

Сўнги йилларда кўпгина мусаввирлар асарларида турли ранг ва чиқиқларнинг фавқуллода намоён бўлиши ҳодисаси кучайиб, ғайритабиий тасвирлар яратишга иштиёқ ошганини кўриш мумкин. Бундай асарларда ижодкорнинг қандайдир фалсафий фикрларни айтишга интилиши яққол сезилиб, ноанъанавий талқин орқали томошабинга таъсир ўтказиш, уни жалб қилиш тенденцияси намоён бўлди. Айни жараён тасвирий санъатда юзага келган турли оқим ва йўналишлар ҳамда уларнинг номланиши билан изоҳланади.

Шуларни назарда тутадиган бўлсак, олдинги даврлар санъатида муҳим роль ўйнаган ва қадрланадиган айрим жиҳатлар, жумладан, шакл ва ранг гўзаллиги, нафосат тушунчаси, композициядаги реализм қонуниятлари, ранглар гармонияси, колорит каби тер-

минлар бугунга келиб бошқачароқ мазмун касб этаётгандек.

Аслида, санъатда бундай кайфият пайдо бўлиши янгилик эмас. Европа Уйғониш давридан кейинги (XVI асрлар) тасвирий санъатда моньеризм (италиянча «manierismo», «maniera» – услуб, манера) оқими юзага келгани тарихдан маълум. Санъат олами вакиллари ҳам ўз ижодини у ёки бу тарзда бўлса-да, намоён қилиши керак. Бу ҳолат шундай таҳлил қилинади: «Санъат тарихида моньеризм деб ном олган ушбу бадий оқим Уйғониш даври гуманистик гоёлари барбод бўлганидан далолат берибгина қолмай, балки санъаткорларнинг бадий маҳорат жиҳатдан ҳам орқага кета бошлаганини кўрсатади». Ҳа, ҳамма санъат турлари учун муҳим бўлган бадий маҳорат тушунчаси ўша даврлардан бошлаб ўз мазмунини ўзгарира бошлаган бўлса ажаб эмас. Демак, бугунги тасвирий санъатда мавжуд бўлган ва кенг ўрин олаётган сюрреализм, импрессионизм, авангардизм, кубизм, абстракт санъат ва бошқа кўплаб оқим ҳамда йўналишлар илдиз этаётгани том маънодаги бадий маҳорат етишмаслиги, вақтнинг тез-




кор суръати туфайли мусаввирлар «тезроқ ҳаммани лол қолдиришга» интилиши билан боғлиқ. Бу фикрларни асослашга етарлича жавоб топилади. Масалан, XIX асрнинг иккинчи ярми ва XX аср бошларида яшаб ижод этган машҳур рус rassоми Илья Репин ўзининг «Запорожьеликлар» картинасини ўн йилдан ошиқ (1880-1891 йиллар) яратган бўлса, ҳо-

зири кунда баъзи rassомлар ўз асарларини бир-икки кун ичида ишлаяпти. Масалага янада аниқроқ ёндашайлик: Леонардо да Винчи ўзининг «Мона Лиза» асари ёки «Сирли оқшом» картиналари устида ишлаганда, улардаги ҳар бир кўриниш, ҳолат ва ранглар тузилмасини олдиндан шундай режалаштирганки, ушбу композицияларда тасодифий унсур йўқ. Тасвирдан ниманидир олиб ташлаш ёки асарга бирор нима қўшишнинг илжи йўқ. Демак, замонавий санъат ҳақида гапирганда (айниқса, абстракционизм) мана шу жиҳатни ўйлаб кўриш керак. Яъни, бундай ҳолатда тез бажарилган, тасодифий композицияга асосланган асарнинг муваффақияти ҳам тасодифий бўлиши ҳақиқатга яқин. Бундай вазиятда томошабинни санъатни тушунмасликда айблаш, балки тўғри бўлмас...

Фикрларимизни асослашга ҳаракат қиламиз. Дастлаб вақт ҳақида. Ҳозир, ҳақиқатан, вақтимиз тигиз. Ҳар биримиз тезроқ ва кўпроқ ишлашга, ўқишга, натижани кўришга шошиламиз. Ақс ҳолда бошқалардан, замондан ортда қолиб кетишимиз мумкин. Шундай пайтда икки-уч соат сарфлаб, «фақатгина маънавий озуқа олиш учун» тасвирий санъат асарлари кўргазмасига боришимиз амри маҳол. Бунинг устига кўргазмалар, асосан пойтахтда, катта шаҳарларда ташкил қилинса... Хўп, бордик ҳам дейлик. У ерда намоёиш қилинаётган аксарият асарларни тушуниб, улардан баҳра ола билармизми?!

Бу ҳолат қайсидир жиҳати билан тасвирий санъат соҳаси вакиллари ҳам дахлдор эканини инкор қилиб бўлмайди. Рассом борки, у томошабин фикрига, эътирофига муҳтож. Шундай экан, у тезроқ «ҳеч ким қилмаган ишни» қилишга, яъни ноодатий, томошабинни ҳайратлантирадиган асар яра-



тишга иштиёқманд бўлади. Табиийки, тезроқ яратилган асар баъзи камчилликлардан холи бўлмайди. Ўз-ўзидан аёни, ҳарс икки кўлдан чиқади: томошабин вақтини қизгангани ва унчалик тушунмагани, маънавий озуқа

опломаслигини билгани учун кўрғазмага бормаган бўлса, мусаввир ҳақиқий мухлислари сони камлиги, яратган асарининг эътирофи этилмаслиги, сотиб олинмаслиги шубҳаси остида ижод учун кам вақт сарфлагани маълум бўлади.

Ҳақиқатан ҳам, бирор санъат турининг гуллаб-яшнаши учун, аввало, унга нисбатан талаб, уни тушунадиган, унга харидор бўладиган томошабин-мухлис бўлиши керак. Яратилган асарнинг мухлиси мавжуд экан, гарчи у ўртамиёна ижод намунаси бўлса-да, яшайди.

Кейинги йилларда ҳамма соҳаларда, жумладан, рангасвирда ҳам ноанъанавийлик, янгича қарашлар, ўзгача композицион ечимлар пайдо бўлаётган яна бир сабаби яратилаётган асар, тасвирий санъат намунаси ёки бошқа санъат турига мансуб бўлсин, унда бирор янгилик бўлиши керак, деган ақиданинг юзага келганидир. Бугунги томошабиннинг диди ниҳоятда нозик. У янги асарни шу пайтгача мавжуд бошқа турдошлари билан таққослайди, солиштиради ва улардан устун жиҳатлари бўлсагина тан олади. Санъат тарихига назар соладиган бўлсак, баъзи ҳолларда «янгилик» орқасидан қувиш натижасида ақл бовар қилмайди деган тасвирлар яратилганки, буларнинг ҳам ўз мухлислари бор. Масалан, 2012 йилда Марк Ротконинг «Қиролликнинг қизил ва кўк ранги» картинаси 75 100 000 долларга, 2007 йилда Энди Уорхолнинг 1964 йилда ишланган «Мовий рангли Мэрлен» картинаси 80 000 000, Ван Гог томонидан 1890 йилда яратилган «Доктор Гаше портрети» 82 500 000, француз рессоми Поль Сезаннинг «Қарта ўйновчилар» картинаси 2011 йил аукционда 250 000 000 долларга сотилгани шу каби далилларни келтириш мумкин. Бир нарсани айтиб ўтиш керак, бундай томошабин ва харидорлар аудиторияси унчалик катта эмас. Бинобарин, айнан шу кичик аудитория кўп нарсани белгилайди. Шунинг учун баъзи мусаввирлар ўз асарларини кўпчиликини ташкил қилувчи оддий томошабинлар учун эмас, балки ўша катта бўлмаган аудитория вакиллари учун яратаётгандек.

Бизнингча, бугунги кунда мана шу аудитория аъзолари камлиги учун санъат асарлари кўп хонадонларга етиб бормапти.

Ўз-ўзидан савол туғилади: бугун мусаввирлар томонидан яратилаётган ва кўпчилиги модерн санъатига мансуб асарлар нима учун ҳамма томошабинга бирдек манзур бўлавермайди? Аслида, ҳар бир санъат асари инсоният учун хизмат қилиши керак эмасми? Ёки бу тушунчалар ўз мазмун моҳиятини ўзгартирдимиз? Биз айтиб ўтган ўша кичик аудитория, яъни, замонавий санъатни яхши тушунадиганлар, қабул қиладиганлар кимлар? Замонавий санъат мухлислари нисбатан камчиликини ташкил этса, бундай санъат қандай яшаб қолмоқда? Бунинг сабабини санъат ва давр тушунчаларидан қидириш керак.

Санъат тарихига назар ташлайдиган бўлсак, давр, тасвирий санъат ва томошабин ўртасидаги ўзаро боғлиқликини ўрта асосий ҳолат билан белгилаш мумкин:

Секин тараққий этган давр + санъатнинг ҳар қандай кўринишига чанқоқ томошабин = тараққийёт босқичига чиқувчи санъат;

Катта ўзгаришлар даври + ҳиссийётларга бой томошабин = даврга ҳамоҳанг ва ривожланган санъат;

Тезкор замон + вақти тигиз ва янги кўринишдаги санъат асарларини томоша қилишга тайёр бўлмаган томошабин = мухлиси камчил тасвирий санъат.

Демак, ўз-ўзидан маълум, янгиланаётган санъат ўзи кутганидек томошабинга эга бўлмаслиги ёки камчилик мухлис билан ҳам кифоялиши мумкин. Лоақал, шу аудитория борлиги учун ҳам санъат асарлари яратилаверадими ва кўрғазмаларга қўйилаверадими.

Нурмон БЕРДИЕВ,
Тошкент
архитектура-қурилиш
институтини катта ўқитувчиси



абстракционизм

ЎЗ ҚАСБИНИНГ УСТАСИ ЭДИ

Қуни кеча сафимизда юрган, ўз маслаҳатларини ҳам-қасбларидан аямий келган инсон ҳақида раҳматли деб ёзиш нақадар оғир. Аммо Оллоҳнинг иродаси шундай экан. Мамлакатимизда коронавирус пандемияси эълон қилинган кунларда фотожурналист Машраб Нуринбоев юрак хуржидан вафот этгани ҳақида совуқ хабар келди. Яқинда у кишининг 65 ёшини нишонлаган эдик...

Хужжат бўйича исми Рисқитилла бўлган Машраб ака кейинги исмини яхши кўрар, таҳририятларда эълон қилинадиган фоточеркларни, лавҳаларига Машраб Нуринбоев деб ёзар эди. Бирор мавзуда баҳс кетса, «Мен бир Машрабни девона бўлсам, билмасам», деб қўя қоларди. Асли касби географ бўлгани учун табиат, наботат оламга доир жуда кўп китоблар ўқир, гуллар парварши қилар, бу масалада маслаҳатларини ҳеч кимдан аямас эди. Бўстонлиқ тумани Хумсон қишлоғидаги уйига борса, тоғдан доривор ўтлар, дўлана, наъматак сингари мева-

ларни териб келиб тарқатар эди. Тоғдан доим шифобахш бўлоқ суви олиб келарди. Дам олиш кунлари қишлоғимга кетаман, деб наваралари, кўни-кўшинларининг фарзандларига китоблар, ўқув қуроллари йўғар эди. Бу ишларни бағарас қилар, кимгадир ёрдами тегаётганидан болаларча завқланар эди.

Машраб акани пойтахтимиздаги Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчиларига фототўғарак ўтишини эшитган эдик. Кўпинча таҳририятга журналистикага қизиқадиган болаларни етаклаб келар, уларга иш жараёнларини ўргата, яна олиб бориб қўяр эди. Шундай болалардан бирини асраб олиб, уйли-жойли қилганини биламиз.

Бугунги кунда суратга олиш учун имконият кўп. Ўн-тадан бири муваффақиятли чикса ҳам хурсанд бўламиз. Машраб аканинг расмиларини кўрар эканмиз, битта кадр-даёқ лаҳзани ушлаш олиш маҳоратига тан берамиз. У ўз қасбининг ҳақиқий устаси эди.

М.Нуринбоев «Гулистон» журналида ишлаш билан бир қаторда мамлакатимизнинг қатор газети ва журналларида ижодий ишлари билан қатнашиб турар эди. Узоқ йиллар «Саодат», «Тафаккур» журналларида, «Ўзбекистон адабиёти ва санъати», «Оила ва жамият» газеталарида фаолият олиб борди. Машраб ака Аҳмад Тура, Азамат Фаёзуллаев сингари ёшларга устозлик қилди. Айни пайтда шогирдлари ҳам ўз ижодий ишлари билан танилиб қолди. Шогирдларига шу қадар эътиборли эдикки, фотоплаваха учун лаҳзани ушлаш, нуру ва сўзининг тушиши каби жиҳатларини эринмай ўргатар, нафақат қасб сирларини, ҳаётда ҳам керак бўладиган насихатларини аямас эди.

Моҳир фотожурналист, меҳрибон устоз, азиз ҳам-қасбимиз Машраб Нуринбоевнинг порлоқ хотираси қалбимизда абдадий яшайди.



«Гулистон» журнали таҳририяти жамоаси

«ҒОЛИБО УЛ РАҚС АНИНГ ИХТИРОДУР...»

Ўзбек миллий санъати ва маданиятини бутун дунёга кенг тарғиб қилиш, асрлар синовига бардош бериб, бизнинг кунларимизгача етиб келган маданий-маърифий меросимизни дунё халқларига тақдим этиш глобаллашув даврида муҳим аҳамият касб этади. Буюк давлат арбоби, қомусий олим, шоҳ ва шоир Захриддин Муҳаммад Бобурнинг «Бобурнома» асари муаллиф тарихчи, адабиётшунос, этнограф, санъатшунос сифатида ҳам ёрқин истеъдод эгаси эканини намён қилади.

Таникли олим О.Жўрабоевнинг фикрича, «Бобур Мирзо санъатни жуда яхши тушунган ва ўзи ҳам машғул бўлган, ҳатто мусиқа басталанига оид далиллар бор. Мисол учун «Бобурнома»нинг ҳижрий 926 (милодий 1519-1520) йилга доир саҳифаларида бир мухаммасга «Чоргоҳ» савти (куй)ни боғлаганини ёзади. Яна айтади, «Неча маҳал эди, мундоқ нималарга машғуллук қилмайду эдим. Манга ҳам дағдага бўлдиким, бир нима боғламаймен...» Маълум бўладики, Бобур бир неча шеърларга мусиқа басталаган».

Бобур Мирзо улғу мутафаккир Алишер Навоий асарларига ахтиром билан юксак баҳо беради ва Алишербек ўз даврининг энг машхур созандалари Устоз Қулмуҳаммад, Шайхий Нойи ва Ҳусайн Удий каби «аҳли фазл ва аҳли хунарга» мураббий эканлигини айтади, улғу шоир истеъдодининг яна бир қиррасини алоҳида таъкидлайди:

«Яна мусиқада яхши нималар боғлабтур. Яхши нақшлари ва яхши шеърлари бордур». «Нақш»нинг яна бир маъноси куй, ашула эканини эътиборга олсак, Навоий мусиқа басталаш даражасидаги етук бастакор бўлганлигини англаймиз.

Бобур Мирзо Қулмуҳаммад, Шайхий Нойи, Шоҳқулий гижжакчи, Ҳусайн Удий каби ўша даврнинг моҳир созандалари ҳақида тўхталиб, Бадиуззамон Мирзо саройидаги бир воқеани баён қиларкан, бу баёнда унинг зукко нигоҳини, «шеърга мусиқа басталаш» билан жиддий шуғулланганини, кучли эстетик қарашлари, мусиқа илмидаги идрокини ҳис қиламиз: «Яна Шайхий Нойи эди, удни ва гижжакчи ҳам ҳуб чолур экандур. Ўн икки-ўн уч ёшидин бери найни ҳуб чолур экандур. Бир навбат Бадиуззамон Мирзонинг суҳбатига бир ишни найдин ҳуб чиқарур, Қулмуҳаммад гижжакта ул ишни чиқара олмас. Держим, гижжак ноқис созду. Шайхий филоҳ Қулмуҳаммадининг илқидан гижжакчи олиб, ул ишни гижжакта ҳуб ва покиза чолур. Шайхийдин яна бир нима ривоят қилдилар: Нағамотқа андоқ фалон пардаси мунга оҳандур, вале ҳейли иш боғламайду. Бир-икки нақш андин дерлар». Бобур Мирзо фавқуллода истеъдод соҳиби бўлмиш санъат аҳлига юқори баҳо беради. Масалан, Сайид Бадрнинг рақси ҳақида муносабат билдириб, ҳатто унинг ўзига неч устулгини алоҳида

таъкидлайди. «Яна Сайид Бадр эди. Бисёр зўр ва асру ширин ҳарокат киши эди. Ажаб соҳиб усул киши эди. Ғариб ҳуб рақс қилур эди. Ғайри муқаррар рақс қилур эди. Ғолибо ул рақс анинг ихтироидур. Ҳамиша Мирзо мулозаматида бўлур эди.» Муаллиф Сайид Бадр рақсининг нозик жиҳатига эътибор қаратади, бу «Ғайри муқаррар рақс» муаллифга ўзгача завқ-шавқ бағишлаганини сезиш мумкин. Ёки Баёний тахаллуסי билан шеърлар ёзган созанда Ҳожа Абдулло Марворий ҳақида сўз юритиб «Пурфазойил киши эрди, қонунни онча киши чалмайду, қонунда гирифт қилмоқ кишидин ихтироидур», дейди Бобур мусиқада ҳам, рақс санъатида ҳам оддий ижро билан «ихтиро»ни фарқлайди, мантқиқий идрок билан, санъатшунос каби фикр юритади. Ўша давр мусиқа ва рақс санъати ҳақида қимматли маълумотлар беради. Мусиқашунослар хусусида гап кетганда шоир Биноийни тилга олади: «Биноий ҳам мусанниф эди. Яхши ширин ва нақшлари бордур».

Бобур Мирзони Ҳиндистондаги қўчманчи лўлиларнинг рақс усуллари ҳайратга солган. Қуйидаги парчада муаллиф ҳинд лўлиларининг «ўюн»ларини таърифларкан, шоирнинг юксак эстетик қарашлари, синчковлиги ниҳоятда ёрқин намён бўлади. Китобхон мутолаа жараёнида лўлилар «ўюн»нинг энг кичик деталлари ҳам муаллифнинг ўткир нигоҳидан четда қолмаганли-

«АФҒОНИСТОНДА БОЛАЛАР КЎП, БОЛАЛИК ЙЎҚ!»

Дунёнинг қирқдан ортиқ тилида 10 миллионлаб нахсада чол этилган Холид Ҳусайнинг асарлари сўнги икки йил ичида ўзбек китобхоналари орасида ҳам танилди, ўқилди. «Шамол ортидан югуриб» (Рустам Жабборов таржимаси) шундай асарлар сирасидан.

Ушбу асар китобхон кўз ўнгида икки манзарани гавдалантиради. Биринчиси – бир умрлик виждон азоби, кейингиси уруш ичидаги Афғонистон, афғонлар турмуш тарзи, ҳаёти, ўй-фикри, орзу-умиди (агар бўлса, агар бунга ҳақлари бўлса). Бош қаҳрамон Амирнинг хизматкори, аслида содиқ дўсти, тенгдоши – Ҳасан олдидаги виждон азоби шу даражада чиройли кўрсатиб берилганки, усмир йигитнинг бу ўқубатдан қутулиш учун қилган саъй-ҳаракатларига, ўзингиз билмай, ҳамроҳлик қиласиз.

Варрақ учирish мусобақаси Амир ва Ҳасаннинг ҳаётини бутунлай ўзгартириб боради. Иккинчи варрақни топиш ниятида кетган Ҳасани бир тўла мушумузўрлар тутиб олиб, ифодалашга тил бормайдиган ҳолатда ҳўрлайдилар. Дўст Амирнинг шаъни учун ҳаммасига чидайди. Энг ёмони шу зўравонликни кура туриб, Амир уларнинг олдига боришга, Ҳасанини ҳимоя қилишга ўзида куч тополмайди. Ўша кундан бошлаб, уни кўрганида виждони қўйналаверади. Бу азобдан тўйиб кетган Амир унинг ёстиги тагига отаси совға қилган қимматбаҳо соатни эшириб қўяди ва уни ўйриқда айтади. Отасининг уришларига қарайди, Ҳасан ва Али (Ҳасаннинг отаси) қирқ йиллик кадрдон уйдан бош олиб кетади, бу ерда ортиқ яшай олмасликларини айтади.

Қобулни толибонлар эгаллаган, ҳаёт буткул издан чиққан вақтда, яъни 1981 йилнинг мартида Амир ва отаси Бобо Америкага минг машаққат

билан чиқиб кетади. У ерда Сурайё исмли афғон аёлга уйланади, отаси кўч ўтмай, оғир касалликдан вафот этади. Улар ўн беш йиллик турмушида тирноқча зор бўлиб юрганларида, Худонинг июноти биланми, Амирга Раҳимхон (отасининг дўсти) қўнғирок қилиб, учрашишлари лозимлигини айтади. Бу фурсат унга неча йиллик виждон азобидан қутулиш учун имкон эканини ўқтиради. Шундай қилиб, Ҳасан ва унинг аёли толибонлар томонидан отиб ўлдирилгани, ўгли Сухроб эса етимхонага берилгани ҳақида сўзлаб беради. Раҳимхон ундан Сухробни Америкага, ўзининг ёнига олиб келишини, уни Афғонистондаги оғир қисматдан қутқаришини сўрайди. Сухробни Калифорнияга олиб келгунча Амирнинг бошига турли савдолар тушади... аммо орта қайтмайди, шундан сўнггина елкасидан тоғ агардирилгандай, ўзини енгил ҳис этади...

Воқеалар ривожиди, диалоглар занжири воситасида ёзувчи инсон руҳиятининг нозик нуқталарини моҳирона тасвирлайди. Урушнинг инсониятга нечоғли зулм келтиришини баён қилиб ўтирмайди, балки ҳаётий мисоллар, бир миллат – афғонлар мисолида очиб беради. Мана шундай саҳналардан бир нечаси:

Шундоқ ёнгинамизда ифлос салла ўраб олган тиланчи чол турарди. Унинг бир кўзи йўқ эди. У бир пайтлар 38 йил давомида Қобул университетиде талабаларга мумтоз адабиётдан сабоқ берган филология фанлари доктори эди...

Ноғирон эркак ўзининг ясама ёғини сотаяпти. Ҳеч бўлмас, бирок ўй қозони қайнайди-да.

Намойишқорона қатл – энг мақбул томоша.

МУТОЛАА ЗАВҚИ

Драма. Кўнғилхушлик. Энг асосийси – яхши ибрат. Бундан ҳам зўрини тўқсон саккизинчи йили Мозори шарифда қўратганмиз. Биз ўшанда жасадларни итларга майдалаб берганмиз. Уйма-уй юриб, эр-каклари тутиб, қариялар, аёллар ва болаларнинг кўз ўнгида отиб ташлаганмиз. Қўришин, билишсин бу ярамас ҳазорийлар ўз жойи қаерда эканини. О, бунинг авқоли билансиз эди. Тиз чўқканча сиздан шавқат сўраб ёлворишад, сиз эса, кигрик қоқмай, автомат тепкисини босасиз.

Уруш олимни тиланчига, мурғак, покиза қалбни аламзада одамага, ҳалолни ўрига, ботирни қўрқоққа, фидойини сотқинга айланашга мажбур қилганди. Ҳаммадан ишонч ва умидни сугуриб олган, ҳеч ким бир-бирига ва эртанги кунига ишонмасди. Беғуноқ севишганларни тошбўрон қилиш, норасида гўдақларни зўрлаш, ҳазорийларни қатл-мом қилиш эса ҳақ йўли эди...

Бир вақтлар гўрқираб-ашнаган Афғонистоннинг урушдан кейинги манзарасига боқинг:

«Қаёққа қараманг, тош уюмларию тиланчилар тўдаси. Уларнинг ҳам аксарияти болалар. Болаларини бағрига босганча, бошдан-оёқ ўралиб олган аёллар ҳам кўп. Эски увадалар орасидан чиллақдек қўлларини чиқариб, «бахшиш» сўрашади. Уруш туфайли эркак зотиға қирғин келган кўринади.»

Асардан иқтибослар:

Дунёда битта оғир гуноҳ бор, бу – ўғирлик. Ўғирлик барча гуноҳлар отасидир. Қотил ҳаётининг ўғирлайди. Аёллардан эрини, болалардан отасини тортиб олади. Елғон бошқаларнинг ишончдини ўғирлайди. Қаллоб адолатни ўғирлайди. Ташунапсанми? Ҳаммасининг замирида ўғирлик ётади.

– Урушда ор-номус бўлмайди.

гини ҳис этади: «Ош тортилгондин сўнг фармон бўлдимки, Ҳиндустонни бозигарлари келиб, ўнларини кўрсаттайлар. Лўлилар келиб, ишларини кўрсаттилар. Ҳиндустон лўлилари бэъзи ишларе кўрсатуруларимки, ул вилоятларнинг лўлиларидин кўрулмайдур эди. Ул жумладин бири будурким, етти ҳалқани пешонасига ва икки тизига таъбия қилиб, яна тўрт ҳалқани икки илик бармоғи била ва иккени икки оёғи бармоғи била тез ва бедаранг эврадур. Яна бири буким, рафтори товус йў-сунлук бир илигини ерга қўюб, бир илиги ва икки оёғи била уч ҳалқани тез ва бедаранг эврадур. Яна бири буким, ул вилоят лўлилари икки йиғочни оёғларига боғлаб «пойи чўбин» қилиб, йўл юрурлар. Ҳиндустон лўлилари бир йиғоч била «пойи чўбин» қилиб, йўл юруйдурлар, оёғларига ҳам боғламайдурлар.»

Муаллифининг қоқоридаги шарҳида Ҳиндустон лўлилари ва бозигарларининг «фўн» ва рақслари, уларнинг ўхшаш ҳамда фарқи томонлари ҳақида мулоҳаза юритилган. Бу фикрлар тарихий манба сифатида муҳим аҳамият касб этади. Демак, Бобур Мирзонинг салоҳияти, заковати ва тафаккур олами шунчалки юксак ва кўлами кенги, даражасини белгилаш амри маҳол. 47 йиллик умрининг кўп қисми шиддатли муҳорабаларда, сиёсий низолаб тўфонда, таҳликаларда ўтган Бобурнинг нихоятда нозик таъблик ила лўлилар рақсини шарҳлаши унинг юксак салоҳияти комусий олим бўлганидан дарак беради. Таниқли санъатшунос, Ўзбекистон халқ артисти Р. Каримова ўз тадқиқотларида «Ўзбек халқининг миллий ифтихори бўлган рақс санъати неча-неча асрлар давомида шаклланиб, ривож топди. Афсуски, бу санъат тури ёзма равишда ўз аҳолни топмаган», деган эди. Ўзбекистон миллий энциклопедиясининг 9-жилдида «Ўзбекистонда тарх рақс асрлар давомида яшаб, ривожланиб келган бўлса-да, ўтмишда рақс ёзилмаган. Натижада қанчадан-қанча мумтоз ва халқ рақслари исиз йўқолиб кетган. 1936-41 йилларда этнограф Ираида Бахта «Катта ўйб-и» номли Фаргона рақси туркумини сўз билан ёзиб олган»лиги таъкидланади. Умуман, кўпчилик санъатшунос-мутахассислар ўз тадқиқотларида «Ўзбек рақсларини ёзиб олиш XX асрнинг 30-йилларидан бошланиди», деган фикрни илгари суришган. Миллий тикланишдан миллий юксалиш сари дадил одимлаётган мамлакатимизда халқимизнинг маънавий камолоти, эстетик савиясини белгиловчи кўплаб бади-

ий қадриятларимизнинг янги қирраларини кашф этишга, тарихий илдиэларимизни ўрганиш ва кенг тарғиб қилишга алоҳида эътибор берилмоқда. Демак, миллий маданий меросимиз ҳақида сўз кетганда, рақс ёзуви азалдан мавжуд экани илмий жиҳатдан тан олинши шарт. Зеро, миллий рақс санъатимиз нафақат юртимизда, балки хорижий мамлакатларда ҳам қатта қизиқиш билан ўрганилаётган маънавий-эстетик қадриятлар тизимидир. «Бобурнома» муаллифи Сайид Бадрнинг рақсдан тан олинши шарт. Зеро, миллий рақс санъатимиз нафақат юртимизда, балки хорижий мамлакатларда ҳам қатта қизиқиш билан ўрганилаётган маънавий-эстетик қадриятлар тизимидир. «Бобурнома» муаллифи Сайид Бадрнинг рақсдан тан олинши шарт. Зеро, миллий рақс санъатимиз нафақат юртимизда, балки хорижий мамлакатларда ҳам қатта қизиқиш билан ўрганилаётган маънавий-эстетик қадриятлар тизимидир.

Захириддин Муҳаммад Бобурнинг «Бобурнома» асаридаги рақс санъатига оид тақлиқлар санъатшунослик ва тарихий-этнография нуқтаи назардан ўрганилиши улуг шоир ижоди муҳлисла-ри, тадқиқотчи олимлар ва ёш авлоднинг кўхна маданиятимизга қизиқиши ва ҳурматини янада оширади ҳамда миллий рақс санъати тарихини теран тадқиқ этиш йўлида янги имкониятлар эши-гини очади, деган умиддамиз.

Шухрат ТҲУТАСИМОВ,
Ўзбекистон давлат хореография
академияси ректори, доцент,
Хулқар ҲАМРОЕВА,
филология фанлари номзоди.

– Бу ита айтиб қўй, урушда ор-номус тинчлик пайтадагидан ҳам кўра кўпроқ аҳамиятга эга.

Афғонистонда болалар кўп, болалик йўқ!

Мен сизга ишонман, лекин бошқалар одамларга эмас, қоғозларга ишонади.

Қобула ҳеч ким бир-бирига ишонмай қолган-ди. Пул ёки жонни кўтқариш учун ҳамсоя ҳамсояни дўст дўстни, ўғил отани, ака укаси, хизматкор хожасини сотишга тайёр эди.

Унга айт, мени илма-тешиқ қилиб ташласаям, бир муслимининг шармосор қилинишига йўл қўймайман.

Виджон азоби. Хизматкори Ҳасанга қилган ноҳақликлари, уни мараз Асефининг қўлида хўрланишига йўл қўйгани, буям етмагандек, унинг гарданига тўхмат тамғасини босгани, ота-болани қирқ йиллик қадрдон уйдан қувгани...

Афғонистон чиқиндиларга тўлган чиройли хонадона ўхшайди. Кимдир уни бу чиқиндилар (ҳазорийлар назарда тутилмоқда)дан халос этиши керак! Фарбада буни этник тозалаш дейишди.

Бир кун Насриддин афандининг қизи отаси ёнига «эрим урди», деб йиғлаб келибди. Афанди эса қизининг юзига бир шапалоқ туширибди. «Нега урасиз?» деса, «агар эринг менин қизимни урадиган бўлса, мен унинг хотинини ураман», деб жавоб қайтарибди.

Бир кун афанди эшагига оғир юк ортиб кет-таёса, биттаси унга таъна қилибди: «Оғайни, ўзи эшагинг қилтирқ экан, устига шунча юк ортиб, яна сўлакмондек ўзинг ҳам миниб олибсан». Шунда афанди эшақдан тушмай туриб, юкни бошига кўтариб олибди: «Манга, энди эшақка енгилроқ бўлди!»

ЎЗИНГИЗ БИЛАН УЧРАШУВГА ЧИҚАНМИСИЗ?

Атрофингиздагилар, ҳатто бир бор кўрган инсонингиз ҳақида ҳеч иккиланмай «Бу шунақа одам экан» дея хулоса қила оласиз, ўзингиз учун шу сифатлар билан унга ҳўм чиқарасиз. Аммо ўзингизни «Мана, мен шунақаман!» дея ишонч билан айта оласизми? Камчиликларингизга тик қараб, ичингиздаги «мен»ни таний оласизми? Зоҳир – ташқи кўринишга қаралганда инсонлар ҳар хил, уларнинг моҳияти, илдизи, табиати, эҳтиёжи, борар жойи эса... муштарак. Ана шу муштаракликка, инсон моҳиятига, одамийлик ва илоҳийлик ўртасидаги ришга та диққатини қадаган Жалопиддин Румий ҳазратлари шу сабабли барча халқларнинг севимлиси, инсониятга дахлдор ёзувчи. Лев Толстойнинг «Икромнома»си қанчалик ўзимизга кўзгу тутиб, рўҳимизни яланғочлаб ташласа, ўзимиздан нафратланиш даражасига келтириб қўйса, Румий бизга шундай гўзал либос берадики, уни қайта ечгингиз келмайди, ўзингизни фош этганингиз сари ўша либосга бурқаниб олам дейсиз. Бу умуман деган дунё подиумларида кийилмаган, тикув фабрикасида фақат бир нусхада яратилган, сизгагина аталган, ўз исмингиз билан номланувчи либосдир. Ичингиздаги бор эҳтиёж ва истакни, дарду қувончини ўзингизчалик тушунадиган одам йўқ, аслида. Аммо инсон оҳолонгяси шундайки, дунёдаги энг разил одам ҳам ҳеч бўлмаसा бир бор бошқалар томонидан «яқши» дея эъти-роф этилишни истаydi, ўзидаги қусурларга тик боқишга журъати етмайди, камчиликларини тан олгиси келмайди. Румий сизга ўша ҳолатни ҳады этади, омма олдиде уялтирмайди, ўзингиз билан яқна қоласиз-да, ҳеч кимга кўрсатолмайдиган, айтолмайдиган жиҳатларингизга ўзингиз иқро-

бўласиз. Румий даволайди. «Ичиндаги ичинда-дир» (Улуғбек Ҳамдам таржимаси) асари айнан сиз ҳақингизда! Ўзингизни кўрмоқчи, танимоқчи, ўзингиз билан биринчи бор учрашувга чиқмоқчи, дил изхорлари, гиналарингизни айтмоқчи бўлсангиз, марҳамат, Румийни ўқин! Ўзингиздан айрилгингиз келмай қолади!

Асардан иқтибослар:

Пайғамбар (с.а.в) буюрадиларки, олимларнинг ёмони амирларни зйбат қилгани, амирларнинг яқшиси олимларни зйбат этганидир. Фақирнинг эшигига келган амир нақадар хуш ва амирнинг эшигига борган фақир нақадар нохушдир.

Олим агар амирлар соясида олим бўлишни уйламаса, унинг билими ибтидо ва интиҳода Аллоҳ учун қилинган бўлади.

Ўзингиздаги ҳар бир фикр ва ҳар бир тасаввурга ишонма, ёлбор-да, кўрк.

Бир инсонни бошқа инсонга торган нарса сўз эмас, балки иккаловидаги мавжуд рўҳий бирликдан бир парчадир.

Инсон ўзининг фарқлаш ҳоссабини ҳар турли ғараздан тозалаш ва диндан ёрдам қидириши лозим. Сен танани боқдинг, аммо танада фарқлаш ҳоссаи йўқдир.

Севара АЛИЖОНОВА



ПРАДО



Дунёда музейлар кўп. Уларнинг йўналиши, мазмуни турфа. Лекин барчасининг мақсади муштарак: маданиятнинг маълум бир қисмини асраш ва оммага ҳавола этиш. Бундан ташқари инсондаги қизиқувчанлик ва завқланиш ҳиссиётини уйғотиш вазифаси кўпгина маданият муассасалари қатори музейларга ҳам тегишли. Жаҳондаги энг машҳур 20 музей орасида Испаниянинг Мадрид шаҳридаги Прадо миллий музейи ҳам бор. Ушбу музейда Европа ва жаҳон тасвирий санъатининг мумтоз ва замонавий намуналари жамланган. Қарийб 58 000 квадрат метр майдонга эга бўлган ушбу музейгоҳга йилига 2-3 миллион атрофида санъат ихлосмандлари киради.

Прадо музейининг яратилиши ҳақидаги дастлабки фикрлар XVII асрда пайдо бўлган. Хусусий коллекциялардаги ва яратилаётган янги тасвирий санъат асарларини бир жойга тўплаш ва музей ташкил қилиш ҳақидаги мусаввирларнинг

фикрини 1757 йилда қиролича Барбара Браганса турмуш ўртоғи – қирол Фердинанд VI га етказди ва қирол бу таклифни маъқуллади. Музей қурилиши жадаллик билан бошлаб юборилди. Бу ижод ахлини беҳад қувонтиради. Аммо қурилиш тугамай, яъни, бир йилча вақт ўтиб қиролича вафот этади. Бу йўқотишдан қаттиқ изтироб чекган қирол Фердинанд VI ҳам бир йилдан кейин вафот этади. Сўнг қиролнинг ўқаси Карл III тахга ўтиради, у музей қурилишига қарши бўлмаса-да ўзи кўпдан орзу қилиб юрган фикр бўйича музейни табиий фанлар музейи сифатида барпо қилиш кераклигини лозим кўради. 1775 йилда меъмор Хуан де Вильянуэва музей лойиҳасини таёрлашни топширади. Лекин қиролга музейнинг битганини кўриш nasib этмайди. У ҳам вафот этади. Кейин тахт вориси бўлган ўғли Карл IV давлат бошқарувини ўз қўлига олади. Бу пайтда музей биноси қурилиши даярли битиб қолган эди. Карл IV амакиси Фердинанд VI хоҳлаганидек, бу бинони санъат асарлари тўплами сақланадиган (пинакотека) биносига айлантириш ҳақида ўйлайди. Шу пайт қутилмаганда мамлакатта французлар томонидан уруш эълон қилинади ва Испания Наполеон томонидан забт этилади Жозеф Бонапарт Прадо музейининг тадрижий тақдирига жуда катта ҳисса қўшади ва унинг қурилишини яқунлаб, 1809 йилда ишга туширади. Шу сабаб музейга дастлаб қирол Жозеф Бонапарт номи берилади. Қиролнинг санъатта бундай муносабати мусаввирлар яратган ва бошқа қилматбаҳо асарларнинг уруш пайтида йўқ бўлиб ёки талон-тарож бўлиб кетишининг олдини олади.

Испания француз босқинчиларидан халос бўлган, 1819 йилда Фердинанд VII тахтга ўтиради ва ПРАДО қироллик ранг-тасвир музейи сифатида фаолият юрита бошлайди. Музейга келувчилар учун ҳафтанинг фақат учинчи куни соат 9 дан 14 гача музей эшиклари очилиш тартиби белгиланади. Музей бисотида бир ярим мингдан ортқ санъат асарлари борлигига қарамасдан, дастлабки кўргазмаларда фақатгина учта залда 300 дан ортқ картиналар намойиш қилинган. Вақт ўтиши билан коллекционерлар тўплаган ва рассомлар яратган янги асарлар билан музей бойиб борди. Албатта, музей экспонатлари оғир сониё бориши музей биносига янги ўзгаришлар, қўшимча қурилишлар қилинишни тақозо этади.

1936 йилда машҳур рассом Пабло Пикассо музей раҳбарлигига тайинланади. Пикассонинг иш фаолияти даврида музей учун бирмунча нотинч бўлган фуқаролар уруши давларини бошдан кечирришга тўғри келган Пикассо номи музейнинг талон-тарож қилинишидан ҳимоя қилган десак адашмаймиз. Ҳозирги кунда Мадрид шаҳрининг марказини безаб турган Прадо музейи биноси лойиҳаси XVIII аср охири ва XX аср бошларида яшаган истеъдодли меъмор Хуан де Вильянуэв ижодига мансуб.

Бугунги кунда сайёҳлар ташрифи, туризмга ҳиссаси бўйича Прадо музейи мамлакатнинг ташриф қоғозига айланган дейиш мумкин. Музейга келувчилар нафақат Испания санъати, айни чоғда Буюк Британия, Германия, Франция каби кўплаб давлатларнинг тасвирий

санъати, ҳайкалтарошлик, амалий санъати ва бошқа турли жанрларда яратилган беқиёс санъат асарларини кўриш имкониятига эга бўлади. Музейнинг талон-тарож қилинишидан ҳимоя қилган десак адашмаймиз. Ҳозирги кунда Мадрид шаҳрининг марказини безаб турган Прадо музейи биноси лойиҳаси XVIII аср охири ва XX аср бошларида яшаган истеъдодли меъмор Хуан де Вильянуэв ижодига мансуб.

Бугунги кунда сайёҳлар ташрифи, туризмга ҳиссаси бўйича Прадо музейи мамлакатнинг ташриф қоғозига айланган дейиш мумкин. Музейга келувчилар нафақат Испания санъати, айни чоғда Буюк Британия, Германия, Франция каби кўплаб давлатларнинг тасвирий санъати, ҳайкалтарошлик, амалий санъати ва бошқа турли жанрларда яратилган беқиёс санъат асарларини кўриш имкониятига эга бўлади. Музейнинг талон-тарож қилинишидан ҳимоя қилган десак адашмаймиз. Ҳозирги кунда Мадрид шаҳрининг марказини безаб турган Прадо музейи биноси лойиҳаси XVIII аср охири ва XX аср бошларида яшаган истеъдодли меъмор Хуан де Вильянуэв ижодига мансуб.

Бундан ташқари инсондаги қизиқувчанлик ва завқланиш ҳиссиётини уйғотиш вазифаси кўпгина маданият муассасалари қатори музейларга ҳам тегишли. Жаҳондаги энг машҳур 20 музей орасида Испаниянинг Мадрид шаҳридаги Прадо миллий музейи ҳам бор. Ушбу музейда Европа ва жаҳон тасвирий санъатининг мумтоз ва замонавий намуналари жамланган. Қарийб 58 000 квадрат метр майдонга эга бўлган ушбу музейгоҳга йилига 2-3 миллион атрофида санъат ихлосмандлари киради.

Комил ЖОНТОЕВ тайёрлади



Пётр Чайковский

Булажак композитор 1840 йилнинг 7 май куни Вятск губернияси Воткинск шаҳарчасида дворян оиласида дунёга келади. Отаси Илья Чайковский муҳандис, завод директори, онаси Александр Ассиев музикаши эди. Оилада Петядан ташқари яна тўрт фарзанд бўлиб, ота-она болалар тарбияси учун Фани Дюрбах исмли француз аёлини ёллаганди.

«Пётрни ҳамма севарди, чунки у ҳаммани яхши кўрарди. Болакай ҳар қандай майда-чуйдага тез хафа бўлиб қолиши мумкин эди. Шу боис у билан муомаллада жуда эҳтиёт бўлиш талаб этиларди. Унинг қалби ойнадек тоза, беғубор эди, синдириб қўйишдан қўрқарди», дейди у ҳақда Фани Дюрбах.

1848 йилда Илья Чайковский истеъфого чиқиб, оиласи билан Москвага келади, кейин улар Петербургда кўчиб ўтишади. Бу шаҳарда ота-онаси Пётрни Император хуқуқшунослик ўқув юртига ўқишга беради. Болакай хуқуқшуносликни ўрганishi билан бирга, музика билан ҳам шуғулланади, хор тўрагага қатнашиди. Уқитувчи Гавриил Ломакин ботоб-ботлаб ишга келолмай қолганда у синфдошларига музикадан дарс ўтади. Уғлидаги иқтидорни сезган отаси профессионал пианист Рудольф Кюндингерни ишга ёллайди. Кюндингер унга уч йил музика сирларини ўргатади.

Чайковский Император хуқуқшунослик ўқув юртини 1859 йили тугатиб, Адлия вазирлигига ишга кирилади. У вазирликда ишлаб юрган пайтларда ҳам музика кечаларига боришни қанда қилмайдди. 1861 йил сентябрдан Рус музика жамаиятига Антон Рубинштейн машгулотларига қатнай бошлади. Орадан бир йил ўтган, яқинда очилган Санкт-Петербург консерваторияси талабасига айланади. 1863 йил ишдан бўшаб, ўзини бутунлай музикага бағишлайди. Консерваторияда Пётр энг аълочи ўқувчилардан эди. Талабалигида у биринчи асарлари – «Момақалдирок» увертюраси ва «Иродали юйин» пьесасини ёзади.

Уша пайтда профессор Ларош Герман Чайковскийга шундай хат йўллаганди: «Сиз замонавий Россиянинг энг йирик музика иқтидорисиз. Мен сизда буюк, бошқача айтсам, музикамининг порлок келажигини кўраман».

Консерваторияни тугатган 1866 йили Чайковский Москвага келади ва музика курсларига дарс беради. Орадан кўп ўтмай бу курслар асосида Москва консерваторияси ташкил этилади. У талабчан ўқитувчи эди ва иқтидорли талабаларни кадрларди. Москва консерваторияси профессори Николай Кашкин Чайковский ҳақида шундай ёзади: «Иқтидорли талабаларни у ҳар қандай йул билан бўлса-да, қўллаб-қувватлашга ҳаракат қиларди».

У консерваторияда ишлаган йиллари баракали ижод қилди, ўзининг биринчи «Қиш орзулари» симфониясини яратди. Бу асар 1868 йили Петербургда Москвадаги Рус музика жамаияти концертида ижро этилади. Томошабинлар симфонияни яхши кўриб олган бўлса-да, композитор Антон Рубинштейн асарни танқид қилди.

Орадан бир йил ўтган у Шекспирнинг «Ромео ва Жульетта» трагедияси сюжетига асосида увертюра ёзади. Шуниси хайратланарлики, муаллиф бу асарни икки ойда ёзиб тугатади ва 1870 йили Рус музика жамаиятининг навбатдаги концертида жа-

Кўплаб опера, балет, симфония, пьеса ва увертюралари билан жаҳон музика оламида салмоқли ўрин эгаллаган Пётр Чайковскийнинг ота-онаси фарзанди хуқуқшунос бўлишини орзу қилганди. У эса болалигидан музикага қизиқди ва охир-оқибат машҳур композитор бўлиб дунёга танилди.

моатчилик ҳукмига ҳавола этади. «Музика илҳом ва катта шижоат билан ёзилган. Увертюрада Чайковскийнинг булажак ижоди бош мазсуви – амалга ошмаган севгининг рухий драмаси қўйланган», деб ёзган эди тарихчи ва адабиётшунос Александр Познанский.

1870 йилларнинг бошида Чайковский Иван Лажечниковнинг «Опричник» трагедияси асосида шу номдаги опера устиди иш бошлади. Композитор бу асарни 1872 йилда ёзиб тугатган бўлса-да, 1874 йилдагина Маринск театрида тақдим этади. Кейин музикашунос Владимир Стасов маслаҳати билан Шекспир асарлари сюжетига асосида яна бир симфоник асар «Бўрон» пьесаси дунёга келади.

«Опричникдан танқидчилар кўплаб камчиликлар топишди. Цезарь Коининг фикрича, опера гоъийб жиҳатдан жуда бўш. Шундай бўлса-да ўша йили бу операни аввал Одессада, сўнгра Киевда сахналаштиришади. Киевдаги тақдимотда Чайковскийнинг ўзи ҳам иштирок этади. «Операни яхши кўриб олишди. Санъат мухлислари уни давомли қарсақлар билан олқишлашди. Тўғриси, мен буни кутмагандим. Кўп талабалар мени театрдан меҳмонхонагача кузатиб боришди», деб ёзган эди у кейинчалик.

1875 йили «Опричник» Москвадаги Большой театрда ҳам сахналаштирилди. Орадан кўп ўтмай, асарга таъриқ қилилди, чунки цензура операда инқилобий гоъяларни топади. Уша йили «Нувеллист» журнали бюуртмасига асосан, Чайковский фортепиано учун «Йил фасллари» асарини ёзади. Композиторнинг кейинги йирик асари «Евгений Онегин» операси бўлди. Бу асарни яратишга 1877 йили киришилган эди. Гоъяни композиторга қўшиқчи Елизавета Лавровская берган бўлса, либреттосини Константин Шлювский ёзган.

1877 йили Чайковский темир йул sanoати меценати bevаси Надежда фон Мекк билан танишади. Бу аёл композиторнинг Европага сафарларини молиялаштирар ва ҳар йили унга олти минг рубль маош беради. Бу маблағ Москва консерваторияси берган маошдан икки баравар кўп эди. Шу боис, у консерваториядан бўшаб, ижод билан жиҳдий шуғуллана бошлади.

Шундан сўнг у Европага, тўғриси Швейцарияга навбатдаги сафарига йул олади. Бу мамлакатда у «Евгений Онегин»ни тугатиб, Тўртинчи симфониясини устиди иш бошлади. 1878 йили «Евгений Онегин»нинг премьераси катта муваффақият билан ўтади. Шу муносабат билан «Московские ведомости» газетаси «Чайковскийнинг гоъят гўзал музикаси Пушкиннинг гоъят гўзал шеърларига мос тушган», деб ёзган эди.

Таъкидлаш жоизки, 1870 йиллардан бошлаб Чайковский асарлари нафақат Россияда, балки Европа мамлакатларида, ҳатто АҚШда ҳам қўйла бошланган эди. Композитор кўҳна қитъада концертлар бериш билан бирга янги асарлари «Оққуш кўли» балети, «Орлеан қизи» операси ва «Итальянча қапирчио» фантазияси устиди ишларини давом эттирди. 1880 йили композитор Наполеон устидан қозонилган галаба бағишланган «1812 йил» увертюрасини ёзади ва бу асар учун император фармонида биноан IV даражали «Авлиё

Владимир» ордени билан тақдирланади.

1885 йили Чайковский Рус музика жамаиятининг директорлар кенгаши аъзоси ва Москва бўлимининг раҳбари бўлади. Уша йили Москва қириқдаги Клин именесидан ер-мулк сотиб олади. Бу ҳақда ўз кундалиқларида шундай ёзган: «Инсон қаригани сайин табиатга яқин бўлишга интиларкан». Имени-есида композитор «Тўғричалар» ва «Фусункор» операларини, «Манфред» симфониясини яратди.

Пётр Чайковскийнинг оилавий ҳаёти тафсилоти жуда қисқа. 1868 йили у Россияга гастролга келган француз опера ижрочиси Дезире Арто билан танишади. Композитор бу аёл учун бир неча романс ва пьеса ёзади. Чайковский Артога уйланмоқчи бўлади, ammo ота-онаси бу никоҳга қарши чиқашади. Шундай қилиб жуфтлик орузига эришолмайди.

1872 йили музика кечаларидан бирида Пётр Москва консерваторияси талабаси Антонина Миллюкова билан танишади. Шундан сўнг талаба композиторга кўплаб муҳаббат мактублари йўллайди ва 1877 йили уларнинг тўйи бўлиб ўтади. Композиторнинг отаси бундан жуда ҳурсанд бўлади ва уларга бахт тилайди. Афсуски, кўп ўтмай келин-куёв ажрашади.

Чайковский 1887 йили Европа буйлаб ўзининг навбатдаги гастрол сафарини бошлади. Германия, Буюк Британия ва Францияда «Оққуш кўли» балети, «Руслан ва Людмила» увертюраси ва бошқа асарларини ижро этади. Россияга қайтган, «Бешинчи симфония» устиди иш бошлади. Бир йилдан сўнг Петербургда ушбу симфония тақдироти бўлиб ўтади. Асар мухлислар томонидан унчалик яхши кўтиб олинмади. Композиторнинг ўзи ҳам кейинроқ асари камчиликлардан холи эмаслигини тан олади.

Чайковский 1889 йилги кўҳна қитъага гастролда Европада узок қолиб кетади. Италияга бориб, Флоренция ва Римда яқшади. Уша ерда Император театри директори Иван Всеволожский илтимосига биноан, «Дама қарга» операсини яратди. Бу асарнинг премьераси ҳам Петербургда бўлиб ўтади. Орадан кўп ўтмай, опера Прага ва Вена театрлари репертуваридан ҳам жой олади. Уша йили композиторнинг «Уйқудаги гўзал» балети ҳам сахналаштирилди.

АҚШ гастролги чоғида Нью Йоркнинг Карнеги-холл оқчи майдонида концерт беради. Томошабинлар уни гулдўрсо қарсақлар билан кўтиб олади. Америка газеталари рус композиторини кўкларга кўтарди. Уша йиллари у жуда унумли ишлади. Кўплаб асарлар ёзади. Оптинчи симфониясини яратишга ярим йил вақтини сарфлайди. Биринчи марта 1893 йили ижро этилган ушбу симфония жуда оммалашиб кетмаган бўлса-да, композитор айнан шуну ўзининг шох асари сифатида эътироф этади.

1893 йили Чайковский яна гастрол режалаштирди, ammo бирдан вабо тарқалади. Афсуски композитор эпидемияга йўлқади. 2 ноябрь куни кариндошлари доктор чақирдишади. Етиб келган врач у вабога йўлқанини айтади. «Русская жизнь» газетаси уша пайтда шундай ёзганди: «Унга одамларнинг меҳр-муҳаббати қандай баланд эканлигини шундан билса бўладики, Пётрнинг ботоб эканлигини билган минглаб одамлар композиторнинг ҳолидан хабар олишга келишади.» Чайковский 1893 йилнинг 6 ноябрь куни вафот этади.

Чайковский асарларини Ўзбекистонда ҳам севиб тинглаб, томоша қилишади. Унинг «Оққуш кўли» балети ва бошқа асарлари Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон давлат Катта театрида сахналаштирилган.

Россияда ҳар йили Чайковский номидаги халқаро танлов бўлиб ўтади. У классик музика буйича дунёдаги энг йирик танловлардан бири ҳисобланади. Бу танловда ўзбекистонлик санъаткорлар ҳам фаол иштирок этишади. Масалан, утган йилги танловда Ўзбекистонда ҳизмат қўрсатган артист Женисбек Пиязов ва Тошкент давлат консерваторияси битирувчиси Ангелина Аҳмедова иштирок этган.

Жаҳон музика санъатининг улкан намояндаларидан бўлган Пётр Ильич Чайковский асарлари дунё музика шинавандаларининг сеvimли асарлари айланган.

Беккул ЭГАМҚУЛОВ

СОҒЛОМ ВА УЗОҚ УМР ҚЎРИШНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ



Жисмонан ва руҳан бақувват бўлиш, фаол яшаш учун соғлом турмуш тарзига амал қилиш муҳим аҳамиятга эга. Унга тўлиқ амал қилинса, 100-120 йил умр қўриш имконияти мавжуд экан. Айрим мутахассислар 180 ёш ҳам ҳаёт давомийлигига чегара эмаслигини таъкидлайди.

Соғлом турмуш тарзига қай тарзда амал қилинади? Умрнинг ўлчов мезони нималардан иборат? Тиббиёт фанлари доктори, Тошкент тиббиёт академияси болалар, ўсмирлар ва овқатланиш гигиенаси кафедраси профессори Гули Шайхова билан суҳбатимиз шу ҳақда бўлди.

— Соғлом турмуш тарзи тушунчаси кенг маънога эга бўлиб, жисмоний фаоллик, зарарли одатлар, яъни гиёҳвандлик, тамаки (носвой) чекиш, спиртли ичимлик истеъмолига қарши курашиш ва рационал овқатланиш каби тадбирларни қамраб олади, — дейди Гули Шайхова. — Айниқса, инсон организмга таъсир этувчи минглаб омиллар ичида овқатланиш, албатта, ўз вақтида ва меъёрида, зарур бўлганда парҳез-боп таомлар истеъмоли қилиш жуда муҳимлигини ёдда тутиш лозим. Овқатланиш тиббий нуқтани назардан ёш, таъна тузилиши, иқлим, мабодо касаллик бўлса, унинг тури ва давридан келиб чиқиб, хасталикнинг олдини олиш учун индивидуал тарзда тавсия этилади. Инсоннинг узоқ, соғлом умр қўришида бу жуда муҳим.

— Рационал овқатланиш, деганда кўпинча мазали, тўйимли, юқори калорияли таомлар истеъмоли қилишни тушунаемиз. Бу ҳақда мутахассислар нималарни назарда тутаяди?

— Организм меъёрида фаолият кўрсатиши учун 600 хилдан ортиқ озуқа керак. Шунинг таҳминан 90 фоизи шифобахш таъсирга эга бўлиб, жуда кам қисми тананинг ўзида яратилади ва аксарияти ташқаридан киради. Бунга фақат рационал овқатланиш орқали эришиш мумкин. Кўпчилик рационал овқатланиш деганда, мазали, тўйимли, юқори калорияли таомлар истеъмоли қилишни тушунади ва тартибсиз, овқатланиш ритмига амал қилмасдан тановул қилади. Истеъмоли қилинган таом организм тикланишини таъминласа, йўқотилган энергияга бўлган талабни қондирса, таркибида зарур даражада оқсиллар, ёғлар, углеводлар, витаминлар, микро-макроэлементлар, ўсимлик тоғаларини сақласа, озиқ-овқатлар ва уларнинг таркиби, микдори ошқозон-ичак тизими ферментлари фаоллиги билан мос келса бу — рационал овқатланиш бўлади. Янада содарақ тушунирсам, истеъмоли қилинадиган озиқ-овқатлар инсоннинг реал эҳтиёжларига

мос келиши лозим.

Рационал сўзи лотинча бўлиб, «рацион» — бир кунлик истеъмоли қилинадиган овқат маъносини англатади, «рационал» — мақсадга мувофиқ, ақил-идрок билан таом истеъмоли қилишни билдиради. Овқатланиш тартиби ва мутаносиблиги инсоннинг ишга лаёқатлилиги ва соғлигини сақлаш, организмда моддалар алмашинуви жараёнини тартибга солишда катта аҳамиятга эга. Замонавий кўринишдаги рационал овқатланиш назарияси асоси — мувозанатлаштирилган овқатланиш концепцияси олимлар томонидан ишлаб чиқилган бўлиб, овқат рақисини таркибига маълум микдорда организм учун керак бўлган озуқавий моддаларнинг олти тури: оқсиллар, ёғлар, углеводлар, витаминлар, минерал моддалар ва сув киритилиши керак.



— Буюк бобоқолонимиз Абу Али ибн Сино: «эрталабки таомни ўзинг е, тушдагисини дўстинг билан баҳам кўр, кечки овқатни душманингга бер», дея ёзиб қолдирган экан. Шунга қарамай, кўпчилик оилаларда одатда нонуштага энгил таом: кофе ва ширинлик, тушликка фаст-фуд, суюқ таомлар, кечки маҳал эса ош, манти, мошхўрда сингари миллий таомларимиз истеъмоли қилинади.

— Овқатни куннинг маълум вақтида истеъмоли қилиш шартли рефлекс ҳосил бўлишига, организмни овқат қабул қилишига тайёрлайди. Ҳар бир овқатланиш кун тартибининг қандайлигидан қатъи назар узоқ таънафуслардан иборат бўлиши, нонушта ва тушлик, тушлик ва кечки овқат оралигидаги вақт 5-6 соатни, уйку ва кечки овқат оралиги 1,5-2 соатни ташкил қилиши керак.

Кунига тўрт маҳал овқатланиш тавсия қилинади. Кунлик истеъмолининг 20-25 фоизи нонушта, 15-20 фоизи 15-нонушта, 35-40 фоизи тушлик, 20-25 фоизи кечки овқат ҳисобига тўлдирилиши керак. Ҳар бир овқатланишда овқатнинг таркибий қисмига эътибор бериш

лозим. Оқсилга бой овқат асаб тизими кўзгалувчанлигини оширади, шунинг учун бундай егуликни куннинг биринчи ярмида, фаоллик кўрсатувчи қисмида истеъмоли қилган маъқул. Уйқудан олдин асаб тизимини кўзғатиш ярамайди. Кечки овқатнинг кўп истеъмоли қилиниши ёғлар оксидланиши тўлиқ бўлмаслигига олиб келади. Оқибатда, организмда семиришга мойиллик пайдо бўлади. Кечки овқат кам микдорда, энгил, сабзавот ва сут маҳсулотларидан иборат бўлгани тузук.

— Очиғини айтиш керак, ҳатто ёши катта инсонлар орасида ҳам овқатланиш маданиятини билмайдиганлар, истеъмоли тартибига риоя қилмайдиганлар бор. Сизнингча, овқатланиш маданияти қандай бўлиши керак? Биргина соғлом овқатланиш қоидаларига риоя қилишнинг ўзи овқатланиш маданияти юқорилигидан далолат берадими?

— Биз шундай даврда яшамокда-мики, ўзгаришлар жуда тез содир бўлмоқда. Хусусан, соғлом овқатланиш борасида ҳам. Маҳсулот турлари, таркиби, сифати илгари бошқача бўлган. Авваллари инсонлар консервантлар, бўёқлар ёки музлатгичдан ташқарида оилаб сақланиб турадиган сут ва сут маҳсулотлари ҳақида билишмаган.

Соғлом овқатланиш маданияти, деганда биз қандайдир парҳез тутиш, вегетарианча овқатланиш ёки дастурхонни безашни назарда тутмаямиз. Соғлом овқатланиш маданияти, деб инсон организмнинг ички муҳит доимийлиги (гомеостаз) ҳамда юқори даражадаги ҳаёт тарзини таъминловчи физиологик тўлақонли овқатланишга айтилади. Соғлом овқатланиш кишиларни сурункали ноинфекцион касалликлардан сақлайди, узоқ умр қўришни таъминлайди.

Овқатланиш маданияти одоб-ахлоқ сингари инсонга ёшлигидан ўргатилиши керак. Таомга аввал катталар, кейин эса ёшлар кўл уриши, таомни ўнг қўл билан ёйиш, оғзини ёпиб, чапиллатмай чайнаш, дастурхонга дуо ўқилгандан кейин ўриндан туриш сингари қоидалар бор. Уйлайманки, ҳар бир ўзбек оиласида бунга амал қилинади. Аввало, уй бекалари дастурхон тузашга бу шунчаки нонушта, тушлик ва кечки овқатга тайёргарлик деб эмас, балки маҳорат, санъат, дея қарашларини истардим. Фикримча, дастурхон тузашдан тортиб, шахсий интизом, ҳар бир инсоннинг ўз таомномасини ақл билан шакллантириши, таомга ҳурмат ва дастурхон атрофидоғиларга самимий муносабатда бўлиш овқатланиш маданиятининг энг муҳим жиҳатларидир.

Моҳигул ҚОСИМОВА
суҳбатлашди.

Ўзбекистон халқ ёзувчиси Тоҳир Малик фантастика, детектив, маънавий-ахлоқий мавзуларда романлар, қиссалар ёзиш билан бирга бир қанча ҳажвий асарлар ҳам ёзган. Куйида адибнинг «Ҳаловат» («Янги аср авлоди» нашриёти, 2018 йил) китобига киритилган ҳажвий асарларидан намуналар кўйисиз.

Ҳеч нарсадан ҳеч нарса йўқ Сўтқул хотини билан уришиб қолди. Йўққулбод томонлардаги эр-хотин жанжалида галвани ҳеч маҳал эр биринчи бўлиб бошламайди. Бу сафар ҳам хотиннинг ўзи бошлади.

– Вой, дадажоний, сизга ҳам бир мансаб битсайди, амалдор бўлсангиз ҳукумат бериб

Тоҳир МАЛИК

ШАПАЛОҚ

Ҳажвия

(Эридан калтак ейиш бахтидан мосуво хотинларга бағишланган хангома)



қўйган машинада биз ҳам яйраб юрармидик, – деб орзу қилиб қолди.

Аслида, бу ёмон гап эмас, хотиннинг шунчаки хом хаёли. Сўтқул индамай қўя қолса бўларди, аммо шайтон унинг кўнглига ҳам гўлгула солди-ю хотиннинг орзусига ўзиникини қўшди: – Қанийди, хотин, ҳукумат берган машина бўлса, мен ҳам билардим эрталабки ошларга қанақа керилиб боришни. Сахар соат учда кўчага чиқиб йўловчи машина пойлаб, саргайиб турмасдим. Ён телефонимдан гаражга шарт телефон қилардим.

– Ён телефонингиз нимаси, уйда оддий телефон ҳам йўқ-ку, – деб гапнинг белига телди нодон хотин.

– Э, каллаварам, тагимга машина бериб кўйган ҳукумат чўнтагимга телефон солиб қўймадимми? Сен гап қўшмай, тек ўтир.

Хотин бош ирағаб, жим ўтиришга ризолик бергач, Сўтқул келган жойидан давом эттирди: – Ҳа, гаражга телефон қиламан: «Алло, Галхон!»

– Қанақа Галхон? – деди хотини бетоқатлапниб

– Сенга тек ўтир, дедим. Галхон бўлмаса, Валхондир, шунақа биттаси ўтиради-да. Хул-

лас, ўшанга айтаман: шопирим эрта сахармардонда соат учу нол-нолда эшик тағида турсин. Менинг галим – гап! Айтган вақтимада машина келади, битта сигнал чалиб қўяди.

– Вой, чалмасин, дадажон, сахарда ҳамма-ни уйғотиб юборад-я, – деди зорланиб хотини. – Уйғонса уйғонар, қўни-қўшни билиб қўйсин, бизнинг кимлигимизни. Шу галинг учун машинага ўтиргач, яна битта сигнал чалдириб қўяман.

– Унда бурилишда ҳам битта чалдириб қўйинг, Дуз сатанг бир куйиб ўлсин.

– Хўп, сенинг ҳам сазанг ўлмасин. Соат учда Жоркулнинг ошига бораман. Машинадан тушим билан «Келинг, акажон, келинг», деб туришади. Бир томонда тумонат одам навбат кутиб турибди, лекин мени алоҳида иззат билан ичари олишади. У ерда икки чўқим ош еб... Йўқ, ичкарида ошдан олдин юзта-юзта коньякдан олинади. Кейин иримига икки чўқим ош еб, яна савлат билан чиқаман. Кейин Сотқулнинг ошига бораман. У ерда ҳам аҳвол шу: келинг-келинг, олинг-олинг...

– Дадажони, у ерда кўп ичманг, ишга борадиган одамсиз, яна ҳади келиб турса...

– Э, нодон, амалдорга бунинг айби йўқ. Сен жим ўтир, омад келган даврда давру даврон суриб олиш керак. Шу пайтгача менга биров нахорги ошда ўн грам қўйиб берувдимми?! Дод десанг – демасанг Сотқулникида ҳам эликта отволаман. Ундан Дотқулнинг ошига бораман. Ундан Нетқулникига... Йўқ, бугунга шу учтаси етар. Нетқул сал бетайинроқ бола, уникига бормаса ҳам бўлади. Кейин қорини сила-аб, уйга келаман. Ишга боргунча бир соат мизғиб оламан, сен телефонларни ўчириб қўясан. Балки... тўғри идорага бораверганим маъқулдир, а? Идорада ҳам ухлайдиган хонам бор-ку? Котибамга телефон қилиб қўйсам, чойми, қаҳвами дамлаб туради.

Бу гап хотинга ёқмади, жим ўтириб эшитиши лозимлигини унутиб, эрининг гапини бўлди:

– Идорада пишириб қўйгани йўқ, Уйга келасиз. Чойни ўзим дамлаб тураман. Сиз ухлаб турганингизча мен машинангизга ўтириб, бозорга бориб келаман.

– Уриниб нима қиласан, шопир болага айтаман, бозорни ўзи қойиллатиб чиқади. Сен сартарошга бориб, ичиган қатиқ хиди келиб турган манави сочингни шампун-пампунда ювдириб, одам башара бўлиб ол.

– Азонлаб қайси сартарошга бораман? – Котибамга телефон қилсанг, қаердалигини айтиди.

– Ҳо...о, – хотин лаб буриб гап бошламоқчи эди. Сўтқул йўл бермади:

– «Ҳо-о-ола. Бунақа ишларни ёшлар яхши билишади. Сен айтганимни қил.

– Хўп, унда кундузи машинангизни бериб турасиз, бешик тўйига бориб келаман.

– Кундузи машина ўзимга керак. Махлис-пажлиса қақириб қолишади.

– Ишхонангизда машина биттамасдир?

– Бўпти, жонимга тегавермагин, ўринбосаримникини бериб тураман.

– Эртага ҳам бериб турасиз, онамни кўриб келаман.

– Якоққа боргунча машинада зилиб кетасан, самолётда бора қол.

– Машинада кириб боришнинг савлати бошқачароқ бўлади.

– Майли, котибам ҳам аммасини кўргани бормоқчи эди, бирга бориб келасан. Битта ўзим бораман, – деди хотин белига қўлини қўйиб.

– Бирга борасан, – деди Сўтқул қатъий.

– Йўқ, – деди хотин ўжарлик билан.

– Бирга бормасанг, туш машинадан, – деб бақирди Сўтқул.

– Тушмайман, ана, котибангиз тушсин, – деди хотин бўш келмай.

– Туш деяпман!

– Йўқ, йўқ!

Шу ерга келганда Сўтқул чидопмай қайсар хотинининг юзига бир шалоқ урди. Хотин «вой!» деб бетини ушлаганича эрига бақрайиб қаради:

– Нега урасиз?

– Узинг нега машинадан тушмайсан?

– Қани, қанақа машина?

Энди Сўтқул хотинига бақрайиб қолди: дарвоқе... нималарни гапиряпти?

Хомхаёл эр-хотин бир-бирларига бақрайганларича ўтиришди.

Энди «Сўтқул ким ўзи, бирон вазирликда бўлим бошлиғи-ю эрта-индин янги амалга кўтариладиган одамми?» деган савол тўғилар? Сўтқулнинг манзилни айтиб қўяйлик: уша ўзинг билган эгрикўчанинг бораверишда ўнг, келаверишда чап томонига жойлашган ямоқчилик устахонасидан топасиз. Фақат... амалдорлик орзусида хотинига бир шалоқ урганини эслатиб, у бечорани хижолат қилманг, хўпми?

ТЕЛЕГРАММА

Хасисликда тенги йўқ бир одам Москва саёҳатига отланди. Самолёт кўниши билан хотинининг илтимоси эсига тушиб, телеграмма жўнатиш учун почтага кирди. Хотинига бўлган меҳр-муҳаббатини аён қилиб қўйиш учун чиройли қилиб ёзди:

«Жонгинам, Москвага эсон-омон, бефалокат учиб келдим. Соғ-саломатман. Сени ўпаман».

Почтани сўзларни санаб, ҳисоб-китоб қилиб берган эди, тўлайдиган пулни кўриб, капалаги учиб кетди. Телеграммадан воз кечай деса, хотинига ваъда берган. Уйлай-уйлай сўзларни қисқартира бошлади. «Жонгинам», дейишим шартмас. Кечалари минг мартабалай айтанман», деб биринчи сўзни ўчирди. «Эсон-омон, бефалокат учиб келганимни айтишим шартмас. Фалокат бўлганида учиб келиб, телеграмма бермас

ХАНГОМАЛАР

эдим-ку? Хотиним ақли, бу ёғини ўзи билиб олади», деб бу сўзларни ҳам ўчирди. «Учиб келдим», дейишим шартми? Самолётда учмай эшак аравада келибманми бу ерга?», деб бу сўзни ҳам ўчирди. «Соғ-саломатлигим аниқ-ку? Уйдалигимда соппа-соғ эдим, нима, тўрт соатда айниманми?» деб яна ўчирди. «Қайси калпа билан «сени ўпаман» деб ёздим? Телеграммада ҳам ўпиш мумкин эканми?» деди-ю бунчи ҳам ўчирди. Қараса, телеграммада «Москва» деган сўз билан ўзининг исми қолибди. «Москвага учмай Берлинга учибманми, хотиним биледи-ку», деб бунчи ҳам ўчирди. Кейин «хотиним исминини биледи», деб охириги сўзни ҳам ўчиргач, ўйланди: «Телеграмма юбориш шартми? Агар фало-

кат бўлиб, самолёт портласа, радиодами ё телевизордами эълон қилишарди, хотиним шундан биларди. Фалокат ҳақида хабар йўқми, демак, етиб келганим аниқ. Бир ҳафтадан кейин қайтиб бораман. Эсон-омон учганимни ўшанда айтаман. Айтаман-у росманасига ўлиб қўяман».

ЯНА ОЛИНГ

Мезбон меҳмонга илтифот қилди: – Сомса совумасин, олсинлар, тақсир. – Хўп ажойиб сомса бўлибди. Тўрттасини еб, тўйиб қолдим. – Тақсир, бешта едингиз, яна битта олинг, жуфт бўла қолсан.



«ЎЗБЕКИСТОНИМ» ТОПҚИРЛИК МАШҚЛАРИ

МУАММОНОМА

Шаклнинг ички қисмидаги рақамларда «Ўзбекистон Республикаси конституцияси»да она Ватанимизга берилган таъриф яширинган. Уни қуйидаги калит сўзлар орқали билиб олинг.

1. Давлат тили – 16, 11, 7, 2, 1.
2. Юнон истилочиларига қарши олиб борган халқ ҳаракати йўлбошчиси – 4, 17, 3, 8, 10, 15, 2, 9.
3. Торли мусиқа асбоби – 15, 5, 8, 12, 6.
4. Миллий ширинлик тури – 9, 12, 13, 13, 12, 8.
5. Денгиз – 12, 6, 12, 18.

КРОССВОРД


Белгиланган хонадан рақам атрофига соат мили йўналишида: 1. Ўзбекистон Республикаси мадҳияси мусиқасининг муаллифи. 3. Ўзбекистон Қаҳрамони, бухоролик устоз зардўз аёл. 5. Дарёга номдош водий. 7. Самарқанддаги тарихий муҳташам майдон. 9. Пойтахтимиздаги археологлар томонидан ўрганилган кўҳна маскан. 12. Миллий спортимиз кураш бўйича жаҳон чемпионирандан бири. 13. Маҳмудхўжа Беҳбудий ёзиб қолдирган саҳна асари. 16. Истиқлол йилларида номи абадийлаштирилган атоқли муҳаддис ватандошимиз. 17. Алгебра фанига асос солган ўрта аср риёзиёт ва фалакийёт алломаси. 20. Қадимдан мавжуд бўлган турли ҳарбий кешалар ва мажлисларга берилган ном. 21. Ўзбек халқ рақс кўйи. 24. Ватанимиздаги таниқли футбол жамоаси. 26. Ўзбекистон ҳудудида ҳукм сурган қадимий давлат. 28. Муҳаммад ал-Хоразмий билан ҳамкорликда фаолият олиб борган, замондош риёзиёт олими. 30. Уильям Шекспирнинг «Отелло» трагедиясида бош қаҳрамони гавдалантирилган устоз театр санъаткори. 32. Ташкентдаги XVI асрга мансуб меъморий обида.

Энига: 2. «Шашмақом» таркибидаги мақом. 4. Динимиздаги фарз. 6. Телеканаллардан қўши. 8. «Алишер Навоий» драмаси қаҳрамони. 25. Чаманзор маскан. 27. Азалий халқ кўшиғи. 29. Чўлпоннинг «Кеча ва кундуз» романи қаҳрамони. 31. Автомобиль маркаси.

Бўйига: 10. Жамият асоси, муқаддас маскан. 11. Қадимда давлат қароргоҳи жойлашган маскан. 14. Мақол: «Меҳнатдан ... ортар». 15. Экран санъати. 18. Ўзбек халқ мақоми. 19. Майдонда синалади. 22. Баҳор гули. 23. Пилла қурти ҳосили.


Ёйлар бўйича: 33. Қарши шаҳрининг қадимий номи. 34. Абадий кўним толган маскани зиёратгоҳга айланрилган улғў муҳаддис. 35. Шамсия йил ҳисобига кўра Ўзбекистон Республикаси мустақиллиги нишонланадиган ой. 36. Шоҳ ва шоир. 37. Савдо маскани. 38. Биринчи ўзбек кинооператори. 39. Қорақалпоғистондаги туман. 40. Марказий Осиёдаги пасттекстиклик. 41. Сопол буюмлари хунарманди. 42. Маърифатпарвар шоир. 43. Самарқанд вилоятдаги шаҳар. 44. Жабр-зулмга қарши кураши Х. Тўхтабоевнинг «Қасоскорнинг олтин боши» романида баён этилган халқ қаҳрамони. 45. Ҳисоб илмида ўнли касрни қўллашга асос солган ўрта аср олими. 46. Бухоро амирлиги давлатининг энг сўнги ҳукмдори. 47. Экранлаштирилган халқ достони. 48. Давлатнинг бош идораси. 49. Халқ кўшиғи тури. 50. «Девони ҳикмат» асари муаллифи. 51. Устоз уймакор наққош. 52. Ташкентда таваллуд топган X аср алломаси, қонуншунослик, мантиқ билимларига оид нодир асарлар муаллифи. 53. Пойтахтимиз яқинидаги оромгоҳ қўл. 54. Ўзбек романчилиги жанрига асос солган ёзувчи. 55. «Бадоеъ ул-вақоеъ» асарини ёзган мумтоз адиб. 56. Азиз, муқаддас, ягона маскан. 57. Миллий нон тури. 58. Навоий вилоятдаги шаҳар. 59. Мақомлар мулканиннг султони, улғў санъаткор. 60. Қишлоқ ҳўжалиги асбоби. 61. Сув манбаи. 62. Ўзини ўзи бошқариш ҳудуди. 63. Гуллаб – яшнаган водий. 64. Ўзбекистон Республикасининг мустақиллиги эълон қилинган ҳафта кўни.

Тузувчи: **Фозилжон ОРИПОВ**



ЎТГАН СОНДАГИ «АЛИШЕР НАВОЙИ» АСАРЛАРИНИ ЎРГАНАМИЗ» КРОССВОРДИНИНГ ЖАВОБЛАРИ

- | | |
|---------------|-------------------|
| 1. Самарқанд | 33. Фарход |
| 2. «Дилором» | 34. Дурроҳ |
| 3. Муҳаммас | 35. Жобир |
| 4. Сабзавор | 36. Рой |
| 5. Риёзиёт | 37. Ийрик |
| 6. Тазира | 38. Кек |
| 7. Навфал | 39. «Кўкалдош» |
| 8. Лайли | 40. Шопур |
| 9. Исमतов | 41. Раъно |
| 10. Воҳидов | 42. Олам |
| 11. «Вақфия» | 43. «Хамса» |
| 12. Яхшилик | 44. Атоий |
| 13. Котиб | 45. Истиора |
| 14. Бобур | 46. Акбаров |
| 15. «Низомия» | 47. «Валаднома» |
| 16. Яшин | 48. Аруз |
| 17. Назм | 49. «Зафарнома» |
| 18. Малика | 50. Ашҳаб |
| 19. Астробод | 51. Бойс |
| 20. Девон | 52. Самандар |
| 21. Назаров | 53. Розий |
| 22. Варроқ | 54. Бехдўз |
| 23. Қасида | 55. «Даҳнома» |
| 24. Авлиё | 56. Асас |
| 25. Ётуғон | 57. Семурғ |
| 26. «Навоий» | 58. Ғул |
| 27. Йиғоч | 59. «Латофатнома» |
| 28. Шўсуев | 60. Анатомиа |
| 29. Вақф | 61. Язд |
| 30. Фирдавсий | 62. Дақойиқ |
| 31. Йир | 63. Катъий |
| 32. Радиф | 64. Йўлдош |



УЎС 15288

ISSN 2091-5330



ОБУНА ДАВОМ ЭТМОҚДА Индекс: 820

